

**ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

САОДАТ ДАВЛАТОВА

**ЎЗБЕК
КИЙИМЛАРИНИНГ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2014

Масъул мухаррир:

Такризчилар:

Мазкур луғатда ўзбек кийимларига оид атамаларнинг изоҳи берилган бўлиб, унда кийимларнинг анъанавий номлари билан бирга турли маҳаллий номлари ҳамда ўзбек маданияти тарихида тутган ўрнига оид қизиқарли маълумотлар ҳам берилган. Луғат ўзбек кийимлари тарихи билан қизиқувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Сўзбоши..... | 4 |
| Кийим-кечак номларининг изоҳли луғати..... | 5 |
| А..... | 5 |
| Б..... | 10 |
| В..... | 20 |
| Г..... | 21 |
| Д..... | 24 |
| Е..... | 27 |
| Ж..... | 28 |
| З..... | 32 |
| И..... | 34 |
| Й..... | 35 |
| К..... | 35 |
| Л..... | 40 |
| М..... | 40 |
| Н..... | 43 |
| О..... | 45 |
| П..... | 46 |
| Р..... | 50 |
| С..... | 51 |
| Т..... | 55 |
| У..... | 63 |
| Ф..... | 64 |
| Х..... | 64 |
| Ч..... | 65 |
| Ш..... | 68 |
| Э..... | 70 |
| Ю..... | 70 |
| Я..... | 71 |
| Ў..... | 71 |
| Қ..... | 72 |
| Ғ..... | 75 |
| Ҳ..... | 75 |

СЎЗ БОШИ

Зеро юртбошимиз таъкидлаганидек, “ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унитган миллатнинг келажаги бўлмади”.

Мустақиллик ўзбек халқи тарихида янги уйғониш даврини бошлаб берди. Ўзбекистонда кенг камровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар юз бераётган паллада ўзбекистон тарихини чуқур ва холисона тарзда тадқиқ этишда этнология, этнография яъни, элшунослик фани салмоқли ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон ўзига хос тарихийэтнографик макон ҳисобланади. Бугун дунё миқёсида кечаётган улкан глобаллашув жараёнлари ва турли тарихий этнографик, минтақалараро коммуникация тизимининг такомиллашуви этномиллий анъаналарга ўз таъсирини ўтказмоқда. Қолаверса, узоқ йиллар давомида аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо мерос, миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг жонланиши ҳамда уларнинг энг ибратли, қадриятларга дахлдор жиҳатларини жамият ҳаётига олиб кирилишида бу фаннинг ўрни беқиёсдир. Шу боис жаҳон тамаддунида аниқ ўрнига эга бўлган ўзбекларнинг миллий менталитетига оид моддий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилишга эътибор қаратилмоқда Жумладан, дунё маданияти эволюциясида этник омилнинг ўрни, маданиятларнинг тарихий хилмахиллиги, антропогenez ва этногенетик жараёнлар, миллийэтник маданиятнинг цивилизацион жараёнларнинг ўрни ва аҳамиятини ёритишда, уларни барчага, жумладан ёш авлодга етказиб беришда ўзбек анъанавий кийимларининг ўзига хос ўрни бор. Қолаверса, кийимлар халқ миллий маданиятининг кўзгуси сифатида этногенез, этник тарих ва маданият тарихини ўрганишнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланиб¹, этноснинг бошқа халқлар билан ўзаро маданий – иқтисодий алоқалари ҳақида ҳам маълумотлар беради.

¹ Шаниязов К., Исмоилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в. – Т.: Фан, 1981. – С. 67.

Кийимлар тарихини ўрганишда тарихий манбалар, ёзма ёдгорликлар, фольклор асарлари, тарихий обидалар, археологик топилмалар, тасвирий санъат наъмуналаридан фойдаланиш ўринлидир. Бундан ташқари, кийимлар тарихини батафсил ёритиш дала этнографик маълумотлари, музейлардаги анъанавий кийимлар кўرғазмаси, қадимий либосларнинг театрларда, маҳаллий аҳоли кўлида сақланиб келаётган асл нусхалари ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунгача фанда ўзбек миллий кийимлари борасида ўнлаб тадқиқотлар ва илмий ишлар бажарилган бўлиб, мазкур тадқиқотларда этнолог, ўлкашунос, археолог, санъатшунос мутахассислар томонидан Республикаимизнинг турли минтақаларига хос кийимларнинг маҳаллий-локал хусусиятлари, тикилиши ва кийилишидаги ўзига хосликлар, шунингдек, кийимларнинг эволюцияси турли манбалар ҳамда дала материаллари асосида таҳлил этилган. Шу боис, биз луғатни яратишда ўзбек халқи анъанавий кийимларининг шаклланиш тарихи ва эволюцияси, трансформациясига бағишланган барча тадқиқотлар ва илмий адабиётларни таҳлил қилиб, уларни ўрганиб, ундан кийимлар атамаларига оид маълумотларни жамлашга ҳаракат қилдик.

Аввал шунини таъкидлаб ўтиш керакки, энг қадимги ёзма меросимиз дурдонаси ҳисобланган «Авесто» китобида, шунингдек, ўрта асрларда яшаб ижод қилган машҳур тилшунос Маҳмуд Кошғарий, энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий асарларида ва улкан давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида халқимизнинг қадимий кийимлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган¹.

Европалик муаллифлар томонидан Ўрта Осиё халқлари кийим-кечакларига оид дастлабки материаллар ўрта асрлардан, яъни мазкур минтақага европаликлар томонидан илк экспедициялар уюштирилган даврдан бошлаб йиғила бошланган. Хусусан, XIII

¹ Қаранг: Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001; Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Т.: Фан, 1962. Т. 1; Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1968; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.

асрда Мўғулистонга сафар қилиш асносида мазкур минтақада бўлган Марко Поло, шунингдек, Плано Карпини ҳам Ўрта Осиё халқларининг ўша даврлардаги кийим-кечаклари тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган¹.

XV аср бошида Амур Темур саройига элчи бўлиб келган испаниялик Руи Де Гонзалес Клавихо Самарқандда икки йил яшаган ва маҳаллий аҳолининг ўша даврдаги кийимлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлган. Бироқ, у ўз эсдаликларида кўпроқ ўша даврнинг аслзода аёллари, яъни Темурий маликаларнинг турли элчилар ва чет эллик меҳмонларни қабул қилиш маросимларида кийган кийимлари тўғрисидагина маълумотлар бериб ўтган, холос².

XVI асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган инглиз савдогари А. Женкинсон эса ушбу минтақада ишлаб чиқарилган маҳаллий матолар тўғрисида қизиқарли маълумотлар бериб ўтган, лекин афсуски, муаллиф маҳаллий аҳолининг кийим-кечаклари борасида маълумотлар бермаган³. Қолаверса, маҳаллий усулда ишлаб чиқарилган матолар, аниқроғи, Бухорода тайёрланган матолар тўғрисида можор олими Ҳ. Вамбери ҳам батафсил маълумотлар бериб ўтган⁴.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Ўрта Осиёга ташриф буюрган кўплаб сайёҳлар, элчилар, ҳарбийларнинг йўлномалари ҳамда турли мақсадларда уюштирилган экспедиция иштирокчиларининг сафарномаларида минтақа тўғрисидаги дастлабки этнографик маълумотларни учратиш мумкин. Бироқ, улар маҳаллий аҳолининг антропологик тавсифига, кўпроқ қиёфасига тўхталиб

¹ Книга Марко Поло. – М.: Географгиз, 1955. – С. 75; Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. – М.: Географгиз, 1957. – С. 151.

² Руи Гонсалес Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406 гг.). Перевод, предисловие и комментарии И.С. Мироковой. – М.: Наука, 1990. – С. 293.

³ Дженкинсон А. Путешествия в Среднюю Азию 1558 – 1560 гг. / Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. – Л.: ОГИЗ, 1932. – С. 193.

⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии (Из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд. – М., 1867. – С. 145.

ўтганлар ва айрим ўринлардагина кийим-бошлари тўғрисида маълумотлар берадилар. Жумладан, Е. Мейендорф бухоролик аёллар ўзларининг таналарини буткул беркитиб турувчи кенг кийим кийганликларини қайд этса, инглиз ҳарбий зобити А. Борнс ўзбек миллий кийимлари мажмуига кирувчи узун пошналар этиклар ва аёлларнинг катта оқ саллалари ҳақида ёзган¹. Шунингдек, бу даврда Туркистонда бўлган П. Небольсин ҳам бухороликлар, хиваликлар ва қўқонликларнинг миллий кийимлари ҳамда маҳаллий матолар тўғрисида жуда қисқа, лекин ўта қимматли маълумотларни келтириб ўтади².

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг уни ўз мақсадлари йўлида ўрганишга киришиб, ўлка бўйлаб қатор илмий экспедициялар уюштирди. Натижада ўша пайтда фаолият юргизган бир қатор илмий жамиятлар томонидан Туркистон тарихи ҳамда маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий маданиятига бағишланган қатор илмий асарлар чоп эттирилди ва уларда кийимларнинг маҳаллий тилда қандай аталганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Фарғона водийси маҳаллий аҳолисининг анъанавий турмуш тарзини ўрганиш бўйича махсус илмий изланишлар олиб борган эр-хотин В. ва М.Наливкинлар ҳамда шифокор А.А. Бобринскийнинг асарларида Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида яшовчи халқларнинг анъанавий кийимлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўплаб қизиқарли, лекин узук-юлук маълумотлар учрайди³.

Бухоро хонлигидаги ўзбекларнинг анъанавий кийимлари ва мато турлари ҳақида А.Д. Гребенкин, А.П. Хорошхин, Д.Н. Логофет асарларида ҳам айрим эътиборга молик мулоҳазаларни учра-

¹ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренберга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 147-148; Борнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1848-1849. Ч. III. – С. 393, 410.

² Небольсин П. Очерки торговли России со странами Средней Азии. – СПб., 1856. – С. 9-10, 13.

³ Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Университет, 1886. – С. 88-107; Бобринский А. Горцы верховьев Пянджа. – М., 1908.

тиш мумкин¹.

Умуман олганда, юқорида номлари қайд этилган муаллифларнинг асарларида Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрлар ва Россия мустамлакаси арафасидаги кийимлари, кийиниш маданияти ҳамда моддий маданиятининг либос билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида умумий этнографик маълумотлар берилганлиги боис ўзбек халқининг анъанавий кийимлари тарихини ўрганишда маълум маънода асос бўлиб хизмат қилади деб айтиш мумкин. Қолаверса, мазкур даврда ўзбек халқининг анъанавий кийим-кечаклари борасида дастлабки илмий материаллар йиғила бошлаган бўлса-да, лекин ушбу қайдномалар кўпинча мутахассис тадқиқотчилар томонидан йиғилмаганлиги боис анъанавий кийимларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихи борасида батафсил маълумот бера олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук-юлуқ маълумотлар мажмуидангина иборат бўлиб қолган.

Советлар даврида барча ижтимоий фанлар сингари этнография ҳам коммунистик мафкурага бўйсундирилди. Ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар коммунистик мафкура призмасидан ўтказилган бўлса-да, дастлабки йилларида маҳаллий ва рус тадқиқотчилари ўзбек халқининг миллий кийимларини ўрганиш борасида дастлабки илмий изланишларни амалга оширишди.

XX асрнинг 20-40-йилларида В.Г. Григорьев, О.А. Сухарева каби этнограф ва шарқшунос олимлар томонидан илмий маълумотлар ва дала тадқиқотлари асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор янги асарлар ва мақолалар эълон қилинди². Айниқса, бу борада ўзбек этнограф олимаси Муршида Бикжонованинг Тошкент шаҳри ўзбекларининг анъанавий кийимларини ўрганишга доир қатор илмий изланишлари алоҳида эъ-

¹ Қаранг: Гребенкин А.Д. Узбеки / Русский Туркистан. – М., 1872. Вып. 2; Хорошкин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. Т. 1.

² Григорьев В.Г. Тус туппи. К истории народного узора Востока // Искусство. – 1937. – № 7. – С. 121-124; Сухарева О.А. Об одежде узбеков // Бюллетень УзГУ. – Т., 1944; Ўша муаллиф. К истории костюма населения г. Самарканда // Бюллетень АН УзССР. 1945. – С. 11-12.

тиборга моликдир¹. Муаллиф томонидан Тошкент кийимларини ўрганиш асносида яратилган ўзига хос изоҳлар ва жадваллардан иборат бўлган ажойиб альбом кийимлар тарихи билан қизиқувчи мутахасислар учун бугунги кунда ҳам жуда катта илмий қимматга эга бўлган манба ҳисобланади.

XX асрнинг 50-60-йилларига келиб ўзбек халқининг анъанавий кийимларини ўрганиш борасида янги давр бошланди. Бу даврда турли тарихий-этнографик минтакаларда яшовчи ўзбекларнинг анъанавий кийимларини тадқиқ қилиш борасида янги-янги тадқиқотлар юзага келди. Бу борада машҳур элшунос олима О.А. Сухарева дала тадқиқотлари ва турли тарихий материаллар асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор фундаментал тадқиқотлар яратди². Олиманинг Ўрта Осиё халқлари кийимларини ўрганиш муаммоларига оид тадқиқотларида минтақада яшовчи халқлар кийимларининг ўрганилиш тарихи ва келгусида мавзу доирасида тадқиқ қилиниши лозим бўлган муаммолар борасида қатор эътиборга молик фикр-мулоҳазалар баён қилинган³. Бундан ташқари, муаллиф ўз тадқиқотларида ўзбек кийимларининг музейшунослик нуқтаи назаридан жамлаб, уларга таъриф берган.

Айниқса, бу даврда Ўрта Осиё халқларининг анъанавий кийимларига бағишлаб эълон қилинган ишлар ичида Миклухо-Маклай номли Этнография институти томонидан нашр қилинган «Ўрта Осиё халқлари кийимлари» номли асар алоҳида ўрин

¹ Бикжанова М.А. Мурсак-старинная верхняя одежда узбеков г. Ташкента // Сборник посвящённой памяти М.С. Андреева. – Сталинабад, 1960. – С. 47-53; Ўша муаллиф. Одежда узбеков Ташкента XIX – начала XX в. // Костюм народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 133-151.

² Сухарева О.А. Древние черты в головных уборах народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. – М., 1954. – С. 299-353; Ўша муаллиф. Опыт анализа покровов традиционной «туникообразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии... – С. 77-102; Ўша муаллиф. История среднеазиатского костюма Самарканда (2-я половина XIX – начало XX в.). – М., 1982.

³ Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма Средней Азии // Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 3-13.

тутади¹. Мазкур асар Ўрта Осиё халқлари кийимлари шарқшунос ва этнограф мутахассислар томонидан археологик, деворий расмлар, ёзма манбалар ва дала этнографик материаллари асосида фундаментал тадқиқ қилинган асарлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, бу даврда мутахассис олимлар томонидан Тошкент ва Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий кийимлари ва маросимий кийимлари махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинган².

Анъанавий ўзбек кийимларини тадқиқ қилишда ўзбек этнограф олими Ҳ. Исмоилов ҳам муносиб ҳисса қўшган. Олим ўзбек анъанавий кийимларига бағишланган рисоласида анъанавий ўзбек кийимлари, уларни тайёрлашда ишлатиладиган мато турлари, мато тайёрлаш усуллари ва унинг тарқалиши, кийимлар бичими, тақинчоқлар, кийим-кечак безакларининг турлари тўғрисида батафсил маълумотлар берган³. Бундан ташқари, муаллифнинг таниқли этнолог К. Шониёзов билан ҳаммуаллифликда ёзилган «Ўзбеклар моддий маданиятидан этнографик лавҳалар» номли асарида ҳам анъанавий ўзбек кийимлари таҳлилига алоҳида боб бағишланган бўлиб, эркаклар ва аёллар кийимлари, уларнинг ўзаро фарқлари, тайёрланиши ва кийилиши хусусида қизиқарли илмий мулоҳазалар баён қилинган⁴.

Бош кийимлари ҳам анъанавий кийимларнинг асосий қисмларидан бирини ташкил қилади. Қадимги даврлардаёқ бош кийимига қараб ўзбекларнинг этник ва локал гуруҳларини фарқлаш мумкин бўлган. Зеро, ўзбек аёлларининг анъанавий бош кийимлари

¹ Қаранг: Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979.

² Қаранг: Бикжанова М. Одежда узбечек Ташкента XIX – начала XX в. // Костюм народов Средней Азии... – С. 133-151; Рузиева М. Посмертная и траурная одежда узбеков г. Ташкента // Юқоридаги тўплам. – С. 169-174; Задыхина У.Л., Сазонова М.В. Мужская одежда узбеков Хорезма конца XIX – начала XX в. // Юқоридаги тўплам. – С. 151-169.

³ Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари. – Т., 1979.

⁴ Шаниязов К. Узбеки карлуки. – Т., 1964. – С. 104-124; Ўша муаллиф. К этнической истории узбекского народа. – Т., 1974. – С. 248-271; Шаниязов К., Исмоилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начало XX в. – Т., 1981. – С. 67-101.

санъатшунос ва этнограф олимлар томонидан жиддий тадқиқ этилган бўлиб, бу ўринда Г.А. Пугаченкова, В.С.Симонова, К.П. Лобачева каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш жоиздир¹. Қолаверса, тожик элшунос олими Р.Р. Раҳимовнинг аёллар устки ёпинчиқларининг генезиси ва эволюциясини янгича талқин қилишга оид қизиқарли тадқиқотини ҳам келтириш мумкин². Умуман олганда, кўплаб муаллифлар аёллар юзини ёпинчиқ тарзида тўсиб турувчи махсус либосларнинг генезиси исломдан аввалги анъаналар билан боғлиқ деган хулосага келган.

Т. Абдуллаев ва С.А. Ҳасановаларнинг «Ўзбеклар кийими» номли асарида XIX аср охири – XX аср бошларидаги Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Хоразм минтақаларига хос эркаклар, аёллар, болалар ҳамда турли табақа вакиллари кийимларининг намуналари берилган³. Бу асар Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланаётган кийимларни ўрганиш асосида юзага келган дастлабки тадқиқот ҳисобланиб, бир қатор камчиликлардан ҳам холи эмас. Унда кийимларнинг маҳаллий-локал хусусиятларига доир жиҳатлари акс эттирилмаган. Шу боис, Ўзбекистоннинг барча минтақаларига хос бўлган хилма-хиллик, анъанавий бичиш усуллари батафсил ёритилмаган. Лекин шунга қарамай, бу асар ўзбек кийимлари мавзуида кенг қўламли тадқиқотлар олиб бориш ҳамда кийиниш маданиятининг ўрганилмаган қирраларини чуқур ёритишга ёрдам беради.

Марказий Осиё халқлари кийим-кечаклари бўйича мутахассис ТН. Томина илк бора ўзининг олиб борган қисқа муддатли дала тадқиқотларида кийимларни этнографик маълумотлар асосида

¹ Пугаченкова Г.А. К истории «Паранджи» // Советская этнография. – 1952. – № 3; Симонова В.С. Головной убор узбечек (кунгираток «сала» или «бош») // Материалы 11-го совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М.-Л., 1959. – С. 249-256; Лобачева Н.П. Почему мусульманки носили паранджу // Наука и религия. – 1970. – № 12. С. 28-31.

² Рахимов Р.Р. «Завеса тайны» (о традиционном женском затворничестве в Средней Азии) // Этнографическое обозрение. – 2005. – № 3. – С. 4-19.

³ Абдуллаев Т.С., Хасанова С.А. Одежда узбеков (XIX – XX вв.). – Т., 1978.

баён қилиб ўтган¹.

Ўзбек кийимларининг этнографик таҳлили тарихига назар ташлаганда, 90-йилларга келиб Москвадаги Этнография институти илмий жамоаси томонидан нашр этилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий кийимлари» номли асарни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий кийимларига оид сўнгги тадқиқотлар натижасини ўзида мужассамлаштирган бу асарда Хоразм аёллари ва Фарғона-Тошкент эркакларининг анъанавий кийимлари қиёсий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилинганлиги муҳим илмий аҳамият касб этади².

Собиқ иттифоқ даврида Ўрта Осиё халқларининг уй шароитида ип-газлама, ипакли ва ярим ипакли (нимшойи) ҳамда жун ва теридан мато тайёрлаш жараёни ҳам айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, матоларни тўқиб, турли-туман рангларга бўйаш усуллари ва ушбу жараёнларда иштирок этувчи хунармандларнинг вазифалари тавсифланган³. Анъанавий кий-

¹ Томина Т.Н. Трансформация традиционных элементов в современной одежде узбеков южного Узбекистана на материалах экспедиции 1983 г. в Кашкадарьинскую обл. Уз. ССР.// Тезисы доклада на отчетно-экспедиционной сессии этнограф. и антрополог. Исследований 1983-1984 гг. Черновцы 1984. С.

² Сазонова М.В. Женский костюм узбеков Хорезма // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989. – С. 90-106; Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения Ферганско-Ташкентского региона (XIX – XX вв.) // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1979. С.139-156.

²⁸ Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т., 1972; Махкамова С.М. Узбекские абровые ткани. – Т., 1963; Ўша муаллиф. Бекасам. – Т., 1971.

³ Сухарева О.А. Художественные ткани // Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. – Т.: Текстиль, 1954. – С. 13–37; Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у народов южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX – начало XX в.) // Проблемы типологии этнографии. – М., 1979. – С. 258; Махкамова С.М. Узбекские абровые ткани. – Т., 1963; Томина Т.Н. Ткани в одежде кочевых и полукочевых народов Средней Азии // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989. – С. 228-252; Смашко (Томина) Т.Н. Ткани в одежде киргизов (вторая половина XIX – начало XX в.) // Костюм народов Средней Азии... – С. 211–228; Ўша муаллиф. Ткани домашнего производства в одежде туркмен Северо-Западного Хорезма в конце XIX – начале XX в. // Новое в этнографических

имларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин даврларгача одат бўлиб келган. Кийим-кечаклардаги янгиликлар ва унинг трансформацияси тақинчоқларнинг айрим хиллари истемолдан чиқиб кетишига сабаб бўлган. Бу даврда анъанавий кийимларнинг ажралмас қисми бўлган тақинчоқларнинг турлари, тарихи ва улар билан боғлиқ тасаввурлар ҳам маълум даражада ўрганилган¹.

Умуман олганда, мазкур тадқиқотларда маълум илмий концепция асосида ёзилган бўлса-да, лекин аксарият тадқиқотларда Ўзбекистоннинг барча минтақаларида яшовчи ўзбеклар кийимлари қамраб олинмаган. Шу боис, бажарилган ишларда кийимларнинг турли минтақаларга хос маҳаллий турлари тўла ақс этмаган, айрим ҳолларда эса фақатгина музей материаллари билан чегараланиб қолинганини кузатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида ҳам бир қатор тадқиқотларда миллий қадриятларимиз, анъанавий моддий ва маънавий маданият, халқона урф-одатлар муаммоси ҳаққоний илмий тадқиқ этилди. Жумладан, анъанавий кийимлар таркибига кирувчи ўзбек миллий дўппиларига бағишланган тадқиқотларда Ўзбекистон аҳолисининг анъанавий бош кийимлари, уларнинг турли минтақаларга хос кўринишлари ва тарихий асослари борасида янги маълумотлар таҳлил этилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир².

и антропологических исследованиях Института этнографии в 1972. – М., 1974. Ч. I; Ўша муаллиф. Ткани в одежде каракалпаков в конце XIX – начале XX в. // Этнография каракалпаков XIX – начала XX в. Материалы и исследования. – Т., 1980 ва б.

¹ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Т., 1988; Пугаченкова Г.А. Ювелирные изделия Дальварзинского клада. – М., 1973; Чвырь Л.Л. Опыт классификации ювелирных украшений. (Проблема типологии на таджикских серег) // Костюм народов Средней Азии... – С. 103-113; Сазонова М.В. Украшение узбеков Хорезма // Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. – Л., 1970. – С. 119-142; Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах-украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. – С. 281-298; Азизова Н.Х. Ювелирные изделия Узбекистана. 1968.

² Турсуналиев К. Все цвета радуги. – (Тюбигейки и головные уборы узбеков XIX – XX вв.). – Т.: Фан, 1991; Олимжонова О. Ўзбекистон дўпписи // San'at. – 1991. – № 12. Б. 29; Тўйчиев У. Бошга кийиб юриладиган китоб // Саодат. – 1992. – № 11. Б. 25.

Таниқли этнограф олим И.М. Жабборов ҳам ўзининг «Ўзбек халқи этнографияси» номли ўқув қўлланмасида ўзбекларнинг анъанавий кийим-кечак, сарпо безаклари ва пардоз буюмлари хусусида маълумотлар беради¹.

ЎЗР ФА Тарих институти «Этнология» бўлимида ўзбек халқи этнографиясининг долзарб мавзуларининг янгича талқинига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилди. Жумладан, тадқиқотчи Г. Юлдашева Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийимлари мавзусида ёқлаган диссертациясида воҳа аёлларининг анъанавий, кундалик, байрам кийимлари ва қизлар ҳамда келинларнинг кийимлари ҳақида бой этнографик маълумотларни келтирган. Шуни таъкидлаш лозимки, муаллиф мавзунинг фақат воҳага хос жиҳатинигина назарий ва илмий жиҳатдан тўла асослаб бера олган².

Тадқиқотчи Г. Зуннунова Тошкент шаҳри ўзбек аёллари кийимларининг ривожланиш босқичлари ва трансформациясини ўрганган бўлса, К.Жумаев Бухоро кийимларининг ўзига хос томонларини этнографик материаллар асосида таҳлил қилган³. Бундан ташқари, У. Абдуллаев, И.Аҳроров, М. Ҳамидова, Т. Ботирқулов каби ёш санъатшунос, файласуф, этнограф олимларнинг ўзбек миллий кийимлари таҳлилига бағишланган қатор ишлари эълон қилинган⁴. Ёш истедодли этнолог олим А.А.Аширов томонидан

¹ Жабборов И.М. Узбек халқи этнографияси. – Т., 1994. – Б. 149-158.

² Юлдашева Г. Традиционная одежда женщин Нурота (конец XIX – начала XX вв.). – Т.: АКД, 1995; Ўша муаллиф. Традиционная одежда женщин Нурота // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1995. – № 3.

³ Зуннунова Г. К истории узбекской национальной одежды (развитие и трансформация женской одежды г. Ташкенте в XX веке) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. – Т., 1999. – Б. 95-105; Ўша муаллиф. Из истории узбекских традиций (знаковая роль предметов материальной культуры) // O'zbekiston tarixi. – 2000. – № 3. С. 72-79; Жумаев К. Традиционная Бухарская одежда конца XIX – начала XX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2002. – № 5. – Б. 36-38.

⁴ Абдуллаев У. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. // O'zbekiston tarixi. – 1999. – № 4. – Б. 62-69; Аҳроров И. Такинчоклар таърифи // Саодат. – 1997. – № 3. – Б. 27; Ҳамидова М. Ўзбекгимнининг каштасио дўпписи // Фан ва турмуш. – 2000. – № 5. – Б. 24-25.

Ўзбек халқи оилавий маросимларида кийим-кечакларнинг рамзий тутган ўрни ва у билан боғлиқ маросимлар янгича нуқтаи назардан тадқиқ қилинган бўлиб, муаллиф томонидан туғилиш, никоҳ ва мотам маросимларида кийиладиган маросимий кийимларидаги умумийликлар борасида қатор эътиборга сазавор мулоҳазалар билдирилган.¹

Тадқиқотимиз объектига қўшни бўлган Сурхон воҳаси анъанавий кийимлари ҳам маълум даражада ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир².

Сўнгги йилларда ўзбек миллий кийимларини тадқиқ қилишда санъатшунос олима Н. Содиқованинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу муаллиф XIX – XX асрлардаги ўзбек миллий кийимларини Республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги йирик музейларнинг фондларида сақланаётган материаллар асосида турли ҳудудлар, жумладан, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятлари бўйича илмий тадқиқ қилган³.

Бундан ташқари, Қашқадарё миллий кийимлари тарихи ва трансформациясини ёритган Давлатова С.Т. монографиясида ҳам ўзбек кийимкечакларининг Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари таққоси мисолида кўрсатиб берган⁴. Шунингдек, ўзбек миллий кийимларининг энг қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган ўзгаришлар ва уларнинг сабаблари ёритиб берилган.

Хоразм воҳаси анъанавий кийимлари этноҳудудий хусусиятла-

¹ Ashirov A. On the problem of initiation and cyclical in Uzbek family ceremonies in the 20th century//XXth Century in the history of Central Asia. – Tashkent 2004. P.61-63.

² Қаранг: Ибрагимова М. Сурхон воҳаси анъанавий кийимлари...; Бинафша Нодир. Сурхондарёлик кўнҗирот аёлларининг миллий либослари // San'at. – 2002. – № 3. – Б. 27-30; Турсунов С.Н., Турсунов Н.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2003. – № 4. Б. 57-60.

³ Содиқова Н. XIX-XX асрларда ўзбек миллий кийимлари. – Т., Шарқ, 2001.

⁴ Давлатова С.Т. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. Б.176.; Унинг Йўлдошева С, Сатторова Г.билан ҳаммуаллифликда ёзган. Фольклор кийимлари ва безаклари // Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т. “Талкин”. 2007. 133 бет.

рини Нуруллаева Ш. ўз тадқиқотида ёритиб берган¹.

Охирги йилларда анъанавий кийимларни тадқиқ қилиш ҳажми кенгайиб, кийимларга, яъни костюмларга фақат манфаатдорлик нуқтаи назаридан эмас, балки унинг шакл-семантикасини тушунтириб изоҳлаб беришга эътибор қаратилмоқда².

Хуллас, муаллиф олиб борган тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, ўзбек халқининг анъанавий кийим-кечакларига оид бир-мунча салмоқли тадқиқотлар бажарилган.

Шунингдек, тадқиқот давомида жаҳон халқлари анъанавий кийимларига оид илмий ва илмий-оммабоп материаллардан ҳам типологик жиҳатдан фойдаланилди³.

Ушбу атамалар луғати ўзбек анъанавий кийимларининг тарихини ўрганувчилар учун ёрдам сифатида бир қўлланма бўлса ажаб эмас. Бу луғатда атамаларнинг фақатгина изоҳи ва маъноси берилиб қолмасдан, балки улар билан боғлиқ айрим тарихий жараёнлар, кийимларнинг ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган матоларнинг номи, тақинчоклар тарихи, қолаверса, уларнинг трансформация жараёнлари ҳам ёритилди. Шунингдек, кийимларнинг европа андозасидаги номларига ҳам тўхталиб ўтилган. Чунки, бугунги кунда ўзбек миллий либослари тарихини ўрганар эканмиз, унинг шаклланиш босқичини назардан четда қолдириб бўлмайди. Ўзбек анъанавий кийимлари мажмуасидан ўрин олган кўплаб бошқа халқларга хос элементларнинг борлиги айниқса, уларнинг номланишига ҳам таъсир кўрсатган. Қолаверса, бугунги кунда миллий маданиятимиз янада тараққий этаётган экан, албатта бизнинг кундалик турмуш тарзимизга кириб келаётган турли бичим ва андозадаги кийимлар, уларнинг номланиши ва кишилар

¹ Нуруллаева Ш. Хоразм анъанавий кийимлари. Тошкент: Янги нашр, 2013. Б.154.

² Додэ, З. В. *Костюм как репрезентация историко-культурной реальности: к вопросу о методе исследования.// Структурно-семиотические исследования в археологии. Донецк, 2005. Т. 2. С. 305, 329.*; Крыласова, Н. *История прикамского костюма. Костюм средневекового населения Пермского Предуралья. Пермь, 2001. 253 с.*; Яценко, С. А. *Костюм ираноязычных народов древности и методы его историко-культурной реконструкции: автореф. дисс. доктора ист. наук: 24.00.01. Рос. гос. гуманитар, ун-т. М., 2002. 55 с.*

муомиласидаги кийим атамаларига аниқликлар киритишни мақсад қилиб олинган. Шу боис, уларнинг таърифий ва тавсифий жиҳатдан кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Ўзбек миллий кийимларининг тарнсформациясидан кўринадики, кийимлар шакли, бичими кўриниши, тикилиши, матолари ўзгаргани билан улардаги ранг танланиши, миллийлик, этник хусусиятлар ўз аҳамиятини бугунгача йўқотгани йўқ. Анъанавий кийимларда халқимизнинг дунёқараши, хўжалик юритиши анъаналари ва маиший турмуш тарзи ўз ифодасини топган бўлиб, келажакда моддий маданиятимизнинг улкан меросига айланса ажаб эмас. Шунинг учун бу луғат ўзбек миллий кийимлари тарққиёти, кийимлар учун ишлатиладиган матоларнинг эволюциясини кўрсатувчи, анъанавий ва замонавий кийим-кечаклар ва матоларга оид фотоальбомлар тайёрлашда, слайдлар тайёрлашда, мактабларда тарих дарсларида уларни намойиш қилишда, санъат ва ўлкашунослик музейларидаги коллекцияларни тайёрлашда, экспозицияларни намойиш этишда, интернет орқали миллий кийимларни тарғиб ва ташвиқот қилишда кўмак беради деган умиддаман.

Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг миллий либосларга эътибор ошганлиги ва кўплаб янги кийимлар пайдо бўлаётганлиги боис дизайнер рассомлар, бичувчи ва тикувчилар ҳамкорлигида миллий бичимдаги кийимларнинг асл намуналари, мукаммаллашган замонавий бичимларнинг ўзаро уйғунликда мослашувидаги кийимлар мажмуасини такомиллаштиришда ҳам хизмат қилади. Этнологлар, санъатшунослар, дизайнерлар ва турли касб эгалари иштирокида касбий кийимларнинг янги мажмуаларини яратишда, шунингдек, касб-хунар коллежларида миллий бичимдаги кийим-кечаклар эволюцияси ва трансформацияси жараёнларини ўрганишда ва замонавий дизайн билан уйғунликда миллий кийимлар моделини яратишда янада аҳамиятлидир. Этнологлар учун ҳам кийимлар ва кийим безаклари ўтмишда ва ҳозирги кунда халқларнинг ижтимоий тузилиши, маданий даражасини аниқлашда этнографик тадқиқотлар олиб боришда ҳам

кўмак беради.

Луғатни яратишда асосан Асомиддинова М.нинг “Кийим-кечак номлари”¹ китобидан, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Ўзбек тилининг изоҳли луғати ва башқа кўплаб тарихий адабиётлар асос қилиб олинди ва фойдаланилди. Бундан ташқари, ушбу луғатни яратишда қуйидаги манбалар:

1. Кийим-кечак атамаларининг Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига оид тўпланган этнографик дала материаллари.

2. Музей экспозициялари, театр, кўرғазма материаллари.

3. Этнографияга оид илмий адабиётлар, тўпламлар, монографиялар. Шунингдек, бунда кийимларга хос бўлган сўзлар ва атамаларнинг баъзи бир вилоятларга хос талқинлари ҳам келтирилганки, бу ўз-ўзидан умумўзбек анъанавий кийим-кечакларининг тарихий номлари, баъзан унитилиб бораётган ёки бутунлай унутилган номларини сақлаб қолиш мақсадида ушбу ишга қўл урилди.

¹ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. Тошкент, Фан. 1981. 114б.

КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

А

Адик этик. Хоразм анъанавий кийимларидаги тиззагача беки-тиб турадиган узун қўнжли пойабзал. Шунингдек, пошнаси баланд, учи қайрилма оқ кигиздан бўлган оёқ кийими ақ адик деб номланади.

Алдикча хоразмда кичик ёшдаги болаларнинг устки кийими шундай номланади.

Абас – араб эркакларининг туя жунидан тўкилиб қўпол қилиб, тикилган кенг плашга ўхшаш кийими. Абас одатда, сариқ рангда ёки йўл-йўлли бўлади. У кўринишидан қопга ўхшаш бўлади.

Або (эск. –жун мато,) – калта енгли, пахтасиз, авраси жун, астари бўз ёки ип матодан тикилган шайх ва дарвешларнинг, умуман олганда эркакларнинг узун устки кийими. Ўрта Осиёга ислом динининг тарқалиши натижасида кириб келган. У тўн маъносида VII асрдан маълум. Бу кийимни XIV – XV асрларда юқори табақали олимлар (ҳозирги плащ ёки макинтош ўрнида) кийганлар. Кўпроқ Самарқанд ва Бухоро амалдорлари кийишган. Ҳозир музейларда сақланади. Театрларда сахна кийими сифатида ҳам ишлатилади. Асли чопонга ўхшаш жун кийим.

Абр (форсча – булут) – безакнинг бир тури. Тарҳи булутсимон бўлиб, бу безак шойи-атлас, меъморлик, кулолчилик, муковасозлик, айниқса читгарликда кўпроқ учрайди ва абрбанди усулида гул ҳам солинади.

Абрбанд – аслида тугун, боғлам бўлиб, атлас ва шойи матоларга махсус шу усулда гул, нақш солиш.

Абрбандхона – атлас ва шойи танда иплари бўяладиган корхонанинг абрбанд уста ишлайдиган бўлими.

Абришим – хом ипак ёки ипак газлама. Яна шу ипак газламадан тикилган кийим.

Абру (форсча – қош) – ўзбек бадий каштачилигида қўлланиладиган безак. Шакли туташ қошга ўхшайди. Дўппи жияқларига йўрма усулида ҳам тикилади.

Авра (форс-тожикча) абра, авра – кийим-кечак, кўрпа-ёстик каби астарли буюмларнинг сирт (уст)ки қисми. Масалан, тўннинг авраси, кўрпачанинг авраси.

Авра тўн – аврадан иборат юка, астарсиз ёзлик тўн; елак тўн, яктак тўн.

Авра камзул – фақат авранинг ўзидан иборат камзул.

Авра пўш – астарсиз, аврали устки кийим.

Авра-астар – авра ва астардангина иборат (пахтасиз) тўн.

Авурсак – шойи ва атлас тўқиш учун ишлатиладиган махсус тахтача.

Адип – *тўн, паранжи, мурсак, чопон* ва бошқанинг олди ва этагига ич томонидан (астарнинг устидан) қўйиб тикиладиган, 5 – 6 см энликдаги газлама. Адип қора сатин ёки шойининг четидан кўндалангига ёки узунасига қийиб олиниб, бир-бирига улаб тайёрланади.

Адипли чопон – ён ва этақларига адип қилинган чопон.

Адрас – танда ипи табиий ипакдан, арқоғи қалин ипдан тўқилган газлама. Гули икки томонлама бўлганлиги учун айрим жойларда **дуруя** деб аталади. Арқоқ ипи йўғонроқ бўлганлиги учун газлама юзасида кўндаланг чивиклар ҳосил бўлади. Кудунгланиш натижасида юқори навли адраснинг бир томони атласдай силлик бўлиб, иккинчи томони товланиб туради. Гуллари абр усулида бўлиб сарик, кўк, пушти, қизил ранглар қўлланилган. 1920 йилларгача Марғилон, Хўжанд, Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларда тўқилиб, Ўрта Осиё бозорларидан ташқари Афғонистон, Хитой каби қўшни мамлакатларда ҳам сотилган. Адрас ўзбек халқи ҳаётида кенг тарқалган бўлиб, аёлларнинг кийим-кечаклари, шу-

нингдек, чопон, кўрпа ва кўрпачалар учун ишлатилган.

Адрас тўн – авраси адрасдан тикилган тўн.

Адрасбоф – адрас тўқувчи уста, косиб.

Айиншиқ – кийим беагаги. Қорақалпоқ болалари кийимига тақилади. Айиншиқ матодан учбурчак шаклда тайёрланиб, турли хил гулли кашталар тикиб безатилади. Мунчоқлар қадалади. Кейинчалик унга кичкина туморча ҳам қадаб кўйиш урф бўлган. Айиншиқ қадимдан ёш болалар елкасига тақилган. Ўтмишда қорақалпоқ аёллари ҳам айиншиқдан безак сифатида фойдаланган.

Айланма тикиш – олмосдўзи, гулдўзи каби дўппи гуллари атрофини зар ип билан ёки ипак билан (чакма тўр дўппи гули атрофини қора ип ёки ипак билан) айлантириб тикиш.

Айланма чок – кийим этақларига қўлда ёки машинада гир айлантириб тикиладиган чок.

Айланма қавиқ – қавиб тикиладиган пахталик уст кийим; кўрпа, кўрпачаларнинг четидан пахта сурилиб кетмасин учун бир бора айлантириб тикиладиган қавиқ.

Алак – арқоғи ва ўрими ярим пишитилган ипдан қўл дўконида турли рангда йўл-йўл қилиб тўқилган мато. Силлиқ бўз. Ўтмишда ундан тўн, кўрпа ва кўрпача тикилган. Алакнинг гуллари йўл-йўл бўлганидан қалами, баъзи ингичка йўллари эса зевак деб номланган. Алак ўтмишда ҳамма қишлоқ ва шаҳарларда, айниқса, Фарғона водийси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кўп тўқилар, ҳатто, чет мамлакатларга ҳам чиқарилар эди.

Алама чеки – ўзбек миллий каштачилигида ишлатиладиган безак. Алама чеки тақяпўш, ойнаҳалтачаларга босма услубида тикилади.

Алача, олача – қўл дастгоҳида тўқилган йўл-йўл ип ёки жун мато тури.

Алвон – қизил рангли мато.

Аликор ипак – эски пиллакашликда дикурма пилладан қўлда тортилган ипак. У тоза (нормал) пилла ипагидан 5 – 6 барабар йўғон бўлади. **Амирикон** – мол ёки қўй терисидан тайёрланиб, пишириб юзига қора лак берилган майин, ялтироқ чарм. Бундан

асосан, аёллар маҳси ва ковушлари қўлда тикиб тайёрланади. Қашқадарё воҳаси кишлоқларида ҳозиргача кийилади.

Амома – салланинг эскича номи.

Ангишвона – нина қўлга кириб кетмаслиги учун ишлатиладиган металл ғилоф, буюмдир. Ангишвона форсча сўз бўлиб, ангушт – бармоқ, вона – сақловчи, яъни бармоқни сақловчи деган маънони билдиради. Қўлнинг учинчи ёки тўртинчи бармоғига кийдириладиган металл ёки чарм ғилоф.

Андоза (форс тош-ўлчов, сон, андаза, намуна, қолип, ҳажм, микдор) – матодан кийим бичиш, чармдан пойабзал тайёрлаш каби ишларда шакл кўчириш учун қўлланиладиган (қоғоз, картон ва ҳ.з.) махсус ўлчагич; Андозанинг турлари кўп: Чунончи: 1) либосда олд андоза, орқа андоза, енг андоза, ёқа андоза, кўкрак андоза; 2) пойабзалда кўнж андоза, соғ андоза, бетлик (бош) андоза, гулчин андоза, тагчарм андоза, пошна андоза ва ҳ.з.

3) Каштачиликда қоғоз ёки картондан чизмакаш рассом чизган нақшга мувофиқ қирқиб тайёрланган гул ҳам андоза дейилади.

Андозалаш – андоза олиш, тайёрлаш ёки кийим бичиладиган газламининг устига андоза, шаклини тушуриш.

Анъана – асрлар оша авлоддан-авлодга, устадан-устага ўтиб келган, қоида, тартиб, одат, расм-русум, йўл-йўриқ. Шунингдек, ҳаётда қарор топган (топаётган) удум, урф-одат ва бошқалар.

Аравак – бурунга такиладиган доирасимон шаклдаги бежирим зирак, баъзан унга қимматбаҳо тошлардан кўз ҳам қўйилади. Фарғона водийсида аравак ёки арабак, Тошкентда булоқи, Сурхондарё ва Самарқандда латифа деб юритилади. Арабакнинг «булоқи», «латиба», «натти», «четнатти», «холбинни», «холчўп» деб аталадиган безак эмас, балки халқимизнинг магик қарашларини ўзида ифода этувчи ашё сифатида тақилган.

Араш – қадимий ўлчов бирлиги, 1 араш 50 – 60 смга тенг бўлган.

Арқоқ ўриш – газлама тўқишда танда ипи билан кесишувчи ва ўрилувчи кўндаланг ип. Одатда, арқоқ пайгарларга ўралиб, моки, воситасида танда коми (зеви) дан ўтказилади. Арқоқ таби-

ий ипак, пахта толаси, жун ва сунъий (вискоза, нейлон, лавсан) толалардан тайёрланади.

Арпажевак – ўтмишда ўзбек ва тожик аёлларининг бўйинларига тақадиган безаги. У юпка кумуш ёки юзига тилла суви берилган кумуш туникадан арпа шаклида ишланган доначалардан иборат бўлади ва бир дона маржон, бир дона «арпа» қора ипак ипга кетма-кет ўтказилади. Арпажевак XIX асрнинг охирида урф-одатдан чиқиб, ўрнига 10 – 15 – 20 тийинлик тангалардан ясалган «танга жевак» расм бўлган эди. Арпажевак баъзи жойларда, чунончи Наманганда хапаванд (ғапабанд, ғафабанд) деб ҳам аталади.

Астар – аврала уст кийими (чопон, пальто, камзул кабилар) нинг шунингдек, кўрпа ва кўрпачанинг ички қавати. Пойабзалнинг астари унинг ичига ёпиштирилган бир қават матодир. Астар арзон газламадан бўлади.

Атанок – урчукнинг бир тури. Илгари айрим ўзбек қабилалари атанокда жун, пахта, ип йигирганлар. Атанок ҳозир ҳам қорлуқ ўзбекларида учраб туради.

Атиргул – ўзбек бадий каштачилигида қўлланиладиган безак; атиргул асосан, дўппи кизакларини миллий ироқи усули билан тикишда ҳам ишлатилади.

Атлас – арабча текис, силлиқ деган маънони билдиради. Танда ипи ҳам арқоқ ипи ҳам табиий ипакдан тўқиладиган бир юзлама силлиқ мато. Танда ипи абрбанди усулида бўяб, безатилади. Алоҳида ишланиб, атласга жило берилади, шунга кўра у товланиб туради. Илгари мато юзига кудунг ҳам урилган. Атласнинг табиий ипакдан тўқилган энг аъло нави саккиз тепкили хон атлас деб аталади. Қадимда атласлар, дастаки дастгоҳ (кўл дўконлар) да тўқилган. Ҳозир эса, дастаки дастгоҳларда ҳам, механик дастгоҳларда ҳам тўқилади.

Ўтмишда атласнинг бир кийимлиги яхлит ҳолда ҳам, икки бўлакка бўлиб ҳам сотилган. Икки бўлакка бўлинган атласнинг ҳар бир бўлаги бир тоқа атлас, иккала тоқаси (бир кийимлиги) бир жўра атлас деб номланган. Атласни тоқа – жўра қилиш 1930

йилларда урфдан қолган. Атлас тўқиш Марғилонда жуда қадимдан ривожланган бўлиб, бошқа жойларга шу ердан тарқалган. Атлас тўқиш, айниқса, Марғилон, Наманган, Хўжанд, Андижон, Қўқон, Самарқанд шаҳарларида ривож топди. Атласдан аёллар либослари, кўрпа-кўрпачалар, эркаклар қийиғи ва бошқа буюмлар тайёрланган. Энг машхур атласлардан «қора атлас», «барги карам», «чақирим», «яхудий нусха», «намозшомгул», «шахмат», «қора кўзим» ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзбекистон атласлари хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилади. 1967 йилда Монреал (Канада)да ўтказилган халқаро кўрғазмада, 1978 йил Югославиянинг Загреб штатида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада ўзбек хонатласи «Олтин медал» билан мукофотланган. Тошкент моддалар уйида хонатласдан тикилган тайёр кийимлар 1970 йил Япония (Осако)да, 1987 йил Будапешт кузги ярмаркасида, 1988 йил Бағдодда, 1989 йил Ҳиндистон (Дехли)да бўлиб ўтган халқаро ярмаркаларда, АҚШнинг Вашингтон (1998) ва Чикаго (1998) штатида хусусий йиғимларда ўзбек атласи намойиш этилган.

Ахта – улгу.

Ағдарма этик – хом теридан ичи сиртига қилиб тикилган этик.

Б

Баярка иссиқ бош кийимининг бир тури бўлиб, кавказликлар бош кийимига ўхшаб тикилади.

Баки ромал Хоразмда келинлар ва кекса аёллар ўрайдиган те-вараги ҳошияли оқ рангдаги рўмол.

Белвағ чезиш Хоразмда тўй куни куёв чимилдиққа киришдан олдин янгалар томонидан белбоғ ечиш маросими.

Бегейик Хоразм туркманларида кўйлак ва тўннинг қўлтик остига кийибечганда йиртилмаслиги ва кўз тегишидан асраш мақсадида учбурчак ва ромб шаклидаги бошқа матодан тикилган хиштак.

Белбоғ Чит, сатин, бўз ва бошқа матолардан тикилган. Чорва-

дор аҳоли орасида тери ва жундан тўқилган шол белбоғ, фўта белбоғ, матри белбоғ ҳам мавжуд бўлган¹. Белбоғнинг рангига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, кекса ёшли одамлар оқ ва кўк рангдаги, ёшлар эса кўпинча қизил, баъзида тўқ қизил ҳамда сариқ рангдаги белбоғ боғлаганлар. XX асрнинг 30-йилларига келиб белбоғ боғлаш анъанаси эркакларнинг кундалик турмуш тарзидан чиқа бошлаган ва ёшлар ҳамда ўрта ёшдаги эркаклар белбоғ боғламай кўйганлар. Лекин қишлоқларда белбоғ боғлаш одати узоқ муддат сақланиб қолган ва ҳозирда ҳам кекса ёшли одамлар тўнларининг устидан белбоғ боғлаб юрадилар.

Белбоғ эркаклар кийимининг устки қисмларидан бири бўлиб, одамлар кундалик ҳаётда доимо яктак ва тўн устидан белбоғ боғлаб юришга одатланганлар. Эркакларнинг белбоғ боғлаб юриши ўзига хос рамзий маънони ҳам англатган. Жумладан, бўйинга осилиб, учлари кўкракка туширилган белбоғ ўзига хос ғам-қайғуни ва бу беҳаловат дунёдан воз кечишни англатган. Тошкент шаҳри ва Тошкент воҳасида белбоғ боғлаш азадорлик тимсоли ҳисобланган². Қолаверса, қадимда белни боғлаш қандайдир хизматга, ҳаракатга тайёр эканликни ҳам билдирган. Жумладан, Болаликтепадаги деворий суратлардан бирида белини боғлаган эркак қандайдир маросимни ўтказаяётгани тасвирланган³. XX асрнинг биринчи чорагида Жейнов араблари орасида рўмол шаклидаги белбоғлардан эмас, балки узунлиги 3-4 метрдан иборат бир неча марта ўралувчи вазра-камардан фойдаланиш урф бўлган⁴.

Бибишак Бу тақинчоқ номини билдирувчи сўзнинг этимологияси ҳам тақинчоқнинг қадимийлигини тасдиқлайди. «Бибишак» термини икки мустақил лексик бирликдан иборат бўлиб, «биби» сўзи «она», «буви» маъносини билдирса, атаманинг иккинчи қисми – «шак» дастлаб «шоҳ», «малика» ёки «шоҳ» (*ҳайвон шоҳи назарда тугилипти* – С.Д.)ни билдирган бўлса керак.

¹ Захарова И.В., Ходжаева Р.Д. Казахская национальная одежда... – С. 56.

² Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков... – С. 76.

³ Альбаум Л.И. Балаликтепа. – Т., 1960. – С. 128.

⁴ Дала ёзувлари. Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. 2001 йил.

Демак, бу атама, биринчидан, ёш она билан жонзот шаклидаги хомий она култи ўзаро боғликлигини кўрсатса, иккинчидан, «она шох» маъносини билдиради. Шу ўринда таъкидлаш керакки, шох кўринишидаги аёллар бош кийими дунёнинг кўплаб халқларида жуда қадим замонлардан буён мавжуд. Жумладан, археологлар томонидан Шаҳрисабздан (милоднинг I асрига оид) шох кўринишидаги бош кийим кийган одам сурати тасвирланган теракотали плитка топилганлиги фикримиз далилидир¹. Айрим манбаларда ёзилишича, эфталитлар маликаси ҳам худди шундай бош кийим кийган. Қолаверса, юқорида таъкидлаганимиздек, Косон қорлуқлари киядиган бош кийимлардан бири ҳам «шоҳбош» дейилган².

Булоқи Қашқадарё воҳасида яшовчи қорлуқ, қўнғирот, дўрмон ва бошқа ўзбек уруғлари орасида қадимдан булоқи тақиш расм бўлган. Бундай бир тоқа енгил сирға аслида бурунга тақиландиган «арабак», «латиба» каби тақинчоқлар сингари туркий халқлар зеб-зийнатлари қадимдан мавжуд бўлмаган. Тадқиқотчи Т. Ботирқуловнинг таъкидлашича, булоқи ўрта асрларда Арабистон ва Ҳиндистондан келган хунармандлар ва савдогарлар орқали Ўрта Осиёга тарқалган³.

Маҳаллий хотин-қизлар уч хил булоқи тақишган. Биринчиси, «холбинни» бўлиб, тожикчада «бурундаги хол» деган маънони англатади. Иккинчи хили ўзбекчада «латти», тожикчада «нигина» деб аталади. Унинг шокила булоқи деб аталган учинчи хили эса жуда йирик бўлиб, чиройли безатилган. Зарворли бўлгани учун бир томони кулоққа осиб қўйилган. Чунки бурундаги нафис тешик бу оғирликни кўтара олмай кенгайиши ва ҳатто йиртилиб кетиши ҳам мумкин бўлгани учун шундай эҳтиёт чораси кўрилган.

Бўз бола қўйлак эркакларнинг енгил усткийимларидан бири яқтак-қўйлак бўлиб, у кишининг бир ёш даражасидан иккинчи-

¹ Қаранг: Кабанов С.К. Две теракоты из долины Кашкадарья // ИМКУ. Вып. 3. 1962. – С. 54-55.

² Шаниязов К. Узбеки-карлуки... – С. 119-122.

³ Ботирқулов Т. Фақат кулоққа эмас // Фан ва турмуш. – 1995. – № 2. – Б. 16-17.

сига ўтганлигини англатувчи кийим саналган. Хусусан, уни 18-20 ёшдаги ёшларнинг балоғатга етганлик, яъни ўспиринликдан йигитликка ўтганлик рамзи сифатида кийишган. Қашқадарё воҳасининг Қарши, Чироқчи туманларида бу кўйлак – бўз бола кўйлак, Шаҳрисабз, Қамаш ва Жейновда эса чор ёқа кўйлак деб аташган¹.

Бўёқчилик Бўёқ тайёрлаш усули узоқ йиллик тажриба ва меҳнат маҳсули бўлиб, бу ҳунар билан боғлиқ касбий анъаналар одатда сир сақланган. Мато бўяш махсус бўёқчилик устахонасида ёки уй шароитида амалга оширилган. Маҳаллий бўёқчилар ранг тайёрлашда воҳа ҳудудида ўсадиган ўсимликлардан фойдаланганлар. Маҳаллий бўёқлардан тайёрланган матоларда ўлканинг иқлими, халқнинг нафосати, табиати ўз аксини топган бўлиб, тўқ яшил, кўк, қирмизи, тўқ сарик, пушти, зангори ранг бутун ўлка бўйлаб кенг тарқалган. Тўрт йиллик рўян, испарак деган ўсимликларнинг қуритилган илдизини майдалаб, туйиб ва қайнатиб, ундан тўқ кизил ва очик пушти ранг олинган. Баъзан бу ранглар матога сингишмаса, тўқ сарик ранг тусини олган. Бундан ташқари, воҳада олма ва тут дарахтлари танасидан ўсиб чиқадиган пўкаклар, ёнғоқ пўсти, анор пўчоғи, испарак ўсимлигининг илдизи ва бошқа ўсимликлар илдизи, мевасининг пўсти, пўслоғи, данаги ва гулидан ҳам турли-туман ранглар олинган.

XIX аср охиридан бошлаб Россиядан келтирилган анилин бўёғи кенг тарқала бошлаган. Бироқ, ранги очик ва бўялиш жараёни анча содда бўлган ҳамда туси тез айнийдиган бу бўёқ маҳаллий шароитга мос келмаганлиги учун кенг қўлланилмаган. Бу бўёқ табиий равишда бўялган шойи рангидан мутлақо фарқли, кескин, очик ранг тусини берар эди². Шу боис, тез орада унинг ўрнини тиник ва айнамайдиган олазарин бўёқлари эгаллаган³. Шунингдек, қадимий удумга кўра, қимматбаҳо матолар,

¹ Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани, Қайнар қишлоғи; Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. 2000 йил.

² Шаҳрисабз минг йиллар мероси. – Т., 2002. – Б. 97.

³ Исмоилов Ҳ. Кўрсатилган асар. – Б. 9.

яъни ипакли ва ярим ипакли матоларни бўяшда бу даврда ҳамон маҳаллий шароитда тайёрланган табиий бўёқлардан фойдаланилган. Шу ўринда маҳаллий бўёқларнинг ўзига хос афзалликларини алоҳида таъкидлаш керак, маҳаллий бўёқлар четдан келтирилган бўёқларга нисбатан, биринчидан, бирмунча арзон бўлса, иккинчидан, четдан келтирилган бўёқларнинг баъзилари воҳа иқлими ва об-ҳаво шароитида тез ўчиб кетган. Бунга биз Қарши ва Китобда тайёрланган матолар рангидан ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Мазкур ҳудудларда асосан тўқ-яшил, зарғалдоқ, тўқ сариқ, қора, пушти, зангори каби ранглардан унумли фойдаланилган¹. Шунингдек, Китобда матоларни сариқ рангга бўяш анча кенг расм бўлган. Айрим ҳолларда матоларнинг табиий ранглари ҳам сақланган. Чунончи, малла пахта ва туя жунидан ҳам рангли кийимлар ҳам рангли кийимлар ҳисобланган.

Бундан ташқари, махсус тайёрланган ранглардан карбос, бўз, бамази, пахмоқ, чит каби пахта ва зиғир толасидан ишланган матоларга босма нақш солинган². Матога бир хил ва кўп рангли нақш босиш учун бир нечта қолипдан фойдаланилган. Қора рангли нақш кўп ишлатилган бўлиб, бу ранг билан нақшнинг асосий ва ташқи чизиғи бўялган. Қора рангли нақш босишга мўлжалланган қолип юзидаги нақш замани чуқур ўйилган ва нақш изи ингичка ёки қалин қилиб ишланган, шунинг учун қора рангли нақш қолипи кўпроқ нок, ёнғоқ, ўрик, бодом каби ёғочи қаттиқ дарахтлардан ўйиб ишланган. Қизил рангли нақш солиш учун қўлланиладиган қолиплар эса терак, тол каби юмшоқ дарахтлардан, айрим ҳолларда қовоқнинг бўйин қисмидан ҳам ясалган.

Қуритилган ўсимлик илдизи, пояси ва анор пўстлоғининг қайнатмасидан тайёрланиб, темир занги қўшилган сувга мевали дарахтнинг қуюқ елими аралаштирилиб қора рангли қоришма ҳосил қилинган. Кейин ана шу қора рангга ботириб олинган қолипни мато юзасига босганда, таркибида темир занги мавжуд бўлган сув

¹ Дала ёзувлари. Китоб тумани, Мақрит қишлоғи.

² XIX асрда матога гул ва нақш босиш санъати Ўратепа, Хива ва Бухоро атрофидаги қишлоқларда кенг тарқалган. Бу тўғрисида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайни тарихидан. – Т., 1998. – Б. 96.

ранг билан бирикиб, матога табиий қора рангни чуқур сингдирган. Сўнгра қора рангни ювиш учун бўялган матони тоза сувда чайиб олишган ва матонинг лозим бўлган жойига аччиқ тош эритмасидан тайёрланган қизил ранг туширилган. Умуман олганда, бу даврда матога гул босиш санъатининг ранг-баранг усуллари кенг қўлланилган бўлиб, тўқ мовий ва нилий рангли матолар кўп ишлаб чиқарилган. Халқ санъати асосан қора-қизғиш босмани анъана қилиб олган ва уни XX аср мобайнида сақлаб қолган. Бу анъана ҳозирда айниқса хунармандчиликда қайта тикланмоқда.

Бадий – юксак дид ва маҳорат билан бажарилган иш, санъат асари: бадий безак.

Баки рўмол – Хоразм воҳасида тевараги хошияли оқ рангдаги келинлар ва кекса аёллар ўрайдиган рўмол.

Балдоқ – кулоққа тақиладиган безак ёки зирак; кўзсиз силлик узук. Кўпроқ Хоразм ва Фарғона водийси аёллари тақишади.

Банд – кийимларнинг тугма қадаладиган банди, боғичи.

Бандак – паранжининг орқасида осилиб турадиган энгсимон ва учлари меҳроб шаклида чатилиб бирлашган ерига тикиладиган, бандакчилар томонидан тайёрланган махсус тақинчоқ, шокилда, безак.

Бандаж (р.фр.bandage) – қоринга боғланиб, бел қисмга кийиладиган тортки, буюм.

Банорас – Шойи, нимшойи, ипдан тўқиладиган, тўқилиши беқасамга ўхшаш пишиқ мато. Ҳиндистондаги Банорас штати номидан олинган атама.. Беқасам матосидан фақат гуллари билан фарқ қилади. Банорас асосан кумуш ранг оқ тусли бўлиб, уни худди зўрға кўринадиган қорамтир йўллар кесиби ўтади. Банорас матоси Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Наманганда ҳам қадимдан тўқилган.

Наманган банорасининг кумуш ранг оқ тусдан ташқари оч пушти, сариқ яшил туслилари бўлиб, ғоят кўркамлиги билан ажралиб турган. Ўзбекистонда банорас ниҳоятда қадрланган, ундан эркаклар ва аёллар учун кийим-бош, паранжи тикилган. Бано-

расдан тўн, нимча, камзул каби миллий кийимлар ҳам тикилади.

Баргак – Шарк, хусусан ўзбек аёлларининг пешона ва сочига такадиган зийнат буюми. Кумушдан ясалиб, тилла суви югуртирилгани «тилла баргак» деб аталади.

Бармоқ – Ўрта Осиёда ишлатилган қадимий узунлик ўлчов бирлиги (XVIII аср) Ўрта бармоқнинг ўрта бўғини энига тенг узунлик. Бир бармоқ-2,078 – 2,28 смга тенг; уни яхлитлаб 2,25 га тенг деб қабул қилиш мумкин. Баъзи адабиётларда ангушт ва асба (бармоқ кенглиги) кўринишда ҳам учрайди.

Батист (фран. batish) – енгил, юпка ип газлама, ингичка пишиқ ипдан тўқилади. Батист оқ ёки ҳар хил оч рангда бўлади. Ундан ёзги кўйлак, ички кийим, чойшаб, ёстиқ жилдлари тикилади. Батист зиғир ва пахта толасидан олинган иплардан тўқилади.

Бахмал – ола бахмал, тукли духоба, майли силлик, патли газлама. Патлари табиий ёки сунъий ипақдан, замини ип ёки канопдан тўқилади. Ўзбекистон (Бухоро ва Самарқанд)да қадимдан ишлаб чиқарилган. Бобурнинг маълумотига кўра, Самарқанд жаҳондаги кўпгина мамлакатларга оч қизил бахмал чиқариб сотган. Бахмал ишлаб чиқариш Бухорода, айниқса, XIX асрда кенг ривожланган. Бахмал кўпинча ҳандасий ва абрли нақшлар билан безатилган. Абрли бахмалда нақшлар икки ўриш ипларига ҳосил қилинади. Бахмал XX асрнинг 20-йилларидан тўқув дастгоҳларида ишлаб чиқарила бошланди. Ўзбекистон (Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси) да 50-йиллардан бахмалнинг узун (6мм) патли ғижим духоба (таги бир текис бўлмай, ғижимланган каби товланиб туради) ва тақир духоба (пати 1 – 2 мм) каби сийрақроқ тўқилган хиллари ишлаб чиқарилади. Кейинги йилларда бахмал газламаларнинг силлик, гулдор, сиқик, босма ва бошқа турлари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий бахмалнинг нақшлари тайёр газмол устига босилиши (абрбанди усули қўлланмаслиги) билан XX аср бошларигача тўқилган бахмаллардан фарқ қилади. Фабрикаларда тўқилган бахмаллардан ҳозирда ҳам кийим-кечак, дўппи, сўзана, гулкўрпа, зардевор, дастурхон, кўрпа ва кўрпачалар тайёрланади, мебелларни қоплашда, интерьерларни безашда ишлатилади.

Бахмал қавиқ – Хотин-қизлар кўйлагининг этаги, ёқаси, манжетларининг четларига безак учун, зарб белгиси шаклида энли (энсиз) кўринишда тикилган чок (бахя).

Бахрома – европача фасонда тикилган аёллар жун кўйлаги ёки жакетларининг чўнтак оғзи, энг, ёқа атрофларидан майда шокилдалар, жияклар тутиш ёки шу кийим мато четидан арқоғига суғуриб чачоқ, шокилдалар ҳосил қилинган қисми, безаги.

Бахя – форсча, тўғри чок 1) рангли йўғон (пахта ёки ипак) ипдан тўқилган чок. Маҳси, этик, туфли ва бошқа буюмларга тикилади; 2) кийим-кечакнинг тўғри чок билан бостирилган қирғоғи, чети; 3) чеварликда кенг тарқалган ва асосий чок тайёрланаётган буюмларнинг барча асосий қисмларини бириктириб тикишда қўлланилади;

Бачкана – болалар учун белгиланган уст-бош, оёқ кийими. Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида «бачки» деб ҳам юритилади.

Баярка – иссиқ бош кийимнинг бир тури бўлиб, кавказликлар бош кийимига ўхшатиб тикилади.

Белбоғ, чорси, кийиқча – белга бойланадиган тўрт бурчак шаклидаги мато (рўмол), миллий кийимнинг таркибий қисмларидан бири. Ўзбекистонда эркалар кийими (тўн, яктак ва бошқа) устидан белга боғланади, баъзи икки ва ундан ортиқ белбоғ боғлаб юриш одати бор. Гулли, гулсиз матолар (бўз, лас, шойи, атлас ва бошқа) дан тайёрланиб кашта билан безатилган белбоғ боғлаш қадимдан мавжуд бўлган, кишилар учун зеб, миллий урф-одат тусига айланган. Маросимларда, жумладан, тўйда куёвга тўн кийдириб, белбоғ боғланади. Эркалар, аёллар ҳам яқин кийимларидан бири вафот этганда белбоғ боғланади.

Белбоғ, чит, сатин, шойи атлас ва бошқа тури матоларнинг тўрт бурчагига ва гирдига безакдор кашта тикиб безатилади. Асосан «йўрмадўзи», «дуруя», «босма» чокли кашта тикилади. Ёшлар безакли рангдор белбоғ, қариялар эса оқ матодан тикилган сидирға белбоғ боғлайдилар. Белбоғ асосий вазифасидан ташқари, бошқа вазифаларни ҳам ўтаган; орасига майда-чўйда нарсалар со-

либ боғланган; узоқ сафарларда дастурхон ёки сочиқ вазифасини ўтаган, жойнамоз вазифасини ҳам бажарган. Қашқадарёда атрофи кашталанганларини белкарс, оддий матодан тикилганларини белбоғ деб аташади. Яна қийиқ, қўш қийиқ, деб ҳам юритишади.

Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида XI асрда белбоғ «кур», «курмоқ» деб аталгани тўғрисида маълумотлар учрайди.

Белдамча – белга ичдан боғлаб олинган иссиқ мато бўлаги. Одатда, белдамчалар пахтали ҳам бўлади.

Белбурма кўйлак – белдан пастки қисми буриб тикилган аёллар кўйлаги.

Беретка (фр. берет) – сукно, шерсть, трикотаж матолардан кизаксиз, жияксиз тайёрланган япалоқ бош кийим тури.

Бешбел камзул – Хотин-қизларнинг духоба, кимхоб товар ва латта шойидан тикиладиган уст кийими. Мурсак, пешмат, камзулларнинг белига, белидан то этаккача тикиладиган қийиқ (клин)ларнинг сонига қараб бешбел камзул, учбел камзул деб номланган.

Бешмат (эск.) – духоба, кимхоб, шойи, беқасам каби матолардан бел қисми тор (белга ёпишган), этак томони кенг (белдан этаккача қийиқлар солинган), тирсак енг ёки тор узун энгли, бўйи тиззагача тушадиган, кертмак ёқали, бўйнидан белгача тугмаланган пахталик ёки пахтасиз авра-астарли аёллар уст кийими, камзули. Бешмат пешмат деб ҳам юритилади.

Беқасам – беқасаб, йўл-йўл гулли пишиқ мато; танда ипи ипак, арқоғи ипдан тўкилади. Арқоқ ипи танда ипидан йўғонроқ бўлгани учун мато юзасида кўндаланг чизиклар (ғадир – будурлик) хосил бўлади. Ўрта Осиёнинг йирик ипакчилик марказларида ишлаб чиқарилган беқасамлар қалин – юпқалиги, мато энининг тор-кенглиги, ранг хилларининг танланиши, йўл-йўл гулларининг тартиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган. Бухоро-Самарқанд беқасамларининг арқоқ ипи йўғон, мужассамоти маркази оддий, бир меъёردа такрорланувчи аниқ кенг (пушти, сариқ, зангори ёки пушти, бинафша сариқ тусли) йўллардан қирғоғи эса хошия

йўллардан иборат. Бундан ташқари, «занжира» гуллар, абр нусха, квадрат, чизикча, майда гуллар ва беқасам тасвирлар кўшиб безатилган. Маҳаллий ёрқин колоритли рангларга бой. Беқасам Бухоро-Самарқандда «олача» номи билан машҳур. Фарғона водийси беқасамлари юпка ва майин, чунки арқоқ ипи ингичкароқ; гули, асосан совуқ феруза-бинафша ранглардан иборат, кўпроқ бур-кўк тусли ва турли хил яшил рангларнинг бир-бирига майин ўтиши бошқа беқасамлардан ажралиб туради. Баъзи анъанавий гуллари (беш, кашта, байрок) да яшил рангга ёрқин пушти ранг аралаштирилган. Қадимда куёв тўнлари учун ҳам ишлатилган. Наманган “оқ беқасам”и асосан оқ сариқ, яшил тусли қилиб тўқилган, Наманган, Марғилон, Қўқон тўқимачилик фабрикаларида беқасамнинг оқ, чивик, олти катак, мрамар ва бошқа турлари ишлаб чиқарилади. Беқасамдан кийим (тўн, камзул, кўйлак) лар кўрпача ва бошқалар тайёрланади. Унинг олти катак, мрамар ва бухори деб аталадиган турлари бор.

Бердо – тўқув станогининг (дастгоҳ)нинг асосий иш органларидан бири. Қадимдан газламалар тўқишда қўлланилган.

Бибишак – («биби» ва «шоҳ» сўзлари) Шарқ, жумладан, ўзбек аёлларининг майда мунчоқлардан териб ясалган безак буюми; одатда аёлларнинг бош кийими (дурра)ча яқка ҳолда пешона ўртасига, жуфт ҳолда икки чаккага ансамбл ҳолида йирик шаклда пешона ва чаккаларга тақилади. Бибишакнинг “моҳи тилла”, “от туёғи” каби турли маҳаллий атамалари бор. Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларда қадимдан урф бўлган. Бибишак икки учи юқорига қайрилган ярим ой шаклида бўлиб, ўртасида ромб ёки гунча шакли жойлаштирилади ёки баъзан кўш гажаксимон кўринишга эга бўлади.

Билагузук – аёлларнинг билакка тақиладиган зийнат буюми, кенг тарқалган тақинчоқлардан олтин, кумуш мис ва бошқа металллардан қуйиб (қуйма бошқа) болғалаб (ёзма ёки ермаб) ишланади, жило берилади. Босма чизма, қандакори усулида ислимий, ҳандасий нақшлар билан безатилади, қимматбаҳо тошлар қадалади. Баъзан безакда ёзувлар (мас.: араб, ёзуви) ҳам учрайди. Била-

гузук ингичка ва кенг қалин бўлиб, тузилишига кўра икки-очик (учлари очик қолиб туташмаган) ва берк (яхлит, икки табақали, ошиқ-мошиқли) тури фарқланади. Ўзбекистон ҳудудидан топилган археологик қазилмалар билагузукнинг жуда қадимийлигини кўрсатади, икки найзали ўзаро айлантириб ишланган очик билагузук кўплаб топилган. Билагузук учлари ҳайвон (масалан, илон, буқа, бақа ва бошқа) боши кўринишида бўлган, даврлар ўтиши, билан у ўзининг дастлабки хусусияти (илоҳий маъно)ни йўқотиб, фақат безак вазифасини сақлаб қолган. Берк билагузук яхлит, икки табақали (очиладиган ва эгилувчан ошиқ-мошиқли қилиб тайёрланган, ўзаро игнага ўхшаш устун – калитча билан маҳкамланган, калитча билагузукка калта занжир билан бириктирилган) ёки кичик табақа-эшиқчали қилиб ишланган. Безаклари соддадан то мураккаб нақшли ўта ҳашамдор, баъзан тош ва шиша кўзлар қадалган. Хоразм билагузуги қуйма усулда куюқ гуллар ҳосил қилиб тайёрланган, тошкентлик ва бухоролик усталар безакда сир (эмал) дан ҳам фойдаланган. Мунчоқли билагузук ҳам қадимдан мавжуд бўлган.

XIX асрда турли шаклдаги билагузуклар тайёрланган. Хоразмда яхлит билагузук, Бухоро – Самарқандда шабаки-панжарали билагузук, Тошкент – Фарғона водийсида қорайтириб ишланган ўйма нақшли енгил билагузук тақиш расм бўлган. Маржонлардан шода қилиб тайёрлангани “пунча” деб аталган, одатда чақалоқ (сўрғичли билагузук) ва қизлар билагига тақилган. Билагузук ҳозирда ҳам Тошкент заргарлик заводларида ва хунармандлар, халқ амалий санъати усталари томонидан тайёрланади. Билагузукнинг япалоқ б, илонбоши б, расмана б, бақабош б каби хиллари бор.

Бичиш – кийим тикиш учун газламани кишининг бўй-бастига мувофиқ қилиб (белгилаб ёки андаза асосида) қийиб, кесиб олиш.

Бичиш-тикиш – тикиш учун мўлжалланган матони фасонига қараб маълум ўлчовда қийиш ва бу қисмларни кўлда ёки тикув машинасида тикиш, бирлаштириш жараёни.

Бичиқчи – кийим-кечак учун мўлжалланган матони маълум

ўлчов, андозага солиб, қирқиш ишини бажарувчи, шахс, касб эгаси, тикувчи, мутахассис.

Блуза (фр.p.blouse) – кенг кўйлакка ўхшаган, тасмасиз, ишда яъни, идораларда, ўқув юртларида кийиладиган эркакча устки кийим. Кўйлак бичимидаги белбоғсиз кенг устки иш кийим.

Блузка – Хотин-қизлар енгил, шим ёки юбка билан киядиган кофточкаси.

Бодом гулли дўппи – кўк шойига бодом гули шаклида гуллар тикилиб Тошкентда каржли, Бухорода ярим конуссимон шаклда тайёрланадиган дўппи тури.

Бодомгул – дўппидўзликда кенг қўлланилади бодом шаклидаги нақш.

Бозубанд – бозбанд, бозвант-зийнат буюми, аёллар тақинчоғи. Бўйин ёки қўлтиққа осиб юрилади. Шакли: икки учи кубба билан яқунланган, чайчасимон ёки бир-бирига тегиб кетмаслиги учун ингичка жияк билан бирлаштириладиган, иккита (бири қутна, иккинчиси қопқоқ) тўртбурчак ёки учбурчак юпка олтин ёки кумуш палстинкадан ясалган қутича; икки чети (учбурчак бўлса, устки бурчи)га занжир (2-5 қатор), пастига калта сим панжара безак ёки шокилалар ўрнатилган, сукма-мих бўлакча, ёрдамида очиб ёпилади. Бозубанд юзаси босма, шабака (панжара), совоткори, симкори усулида нафис безатилади. Қимматбаҳо тошлар, рангдор шиша маржонлар қадаб нақшланади, безак мужассамотига ёзувлар киритилади. Бозубанд ўта меҳнатталаб ҳашамдор ва нозик буюм бўлганлиги учун ғоят кадрланган, ҳатто қизларнинг келинлик сепига ҳам киритилган. Тошкент, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива каби йирик шаҳарларда тайёрланган, чет мамлакатларга ҳам чиқарилган. У тумор деб ҳам юритилади.

XX асрда урфдан қолган. Ҳозирда ўзбек раққосаларининг миллий кийимлари таркибига кирган.

Болопўш – устки кўйлак, плаш, ёпинчиқ. Устки кийим-бош, устки кийимлар ҳам шундай аталади баъзан..

Босма – жундан тикилган ёки тайёрланган мато ёки устки кийим.

Босма чакмон – туя, қўй жуни ипидан тўқилиб тикилган эр-каклар уст кийими.

Бостирма чок – уланган енг, кўкрак, ёқа, тирсак четлари устидан яна бир бор тикилган чок. Русча, подстрочка деб юритилади.

Бостон – юқори навли тоза жун мовут . Шундай мовутдан тикилган костюм, пальто, камзул, шим. Бостон шаҳри номидан олинган.

Бофанда – қадимда тикувчи, тўқувчилар худди шундай ном билан аталган.

Бофта – тўқима, жияк, ип шаклидаги нақш тури.

Бош кийим – бошга кийиладиган кийимлар (дўппи, қалпок, телпак, бўрк, қулоқчин, шапка, шляпа, дўппи ва шу кабилар).

Боғич – 1) ятак (ятакча) нинг олд, кўкрак қисмига энсиз, ингичка мато парчасидан тикиладиган боғ (боғич); 2) тасма, камар тушиб кетмасин учун шим банди, липасининг у ер бу ерига энсиз авра мато парчасидан тикиладиган қисм, бўлак.

Булоқи – аравак, безак буюми, бурунни тешиб тақиладиган бежирим зирак. Баъзан булоқиларга қимматбаҳо тошлардан кўз ҳам ўрнатилади. Фарғона водийсида аравак (ёки арабак), баъзи вилоятларда “латифа”, “латиба” деб ҳам аталади. Ўрта асрларда Шарқ (Арабистон, Ҳиндистон) мамлакатларидан Марказий Осиёга келтирилган ва бу асрларда аёллар орасида булоқи тақиш расм бўлган. Булоқи тақиш учун 3 – 5 ёшдаги қиз болаларнинг бурни (шу вақтда қулоғи) тешилган жойга кичкина чўп тиқилиб, унга зирак кийгизилган. Кейин ёшига етиб турмушга чиққандан сўнг булоқи тақилган. Ҳозир булоқи тақиш урфдан қолган бўлишига қарамай, хотин – қизлар ўртасида бурунчўпга ўхшаш тури кенг тарқалган ва республиканинг ҳамма жойларида тақилиши кузатилади.

Булғори этик – мол терисидан тайёрланган юмшоқ этик.

Бўрк – чармдан қоракўлдан ёки шерози мўйнадан цилиндрсимон қилиб тикилган эркаклар қишлик бош кийими.

Бурма – қўйлакнинг бел, кўкрак ва орқа кўкрак қисмларини машинада ёки қўлда буриб тикиш натижасида ҳосил қилинувчи бурма.

Бурунчак, буранчак (а)эск – 1) нозик, нафис ипакдан тўқилган рўмол; 2) ёпинчик; 3) юзга тутиладиган ипак парда.

Бусра – асосан гул тикишда (аёллар кийими ва бусра безашда) қўлланиладиган майда тешикли, ранг-баранг шиша мунчок.

Бутунтирноқ – Хоразм аёлларининг зийнат буюми, чаккага такиладиган тақинчоғи, тумор. Асосий беш бурчакли йирик шақлдаги ғилофдан ташкил этади. Ён томонлари энсиз, икки юзаси бутунлай қоплаб нақшланган, учбурчак шақлидаги юқори қисми панжарали, зиғираклар билан бойитилади.

Қадимдан ҳимоя қудратига эга деган тушунчани ифодаловчи бутунтирноқнинг асосий қисми (хайвон ва қуш тирноқлари ёки туёқ ва шохдан кесиб олинган қисми) шокилалар остидан кўринмайди, баъзан унга бир туташ соч ҳам қўшилган. Бутунтирноқнинг тирноқ шақлидаги кичик хили, пайдо бўлганидан бери бош кийим, кийимга тикилган, бешикка осилган (XIX аср).

Бухороча дўппи – Бухоро чеварлари яратган кимхоб ёки духобага зар иплар билан тикилувчи, ярим конуссимон, йўрма жиякли дўппи ёки бухороча каллапўш.

Бушлат – матрослар курткаси.

Бўхча – кийим-кечак сақлаш ва ташишда ишлатиладиган рўмол, газлама, мато. Чор атрофи кашта тикиб безатилган, баъзан атрофларида бахрама-попук, ҳалақа тикилади. Бўхча 2 хил бўлади, «тўй» ва «ўлимлик» бўхчаси. Иккаласида ҳам кийим-кечаклардан сарпо қилинади.

Бўғжом – кўрпа-тўшак, ўраладиган буюм. Қадимдан кўчманчи ва ярим кўчманчилар рўзғорида кўрпа-ёстик, кўрпачаларни сақлашда, ёпишда ва ташишда ишлатилган. Бўғжомга тўртбурчак шақлида бўлиб, бир-бир бурчагига кашта тикиб, баҳяли қилиб безатилган.

Бўз – карбос, бўш пишитилган пахта ипидан содда тўқилган мато; қалин пишиқ ва тана ҳароратини бир хилда сақлайдиган маҳаллий ип-газлама. Бўз матоси туркманларда – оқ мато, биз; арабларда – нока; белужларда – чодд; форсларда карбос номлари билан юритилган. Қадимдан қўл дастгоҳларида тўқилган ёзма

манбаларда бошқа матолар қатори “бўз” ҳам кўп марта тилга олинган. Мусулмон шарқида қизил бўз “алқарбос” номи билан машхур.

XVII – асрда Туркистондан Москвага жўнатилган матолар орасида «Бязь» номи билан тилга олинган қизил бўз эса “кумач” деб аталган.

XIX аср бошида бухоролик тўқимачилар Астрахан, Вятка, Қозон губернияларида ўзлари қурган устахоналарда бўз тўқиб сотишган.

Бўз Туркистонда қўлда тўқилган матолар орасида харидорбоп мато бўлгани учун маҳаллий аҳоли орасида жуда кенг тарқалган.

Бухорода бўз сотиладиган махсус раста “бозори қарбос” бўлган. Бўзнинг оқ, малла рангли (нил бўёғида бўялган) хиллари бор. Читгарлар рисоласида (XIX асрда) бўзнинг қора, сарик, яшил, кулранг, бинафша, оқ ва бошқа хиллари ишлатилиши қайд этилган. Оқ бўзнинг баъзи хиллари оҳарланган ва ялтиратиб, пардозланган, баъзилари пахмоқсимон тукли бўлган (тукли бўз юзаси ўта қалин арқоқ ипларга махсус ишлов берилиши натижасида ҳосил қилинади). Бўздан ички кўйлақлар ва турли хил кийимлар, кашта тикилган буюмлар, гул босиб безатилган дастурхон, чойшаблар тайёрланган.

Бўз кўйлақ – йўғон, пишитилмаган пахта ипидан қўл дастгоҳида тўқилган мато ва ашу матодан тикилган либос (кўйлақ).

Бўзчилик – бўз тўқиш касби энг оддий ёғоч тўқув дастгоҳи (қўл дўкон)нинг яратилиши билан (тахминан мил. ав. VI-V минг йиллик) пайдо бўлган. Жамиятда ижтимоий меҳнат тақсимотини юзага келиши билан оилавий бўзчилик алоҳида касб тармоғига айланди ҳамда шаҳар, қишлоқларда кенг тарқалди. Бўзчилик касбини эгаллаш “устоз-шогирд” усулида амалга оширилган. Шогирдлар (асосан 12 – 13 ёшли ўсмир) ҳунарни пухта ўзлаштиргунча устозининг оиласида яшаб, дўқонида маошсиз ишлашган. Бўзчиликни пухта эгаллаб олгач, 1 – 2 йил устасига ишлаб берган, сўнг устозидан фотиҳа олиб, мустақил ишлаган.

XX аср бошларида Туркистон бозорларига тўқилган ип-газ-

ламаларнинг кўплаб келтирилиши бўзчиликнинг синишига олиб келган. Ўтган асрнинг 20-йилларда эса бўзчилик саноат артели шаклини олган. 30-йилларда тўқимачилик саноати ривожланиши туфайли бўзчилик касби йўқолиб кетди.

Бўзчи – бўз тўқувчи уста.

Бўйинтумор – аёлларнинг бўйинга тақадиган зийнат буюми, тумор. Бўйинтумор қутичаси тенг томонли тўғри бурчакли учбурчак шаклида бўлиб, учбурчак гипотенузаси асос вазифасини ўтайди. Кўпинча икки тарафлама безатилади, безак мужассамоти буюм шаклига тўла бўйсундирилган: безак юқори қисмида жуфт шоҳ шакли билан яқунланади, қуйи қисмида зиғираклардан ишланган ток новдалари жойлашган. Бўйинтумор асосига маржон, садаф ва бошқа мунчоқлар, баргаклар, баъзан игнасимон шокилалар осилади. Бўйинтумор кейинчалик фақат безак буюмига айланган. Бўйинтуморнинг айрим кўринишларини Хоразмдан топилган сопол ҳайкал (VI – VII аср) ҳамда суяқдан ишланган тақинчоқ (IX – XII асрлар)да кўриш мумкин.

XIX асрда бўйинтумор, шунингдек, дўппи, елка, чакка, кўкракка ҳам тақилган.

В

Важоб – қарич, ўлчов бирлиги. Тўрт қарич бир газни ташкил этган.

Валенка – 1) рус крестьян эркаларининг бош кийими. 2) эркалар ва аёллар оёқ кийими. Валенка жундан тайёрланиб, оқ, кул ранг, мала ва қора рангларда бўлади. Ўзбекистонда ҳам 60-70-йилларда оёқ кийими сифатида кийилган.

Ватин (р-нем, wotte-пахта) – арқоқ ўрими бўш, тўқимаси кам, пахмайтиб тўқилган трикотаж мато.

Вельвет (р. вельвет, англ. velvet) – йўл-йўл тукли, патли духобага ўхшаш ипдан тўқилган мато, шундай матодан тикилган кийимлар.

Велюр – духоба, тук билан қопланган пахмоқ мато; тоза , си-

фатли жун толаларидан тўқилган калта, майин тукли мато, газ-лама; Мовутнинг бир тури; қўй, буғу ва бошқа хайвонлар терисидан ошлаб, хромлаб пойабзаллар учун тайёрланадиган калта, юмшоқ, бахмалсимон чарм.

Вешалка – устки кийимларни илиб қўйишга мўлжалланган илгич.

Вискоза – сунъий ипак толадан тайёрланадиган мато.

Г

Гаврапўш бешик ёпғичи, ёпқич. бешик устига ёпиладиган мато.

Гўлос тўқ жигарранг.

Гажак Ушбу тақинчоқ қалампир ёки бодом кўринишида бўлиб, учи гажак қилиб қайрилгани учун «гажак» деб аталади. Гажаклар доимо тиллақош билан бирга тақилган. Улар дўғача билан икки чаккага мустаҳкамланиб, илмоқлар воситасида соч ёки рўмолга қистириб қўйилган¹.

Ўзбекистонда гажакнинг икки хил кўриниши маълум бўлган. Булардан бири, қалампирсимон шаклда ясалган Бухоро гажаклари бўлса, иккинчиси, учи қайрилган бодом шаклини эслатувчи Тошкент аёлларининг гажагидир².

«Гажак» термини ўзининг этимологик асосига кўра, гарчи кўп маъноли атама бўлса-да, лекин унинг барча маънолари моҳиятан бир-бирига яқин: 1) чирмашиб ўсадиган ўсимлик чирмови; 2) жингалак соч; 3) ўрдакнинг дум қисмидаги пати. Демак, ушбу сўзнинг ҳар уч маъноси ҳам бевосита жингалак тарзида ўралган нарсалар билан боғлиқ тушунчани англатади. Қолаверса, ушбу тақинчоқ ҳам даставвал даврда ўзига хос магия ҳимоя вазифасини бажарган.

¹ Аёлларнинг икки чаккага тақиладиган «гажак»ка ўхшаш тақинчоқлари татар тилида «чигэче» ва «янак» номи билан юритилган. Қаранг: Сулова С.В. Женские украшения казанских татар середины XIX – начала XX в.

² Қаранг: Азизова Н.К. Ювелирные изделия Узбекистана... – С. 83-84; Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... – С. 113; Чвьрь Л.А. Таджикские ювелирные украшения... – С. 21.

Габа – пахта солиб қавилган тўн. Қашқадарё арабларида эркалар устки кийими шундай ном билан аталади.

Габардин (рус. p. gabartine) – юқори сифатли пальтобоп ёки костюмбоп жун мато.

Гавҳар – тақинчоқларга қуйиладиган кимматбаҳо тош; тарашлаб сайқал берилган олмос.

Гажак – 1) аёлларнинг икки чаккасидан тушиб турган соч толалари, зулфи; 2) аёлларнинг зийнат буюми: чаккага тақиладиган жуфт тақинчоқ. Асосий шакли бодом кўринишида бўлиб, охириги қисми жингалак каби букилган, иккита илгаги бўлиб, бири қулоққа, бири бош кийимига ёки сочга мустаҳкамланади, шунда гажак чаккада горизонтал жойлашади. Буюм юзаси майда феруза кўзлар ҳалқаси билан ўралган йирик рангли шиша кўзлар билан безатилган. Асосига маржон ва зиғиракли шокилалар ўрнатилган, орқа томонида қуш пати ўрнатишга мўлжалланган найчалари бор. Олтин, кумуш ва бошқадан жуфт қилиб ясалади.

Тошкент, Самарқандда гажак тиллақош билан бир ансамблни ташкил этади. Бухоро, Самарқандда қўшгажак, ярим ой, бодомбарги хиллари ҳам тарқалган.

Гажим – рўмол, дарпарда, дастурхон, сочиқ каби буюмлар зеҳига тикиладиган ёки ўзидан ипларини суғуриб чиқариладиган шокила, попук.

Газ – қадимий узун ўлчов бирлиги. Қўл учидан елкагача бўлган масофага тенг (0,5 дан 0,75 м гача) газ ўлчами турли даврларда бир-биридан фарқ қилган.

Газлама – арқоқ ва танда ипларининг ўрилишидан ҳосил бўладиган, пардозланган ва ишлатишга тайёр мато. Ўлчаб-газлаб сотилганлиги учун шундай номланган. Газлама қадимда дарахт пўстлоқларидан кўлда, кейинчалик толалардан ёғоч дастгоҳлар, дўконлар, тўкув станокларида тўқилган. Ҳозир асосан, автомат станокларда тўқилади. Оқартирилган, сидирға ёки гулли, ўнг томони тукли ва туксиз газламалар бўлади. Газламадан кийим-кечак тикилади, уй-рўзгор буюмлари тайёрланади ва техниканинг

турли соҳаларида ишлатилади. Газламалар танда (ўриш бўйлама) ва арқоқ (эмлама) ипларнинг ўрилиши, уларнинг материали, эни, пардоз турлари, ишлатилиши билан бир-биридан ажралади (ип газлама жун газлама, ипак газлама ва ҳ.к). Газламанинг пишиқлик, киришувчанлик, чўзилувчанлик, қалинлик хоссалари бор. Пишиқлик-танда ва арқоқ ипларнинг пишитилиши ва ўрилишига боғлиқ, у махсус динамометр ёрдамида аниқланади. Чўзилувчанлик-танда ва арқоқ иплари йўналишида тортилганда йўртилгунча ўзайиши. Киришувчанлик – сақлаш, ҳўллаш, ювиш ва бошқа ҳолларда ўлчамининг қисқариши. У танда ва арқоқ ипларнинг материали ва хоссалари тўқиманинг тузилиши ҳамда пардозлаш хилларига боғлиқ: газлама 3 – 10% киришиш мумкин. Ҳозирда газламанинг кўплаб турлари бор. Улар нафақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади, балки бошқа чет давлатлардан ҳам олиб келинади.

Газламафуруш – газлама сотувчи базоз.

Галстук (р. нем Halstuch-бўйинбоғ) – 1) эркаклар либосининг ёқа қайирмачи тагидан ўтказиб боғладиган боғичли, олди-га тугун ёки бант қилиб тақиладиган олд, кўкрак ўртасида осилиб турадиган, паст томони учбурчак шаклидаги лента, бўйинбоғ; 2) Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида мактаб ўқувчилари (10 – 14 ёшдаги) такадиган галстук, бўйинбоғ. У асосан, қизил сидирға чит, сатин, шойи матодан икки чети узунроқ, ўрта қисми кенгроқ учбурчак шаклда қилиб тайёрланган.

Галифе – Француз генерали Галифе номидан олинган бўлиб, у отлик аскарлар учун махсус шим жорий қилган. Этик билан кийиладигани учун тиззадан юқори ён томонлари жуда кенг шим. Ўзбекистонда 50 – 60 йилларда ҳарбий мансабдор шахслар кийган.

Гардероб – кийим-кечак қўйиладиган шкаф; кийим жавони. Французча, кийим сақлаш демакдир.

Гилям дўппи – тепа ва кизаги гилям нақшига ўхшатиб турли ипак ва мўлина ипи билан зич қилиб тикилган, тепаси ярим конуссимон думалоқ дўппи.

Гимнастёрка (р.) – трико мовутдан, қайтарма ёки тик ёқали, белига камар тақиладиган қилиб тикилган ҳарбийча устки кийим.

Гул – ислимий нақшларда гул шакли ўсимликсимон нақшларнинг умумий номи.

Гулдўзи – зар билан гул тикиш усули.

Гула (форс. эшилган ип) – тўқув дастгоҳи (дўконида) танда ипларини иккига ажратиб шоки ўтказиладиган хом, оралиқ очишга хизмат қиладиган асбоб икки хил бўлади; 1) ингула – жимжилоқ йўғонлигидаги икки қарағай чўп ҳамда гулзанжиралардан иборат бўлиб, қўлдўкон ва машинадўконда ишлатилади; 2) симгула-темирдан ясалган икки жавза ҳамда ораларидан нах ўтадиган ингичка симлар, тўқув дастгоҳида ишлатилади.

Гулбанд – нақшда ўсимликсимон, яъни ислимий гул асосида яратилган банд, гулчамбар.

Гулчин – 1) этик, маҳси каби оёқ кийимларининг товон қисми. У қаттиқроқ чармдан астарли қилиб тикилиб, сўнгра қотирилади. Гажак гулчин (рангдор ип билан гажак шаклида тикилади). Турморча гулчин (рангдор ипда 3 ёки 4 бурчакли қилиб тикилади), қора гулчин (қора чармдан оддий тикилади), каби хиллари мавжуд; 2) кавуш жағининг орқа томонига қадалган кўк мағиз.

Гобелен – Машхур француз буюқчиси Гобелен номидан олинган бўлиб, девор, дераза, эшикларга осиладиган безакли ва бадиий қимматга эга бўлган қўлда ишланган гилам ёки газлама.

Гуппи – англи ёки енгсиз калта пахталик чопон. Гуппи халқ орасида кўпинча “гуппи”, “гупча”, “гупича”, “қисмача” номлари билан ҳам юритилади.

Гуппи – ичига пахта солиб қавилган астарли кийим. Гуппи қадимий кийим бўлиб, Махмуд Қошғарийнинг ёзишича, XI асрда туркий қавмларнинг пахта солиб қавилган кўйлак русумидаги кийими “Ялма” ёки “гуппи” деб аталган.

Д

Декоратив лот. Гўзаллик, нафосат.

Дорпеч (дор ёпқичи, ўрамаси). Дорга осиб қўйиладиган кийимкечакнинг устига ёпиладиган безакли буюм.

Дуда оч бўзнинг сийрак тўқилган тури.

Дукарт икки тигли кичкина қайчи. Асосан тикувчиликда кийимкечакларни тикишда ҳам ишлатилади.

Дўкон тўқув дастгоҳи. Йигирилган иплардан «дўкон» деб номланувчи тўқув мосламасида турли хил матолар тайёрланган. Ушбу мослама тузилиши жиҳатидан содда бўлиб, у ҳам маҳаллий аҳоли томонидан ёғочдан тайёрланган¹. Ўрта Осиё халқлари ушбу дастгоҳ ёрдамида *бўз, олача, қалами, карбос, сўси, хоса* каби ип-газламалар, *беқасам, банорас, парпаша, шойи, атлас* каби матоларни тўқиганлар. Тўқимачиликнинг тўқув дастгоҳида тўқиладиган матоларнинг узун тортилган иплари «*танда*» ёки «*ўриш*» деб, кўндаланг тортилган ипи эса «*арқоқ*» деб аталган². Мокига танда ўтказилиб, дўкон дастаси билан ҳар сафар уриб, жипслаштирилиб борилган. Дўконда икки марта олинган мато бир кийимлик саналган. Шунингдек, матолар *қари* (бир қарич, икки қарич, газ) деган ўлчовларда ўлчанган. Қадимда тўқув дўконларида тайёрланган матоларнинг эни жуда қисқа бўлган (аксари ҳолларда 35–40 см), фақат XX аср бошларига келиб кенг энли мато тўқиш одат тусига кира бошлаган. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида қўлланилган тўқув дўконлари бир хил кўринишга эга бўлган³.

Дўппи – бош кийими. Бухорода «каллапўш» дейилади. Ўрта Осиёда яшовчи халқларда қадимдан кенг тарқалган халқ амалий санъатининг тури. Дўппи сатин, сидирға шойи, бахмал ва бошқа матолардан тайёрланган. Унинг “ироки”, “пилтадўзи”, “чакма”, “йўрмадўзи” ва “гиламдўзи” деб номланган хиллари бор.

Дўппилар ўзбек миллий кийимларининг ажралмас қисми ва шу билан бирга миллий санъат асари ҳамдир.

¹ Ушбу тўқув дастгоҳининг тузилиши ҳақида қаранг: Гаврилов М.Ф. Ткацкое искусство узбекской женщины с. Милябад / Народное хозяйство Средней Азии. – 1927. – № 1-2. С. 4.

² Кармышева Б.Х. Кўрсатилган асар. – С. 258–260; Исмоилов Ҳ. Кўрсатилган асар. – Б. 10.

³ Гаврилов М.Ф. Ткацкое искусство узбекской женщины с. Милябад / Народное хозяйство Средней Азии. – 1927. – № 1-2. – С. 4.

Аёлларнинг миллий кийимлари ичида анъанавий бош кийимлари алоҳида ажралиб туради. XX аср бошларида бош кийимларининг бир неча хил нусхадаги қўриниши мавжуд бўлиб, улар ҳам аҳолининг жинсига, ёшига, этник мансублигига, ижтимоий мавқеига ҳамда йил фаслига қараб ҳам кийилган. Қолаверса, дўппи каштачилик санъати дурдонаси ҳисобланади. Деярли, барча Марказий Осиё халқларида турли хил дўппилар миллий либосларнинг асосий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотчилар одатда бош кийимларни икки гуруҳга ажратадилар:

бошга кийиладиган кийимлар – калпоқ, дўппи, тахя, каллапўш, кулоқчин, телпак, бухнак ва ҳ.к.;

бошга ўраладиган ёки ёпиладиган кийимлар – рўмол, пешонабоғ, лачак, дурра, дурача, локки, ёғлиқ, ёвлик.

Дўппилар шакл жиҳатдан ҳам турлича бўлган: тўртбурчак, конуссимон, думалоқ ва бошқалар. Лекин аввал салла тагидан конуссимон дўппилар кийилган. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари дўппиларда ҳам ўз аксини топган. Марғилон, Чуст, Андижон, Ўш, Шаҳрисабз, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро, Бойсун дўппиларининг ҳар қайсиси ўзига хос маҳаллий хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг “ироқи”, “ироқи чоргул”, “ироқи қурбақа нусха”, “ироқи санама”, “тагдўзи”, “йўрмадўзи”, “заминдўзи”, “тустўппи”, “бахмал”, “мунчоқ гулли”, “оқлар нусха”, “тож нусха”, “қаҳрамон нусха”, “пахта гулли нусха”, “хуршид нусха”, “кандакори нусха” каби турлари бор. Масалан, Фарғона ва Тошкентда чуст дўппилари каби қалампир ва бодом шакллари билан тикилган дўппилар кийилган. Дўппининг асосий қисми қора ва гуллари оқ ипда тикилган. Марғилон дўпписи эса Чуст дўпписидан фарқлироқ қалампир нусхаси нозик ва узунроқ бўлган.

Шаҳрисабз гилам дўппилари жуда чиройли бўлиб, уларда турли рангларга бой гулдасталар бутун дўппини камраб олиб, ироқи гилам дўппиларни ташкил этади. Асосан, бу ерда “ироқи санама” услубида тикилган дўппиларнинг юқори қисмида қўғирчоқ шаклидаги одам тасвири тушириш расм бўлган. бундай тасвир

Ўзбек дўппиларининг энг қадимий архаик тимсолларидан бири хисобланади. Санъатшунос олима Д.А.Фахретдинова бу анъананинг келиб чиқишини бош кийимларда ҳомий илоҳларни тасвирлаш одати билан боғлайди.

Дўппиларни тикиш техникаси ҳам ранг-барангдир. Дўппидўзлик (Қалпоқдўзлик) ҳам хонаки касб бўлиб, енгил бош кийими тикиш ҳунаридир. Дўппининг ироқи, хомдўзи, пилтадўзи, босма, йўрма, чакматўр, попоп каби турлари кенг тарқалган. Тошкентда асосан дўппилар ироқи чокида тикилган. Бундан ташқари, бу ерда майда чакматўр чокида тикилган қадимги ва машҳур дўппилар ҳам сақланиб қолган. Самарқанд ва Бойсунда эса дўппилар пилтадўзи чоки билан тикилган ”қуббали пилтадўзи” дўппилари урф бўлган бўлса, Бухоро ва Самарқандда олтин ва қумуш иплардан зардўзи-гулдўзи ва зардўзи-заминдўзи шаклларда ҳам машҳур дўппилар тикилган. Дўппи асосан. Бахмал, сидирға шойи, сатин матоларга ип, ипак, зар ип билан кашта тикиб тайёрланган. Дўппиларнинг қуббасимон, тўртбугчак, думалоқ, гумбазсимон шакллари мавжудлиги, уларга тикилган кашталарнинг безакларга бойлиги, баъзан тўрсимон, баъзан йирик рельефли, баъзан гиламга ўхшаш тус олиши, одми оқ-қорадан тортиб камаласимон жилоланувчи рангларнинг анвоий товланиши – ўзбек бош кийимининг хилма-хиллигини кўрсатади.

Дўппиларни тикиш билан асосан аёллар, безаш усуллари билан эса алоҳида қаламкаш ёки чизмакашлар шуғулланганлар. Ҳар бир маҳаллада махсус чизмакашлар бўлган. Бу соҳа билан шуғулланувчиларнинг касби авлоддан-авлодга ўтиб борган. Чизмакашлар асосан ўзлари чизган нақшларда геометрик фигуралар, ўсимлик ва ҳайвонлар оламидан олинган ранг-тасвирларни уйғунлаштирганлар. Бундан ташқари, парча, бахмал, гулли ва гулсиз матолардан ҳам дўппилар тикилган. Бу эса кўпроқ дўппи тикадиган аёлларнинг маҳорати, билими ва дунёқарашига ҳам боғлиқ бўлган.

Ўзбек эркакларининг ҳам анъанавий бош кийимларидан бири дўппи бўлиб, унинг қалпоқ, қаллапўш, дўппи, тахя, қулоқчин,

телпак, салла каби номлари мавжуд. Қашқадарёда бу бош кийими қалпоқ деб юритилади. Қалпоқнинг тепаси ва гардишига эса ҳар хил чоклар билан кашта солинган.

Ўзбек аёлларининг дўппидўзлик санъати бугун нафақат чет элларда, ҳатто козоқ, қирғиз аёллариникидан ҳам фарқ қилади. Бу касбнинг XIX асрнинг охири XX аср бошларида кўпчилик чеварлар кўшимча касб сифатида, баъзилари эса ўзларининг махсус ҳунари қилиб олганлар. Қалпоқ маъноси Ўрта Осиё турли хил терминлар билан ифодаланган. Хусусан, Самарқанд ва Ургутда қизлар қалпоғи “тўппи”, Бухоро, Нурота, Жума ва Самарқанднинг баъзи қишлоқларида ҳам тожик ва ўзбек аҳолиси орасида “каллапўш”, “такия” каби хиллари бўлган. Шунингдек, қалпоқ сўзининг Самарқанд, Ургут, Челақ, Каттакўрғон, Катақангли, Мирбозор атроф қишлоқлари орасида “қалпоқ”, “қалваш” каби атамалари учрайди. Самарқанд, Иштихон, Каттакўрғон атрофидаги қишлоқлари аҳолиси қалпоқнинг безагига қараб “босма қалпоқ” ёки “чамандагул” қалпоқ, ироқи чок билан солинган қалпоқларни эса “ироқи қалпоқ” деб юритганлар. Босма қалпоқ қадимда аксарият, камбағаллар (батрак, мардикор ва бошқа)нинг асосий бош кийими ҳисобланиб, унга ҳеч қандай кашта тикилмаган. Чамандагул, тепачуқур, юлдуз, оёти, қора бахмал, башорат ва ироқи қалпоқларни эса ўрта ҳол ва бой кишиларнинг бош кийимлари бўлиб, уларга ҳар хил чоклар билан махсус кашталар солинган.

Хоразм воҳасида қизлар ва ёш аёллар дўппи тахя кийишган ва бош атрофи бош ўров шаклидаги рўмоллар билан беркитилган.

Қашқадарёда дўппини дўппи, қалпоқ ёки тўппи деб аташади. Олдинлари дўппи эркаклар бош кийими бўлса, XX асрнинг ярмидан бошлаб барча ҳудудларда аёллар ва қизлар бош кийимларининг таркибий қисмига айланган. Дўппилар нақшлари ва матосининг турига қараб ҳар хил номлар билан номланган. Турли рангдаги нақшлар туширилган дўппилар “чамандагул”, бахмал, парча матодан тикилганлигига қараб ва йўл-йўл нақшига қараб “ироқи дўппи” деб юритилган. Шаҳрисабзда дўппининг гилам дўппи нусхаси кийилган. “Санама”, “чизма” услубида тикилган

дўппилар ҳам учрайди. Этнолог олим У. Абдуллаевнинг ёзишича, аҳоли бош кийимлари маълум тарихий – маданий ҳудуд доирасида шаклланиб борар экан, кўп ҳолатларда қатор олимлар жумладан, этнослараро муносабатлар омилининг таъсирида умумминтақавий хусусиятларга ҳам эга бўла бориши кузатилади. Қисқа қилиб айтганда, бош кийимнинг у ёки бу нусхаси фақат бир этник гуруҳгагина мансублик хусусиятини йўқотиб, аста-секин ўзга этнослар учун ҳам кундалик кийимга айланади.

Советлар даврида бу бош кийимга эскилик саркити сифатида қаралгани боис, ўзлигини унутишга ёрдам берадиган руслаштириш сиёсатининг ғалабаси ҳамда аёллардан худди эркаклар каби ишчи кучи сифатида барча даврларда (колхозлаштириш, уруш йиллари ва ундан кейин ҳам) унумли фойдаланганлиги сабабли “социализмга зид анъана” деб дўппилар унутилиб, фақат музейлар, театрларда сақланиб қолди, холос. Бироқ, XX аср охирига келиб Хоразмда келинларга бухороча услубдаги зардўзи дўппиларнинг урф бўлди ва Хоразм тахялари ўрнини эгаллади. Марғилон ва Андижон дўппилари яна урфга кириб ҳозиргача аҳоли истеъмолидан тушмаган.

Бош кийим ва соч турмагига қараб қиз боланинг турмушга чиққан келиндан, ёш онани фарзандсиз хотиндан, ўрта ёшли аёлни кекса аёлдан ажратиш мумкин бўлган.

Умуман олганда, дўппилар ҳар бир халқнинг бош кийимлари сифатида ўтмиш ва миллий қадриятларга бўлган муносабат ифодасидир. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳаётнинг турли жабҳаларида бўлгани каби моддий маданиятнинг нодир дурдонаси сифатида миллий кийимлар таркибий қисмидан ўрин олганлиги ҳам бежиз эмас.

Давқур – зардўзликда кенг тарқалган нақш мужассамоти, хошия, нақш кийим (ёқаси, енг учлари ва бошқа) чети хошия нақш билан айлантриб тикилиб, қолган жойлари очиқ қолдирилади. Кийимнинг орқа елка қисмига турунж шаклида безак кашта (“тавқ”) тикилади. Хошия-нақш турли кенгликда (кенг ҳашамдор

ёки ингичка) бўлиб, ўсимликсимон (“шаш барг”, “барги хазон”, “бодом”, “қўш бодом” ва бошқа) ва ҳандасий (юлдуз, айлана, коштин ва бошқа) шакллардан тузилади. Бахмалдан қуроқ қилинади, тошлар қадалади.

Дазмол – газлама, кийим-кечак, кўпчилик махсулотларни силлиқлаш учун мўлжалланган асбоб. Дазмолнинг кўмир чўғида қиздирилади, плита устида қиздириладиган ва электр хиллари бор. Ўрта Осиёда XI асрда дазмолга ўхшаган асбоб бўлган. Кейинчалик смоб дазмол пайдо бўлган. У пайтларда дазмолни ўтус/отук, деб аташган (М. Қошғарий). Ҳозир ҳам Хоразм, Самарқанд, Қашқадарёда ўтук деб юритилади.

Дакана – аёллар рўмоли: одатда қора ёки оқ сатиндан тайёрланади ва соч фарқини беркитиб, сочни ушлаб туришга хизмат қилади. Кўпроқ ўрта ёшли ва кекса ёшли аёллар, катта (кўпинча оқ дока) рўмоллар тагидан ўрайдилар. Айрим жойларда дурра (Фарғона водийсида), дуррача ҳам дейилади (локки, пешонабанд, саллача), шунингдек, кампир дўппи устидан бош узра яйдоқ ташлаб ўраладиган дока рўмол.

Дастгоҳ – асбоб, ускуна. Тўқувчилар станогини, дастгоҳини.

Дамхафа – чаҳча, кўлда мато тўқийдиган дўкон тури.

Дарпеч – уй тўрига кўндаланг, осиладиган безакли буюм. Сатин, чит, бахмал, шойи, бошқа материалларга «йўрма» ва «босма» услубда гул тикиб безатилади.

Дастагул нусха дўппи – таглиги қизил, зангори, баргикарам рангли духобага дастагул нусха нақшлари тикилган дўппи.

Дастак – 1) пойабзал (ковуш, туфли) нинг ён қисми; 2) этик ва ботинканинг кўнж билан тагчарм орасидаги орқа (товон) қисми, уч қават (юз, охиргуп ва астар) бўлиб, бир-бирига сирач билан ёпиштирилади; 3) эгар олдинқошининг тирсоли (ўртароқ қисми).

Дастмол – чўнтак рўмолча. Кўл артадиган рўмолча.

Дастор – (форс-тожик. – салла) – салла.

Дастўрмол (ф.т.) – юпқа газламадан бурун ҳамда қўлни артиш учун тўртбурчак шаклида тикилган.

Даури – от устига ёпиладиган ёпинчик. Ироки, баъзан «йўр-

ма» чокда кашта тикилган.

Деклай (эск.) – бўйи ва енги калта тикилган уст кийими тури.

Делвагай – енгил ва юпқа қилиб тикилган аёллар уст кийими, халат.

Демисезон пальто (р.фр. demisaison) – баҳорда ёки кузда кийиладиган енгил авра-астарли пальто.

Дерматин (чарм) – сунъий чармнинг бир тури.

Дизайн – инглизча режа, ният, лойиха, чизма, расм.

Дока – пахта ипидан полотно ўрилишида жуда юпқа, сийрак қилиб тўкиладиган газлама. Илгари (XIX асрнинг 2-ярмигача) Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардан келтирилган. Маҳаллий докалар хонаки дўконларда тўкилган. Докаларнинг кўпчилиги асосан оқ, баъзилари кўк тусда бўлиб, салла, рўмол, пашшахона ва бошқалар тикилган. Ҳозир тўқимачилик корхоналарида тўкилади. Дока уй-рўзғорда, тикувчиликда, хариталарни, ёпиштиришда, айникса, тиббиётда кенг ишлатилади.

Дока рўмол – чор атрофи қизил ёки кўк хошияли қилиб юпқа тўкилган рўмол.

Докафаранг, докапаранг – юпқа, ҳарир ипакли мато. Баъзан Европада, яъни Францияда тўкилган мато ҳам шу ном билан аталади.

Драп (фран. drap – мовут) – устки кийимлар тикиладиган қалин жун газлама, қалин мовут. Йигирилган жун ипдан тўкилади. Патли ёки патсиз, сидирға ёки гулдор бўлиб, ундан асосан пальто тикилади.

Дубулға (тар.) – қадимда аскар (лашкар) ларнинг тиғ, ўк ва қиличдан сақланиш учун мис, темир, пўлатдан ясалган бош кийими, шлём.

Дуд – тутун. Газламага гул босишда ишлатиладиган қўш қолип номи.

Дудо (қ. рўмол (ф.т.) – (икки юзлама маъносида)-ингичка ип ва ипақдан ўнг ва тескариси бир хил сийрак, сербар қилиб, бўз дўконда (қўлда) тўкилган тўқимадан қилинган рўмол.

Дур – марварид, инжу. Заргарликда тақинчоқларни безашда

ишлатиладиган тош.

Дурра (дуррача) – рўмолнинг кичикрок тури, пешонабоғ.

Дук, йик – момиқ пахта ёки пилладан ип йигириш ва пиши-тиш мосламаси (урчуқ).

Духоба – орқаси ип, юзи текис ва қалин ипак туклар билан қопланган мато тури. Қизил духоба, чий духоба, қора духоба, ғижим духоба, мошранг духоба деб номланувчи хиллари бор.

Дўзандалик – игна билан кашта ва кийим тикиш касби.

Дўхт – тана тузилиши, бичими, қомат; кийимнинг бичими. Форсча сўздан олинган бўлиб, бичим, бичиқ, чок деган маъноларни англатади.

Дўкон (ар.) – 1) ҳунарманд касибнинг устахонаси; 2) тўқувчининг дастгоҳи.

Дўппи – бош кийими. Бухорода «калапўш» дейилади. Ўрта Осиёда яшовчи халқларда қадимдан кенг тарқалган халқ амалий санъатининг тури. Дўппи сатин, сидирға шойи, бахмал ва бошқа матолардан тайёрланган. Унинг “ироқи”, “пилтадўзи”, “чакма”, “йўрмадўзи” ва “гиламдўзи” деб номланган хиллари бор.

Дўрўя – ўнги ҳам, тескариси ҳам бир хил гулли газлама.

Е

Елак (эск. диал.) – 1) аёлларнинг юпқа тўни, бошига ёпинадиган ёпинчиғи; 2) хотин-қизлар киядиган қавима пахталик тўн, чопон.

Елка боғ – ич кўйлақларнинг елка қисмларига тикиладиган иккита боғич, лента.

Елпиғич (русча. веер) – кичкина қўл учун складкали, доира-симон буюм бўлиб, асосан XVI асрдан Европада бал кўйлақлари учун ишлатилган. Ҳозирда елпиғичнинг хиллари кўпайган.

Енг – аёллар ич кўйлақлари учун махсус «йўрмадўзи», «дурўя», «босма» услубида кенг қилиб тикилади. Баъзилари пўпакли баҳяли ҳошия билан безатилган.

Ёпинчик – аёллар боши устидан ёпадиган кийим: аёллар қоматини киши кўзидан яшириб турадиган кенг тўртбурчак шаклида-

ги мато. Ранг-баранг ип (ипак) билан кашта тикиб, пистон, нозик кўзлар кадаб безатилади. Тўйларда ва кўчада чикқанда ёпинчиқ тутилган. Ёпинчиқ кишилиқ кийими бўлиши билан бирга келинлар сепига ҳам киритилган, никоҳ либосининг асосий қисмига айланган Ўзбекистон ҳудудида ёпинчиқнинг паранжи, сарандоз, желак ва бошқа турлари мавжуд. Елкага ташлаб юриладиган енги узун чопон шаклидаги тури мил. авв. I-минг йиллик ўрталарида юзага келган. Ўзбекистон ҳудудидан топилган қадимий давр маданий ёдгорликлари (майда сопол ҳайкалчалар) бу ерда қадимдан ёпинчиқ бўлганлигини кўрсатади. Кушонлар даврида ёпинчиқ четлари (бари ва этаги) айлана шаклидаги метал нишонлар билан хошияланиб, кейинроқ қора мағиз ёқаси икки ва уч учбурчакли қайтарма билан безатилган. Ислон дини ҳукмронлиги давридан бошлаб бошга (баъзан қора тўр билан юзни беркитган ҳолда), ёпа бошлаганлар, шу тарзда паранжининг дастлабки нусхалари пайдо бўлган (XVI – XVII асрлар).

XVIII – XIX асрларда кенг тарқалган, XX аср ўрталаригача сақланган. XX аср ўрталаридан яна «ёпинчиқ» урф бўла бошлади, фақат Фарғона водийсида ёпинчиқ ўрнига катта гулли (шол) рўмоллардан фойдаланилади. Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманида ҳозир ҳам кекса аёллар паранжига ўхшаш оқ ёпинчиқ ўрашади.

Ёстиқпўш – ёстиқ устига ташлаб қўйиладиган ёпқич. Матодан тўртбурчак шаклида қилиб тайёрланади. Турли чоклар (йўрма, ироқи, баҳя ва бошқалар)дан кашта тикиб безатилади.

Ёстиқтумор – зийнат буюми, аёллар бўйнига илиб, қўлтиғи остига тушириб кўядиган тақинчоғи. Асосан, кумушдан ёстиқ шаклида ясалади, тана қисмининг устидаги занжири билан бўйинга осилади; тана қисмининг устидаги олти қатор панжара оёқ, уларнинг остига шокилалар ўрнатилади. Тананинг бир томонидан очилиб-ёпиладиган қопқоғи бор. Ёстиқ тумор ичига хат, пул ва ҳ.к. солинади.

Ж

Жевак, жавак (*форсча, жев-арна*) – аёллар бўйнига тақадиган безак буюми, тақинчок. Танга жевак(шодасига маржон тақилган) ва маржонжевак каби турлари бор. Тошкентда жевак, Самарқандда арпажевак, Андижон, Марғилон, Қўқонда жавак (Андижонда, шунингдек, бешқатор), Қашқадарёда тангажевак, маржонжевак. Пискентда манғити деб аталади.

Жавшан (*форс – совут, зирҳ*) – ўрта асрларда жангчининг баданини жароҳатлашдан сақлайдиган металл кийим. Жуббага нисбатан анча оғир кийим.

Жанда (*форс. қўҳна, эски*) – 1) мато бўлакларидан (курок усулида) узун ва кенг қилиб тикилган устки кийим. Асосан қалалдар ва шайхлар кийган (ҳирқа). Ҳозирги маънода жулдур чопон, яктак; 2) қўлда тўқилган ип мато тури. Асосан қўлда, кейинроқ фабрикада йигирилган ипдан йўл-йўл катак гулли қилиб тўқилган. Жанда матоси ўта пишиқлиги ва рангининг одмилиги билан ажралиб турган. Туркистон (Тожикистон, Ўзбекистон) да жандадан тўн тайёрланган.

XX асрнинг 20-йилларида жанда тўқиш деярли барҳам топган.

Желак – хотин-қизлар бошига ташлаб юрадиган ёпинчик; бичими эркаклар тўнининг кичик ҳажмдаги шаклида бўлиб, бўйин ўмизига тўғри бурчакли узун ёқа қўшилган; айримларида ёқа ўрнига тува (10 – 20 см) қўйилган. Желакнинг узунлиги 115 – 120 см тана ва енг қисми ўта тор қилиб бичилган, енглари одатдагидан узунроқ бўлиб, паранжиники каби орқа томонда бирлаштирилиб этаккача тушиб турган. Желакнинг авраси баъзан куроқ усулида мато парчаларидан улаб тикилган: ёқа (тува)си ёрқин рангли ипларда кашта билан сидирға қоплаб, ёқа, енглари ҳошия, нақш (ромб, учбурчак, хочсимон ва бошқа шакли), ёқадан орқа томонга енгларга тохча (ҳаёт дарахти) шакли кашта билан тикилиб, турли хил пулакча, пистон, тугма, нозиклар билан безатилган. Шунингдек, энли жияклар (асосан, қўлтиқ ости ва енг учларига) тикилган жияклар охири попуқлар билан тугалланган. Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Қорақалпоғистонда кенг тарқалган. Желак маҳаллий хусусиятлар асосида турлича

безатилган. Айниқса, Қашқадарёда желакнинг кашталанган тури, яъни каштали желаклар кўпроқ учрайди.

Жемпер (*p. инг, imper – калта пальто*) – жун ёки пахта ипидан силлик, йирик қилиб тўқилган тугмасиз ва тугмали, ёқасиз ва ёқали кофта, иссиқ уст кийими.

Жерсе, жерси (*инг*) – ипак, жун, пахта толаси ёки синтетик толалардан тандаси кўп ипли қилиб тўқиладиган газлама, мато ва ундан тайёрланган буюм. Англия тасарруфидаги «Жерси» ороли номидан олинган.

Жикет (*p. фр. jaquette*) – аврадан иборат белдан юқорига кийиладиган хотин-қизлар уст кийими.

Жилет – нимча.

Жибби, жубба – узунлиги белгача бўлган, пахта солиб қавилган тўн. Асосан Қашқадарё араблари орасида кўпроқ учрайди.

Жило – пардоз кўрки, сайқали, ялтироқлик. Металл (олтин, кумуш, мис, бронза, темир) ёки ёғоч буюмлар: ипак матолар юзидаги ялтироқлик. Буюмлар юзини жилвир билан ишқалаш, сиртга махсус мой сурқаш, мато (адрас, атлас)ни кудунглаш (кудунглаш – тўқмоқсимон асбоб билан уриш, кўпроқ Хоразм воҳасида учрайди) натижасида жило ҳосил қилинади.

Жияк – зей, дўппи, тўн, яктак, лозим ва бошқа кийимларнинг четига тикиладиган махсус тасма, «йўрмадўзи», «кандахаёл», «ироқи» ва «босма» услубида тайёрланади.

Жияк (*зех*) – энсиз тасма, ҳошия. Кийимларнинг олдига, ёқа, энг, чўнтак, этак четларига, дўппининг кизагига, каштали безак буюмларига тикилади. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган. Бухоро, Самарқандда «зех», Сурхондарёда «шерози», Қашқадарёда «жияк», «пойча», «бофта» ва бошқа номлар билан юритилади. Тайёрлаш усулига кўра бир неча турларга бўлинади: кўлда тўқиладиган содда жияк; бир неча киши томонидан тўқиладиган рангдор, гули мураккаб жияк; махсус дастгоҳ (жияк дўкон)да тўқиладиган жияк; матога каштаси тикиб тайёрланадиган жияк ва бошқа жияк каштаси анъанавий ҳандасий, исломий нақшлар ва уларнинг уйғунлигидан иборат бўлиб, баъзан

нақш мужассамотиға рўзгор буюмлари, асбоб ва бошқа буюмларнинг шакллари, ёзувлар киритилади. Ҳозир ҳам жияк тайёрлаш ва тикиш кенг тарқалган

Жиға – бош кийим (салла, дўппи, тож) устига ўрнатиладиган безак, тақинчоқ тури бўлиб, қирғоқлари ўзаро жипслаштирилган икки палла юпқа кумушдан иборат ашё. Унинг юқори қисмида товус, укки патлари ўрнатиш учун найчаси бўлган, сиртига босма нақшлар ишланиб, тилла суви юритилган, марварид, феруза ва бошқа тош ва рангдор шишалар қадаб безатилган. Жиға қадимий ашё бўлиб, у ҳақдаги маълумотлар, ёзма манбалар ва миниатюра тасвирларида сақланган. Қадимдан тўй ва тантаналарда, баъзан «кўз тегиш»дан сақланиш ниятида ҳам тикилган. Шоҳ, шаҳзода бекзодалар таққан якка қадалувчи «жиға», асосан аёллар дўппи-сининг икки чаккасига қадаладиган «қўнжиға» (Хоразмда кўпроқ учрайди), болалар бош кийимига ёмон кўздан асраш ниятида қадаладиган «қаторжиға» каби турлари бор. Тошкентда, шунингдек, никоҳ тўйида куёвлар (қизнинг отаси совға қилган жиғани тақиб, уларга кўриниш берган) болаларнинг суннат тўйида уларнинг бош кийимларига жиға тақилган. Шунингдек, от, туя ва бошқаларга тақиладиган жиға ҳам бўлган, улар, одатда ҳайвонлар нўхтасига қадалган.

Жойнамоз – намоз ўқиладиган тўшама жойнамоз ибодат вақтида кишини бу дунёдан ажратувчи омил деб тасаввур қилинади. Жойнамоз устида намоз ўқиш илк ислом даврида кенг тарқалмаган, яъни ерда, бўйрада ҳам ўқилаверган. Жойнамоз бўлмаган тақдирда турли покиза буюмлар (чопон, рўмол, шолча, қийиқ, мато ва бошқалар)дан жойнамоз сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳозирда жойнамоз кенг кўламда қўлланилишидан қатъи назар, зарурат тақоза қилган пайтларда пок тупроқ ёки ўтлоқ устида ибодат қилиш мумкинлиги назарда тутилиши лозим. “Жойнамоз” атамаси Қуръонда тилга олинмаган.

Жойнамоз тайёрлаш мусулмон мамлакатларида амалий санъатнинг анъанавий йўналишларидан бири ҳисобланган. Жойнамоз шойи, карбос, атлас, сатин ва бошқа матолардан тўртбур-

чак шаклида тайёрланиб, бош қисмига меҳроб тасвири, ён томонларига кенг ва тор ҳошия тикилган «йўрмадўзи», «босма», «қарсдўзи» услубларида кашта тикиб, нақшлар билан безатилиб, матодан тўртбурчак шаклида тайёрланади, кашталар тикиб безатилади. Кашта мужассамоти меҳроб шаклида ҳошияланган ислимий нақшлардан иборат. Матодан безаксиз тайёрланган жойнамоzнинг бош томонига рамзий меҳроб шакли тикилади, намоз ўқиш пайтида бу шакл Маккага, яъни қибла томонга қаратилади. Ҳозирги пайтда турли хилдаги гилам жойнамоzлар ҳам тайёрланмоқда. Бугунги кунда Тошкентда “келин салом” маросимларида келинлар жойнамоzни совға сифатида тарқатишади.

Жойпўш – йиғилган кўрпа-тўшаклар устидан ўраладиган келин-куёв тўшагининг устидан, ёпиб қўйиладиган буюм бўлиб, «йўрмадўзи», «босма», «йўрма» услубида кашта тикиб безатилган.

Жома – чеккасига жияк тутиб безатилган эркаклар тўни. «Ироки», «босма», «йўрма» услубида кашта тикиб безатилган.

Жомадўз – кийим тикувчи шахс, чевар, шу касб эгаси.

Жомадон – 1) кийим-кечак солинадиган, сақланадиган идиш, кути, қутича; 2) чемодан.

Жомакор, коржома (*ф-т, кийим – иш, хизмат*) – иш кийими. Кўпинча, қалин матолар бўз, тринка, брезентдан тикилади. Қашқадарё арабларида «жибби» деб ҳам юритилади.

Жубба (*а.*) **эск.** – 1) арабларнинг пахта солиб қавилган кенг узун кўйлаги; 2) ўк, қилич, найзадан сақланиш учун симдан тўқилган қадимий уруш кийими; 3) қаландарлар, шайхлар қиядиган бўйи ва енги узун, кенг пахталик тўни; 4) турли хил мўйналардан тикилган пўстин.

Жун газлама – жундан тўқиладиган мато.

3

Замша – кўй ва бўғу терисидан мой билан ишлаб тайёрланади. Майин, юмшоқ сув ўтказмайдиганлиги учун спорт костю-

ми, куртка, қўлқоп, пойабзал тайёрланади. Замша атласга ўхшаб тўқилиб, сунъий усулда тайёрланади.

Занжира – нақш тури; турли-туман шакллар бир-бирига ула-ниб, узлуксиз такрорланишидан ҳосил қилинадиган ҳошия нақш. Нақш мужассамотида кўпинча доира атрофига ёки икки чизик орқасига ишланади. Ислимий уч ва ҳамдасий уч тури бор. Ганч, ёғоч, металл, тош ўймакорлигида, каштадўзлик, зардўзлик, зар-гарлик, наққошлик ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

Зарбофт (*форсча олтин тўқима*) – зар ип билан тўқилган мато-ларнинг умумий номи. Асосан, хон, амалдорлар ва уларнинг оила аъзолари зарбофтдан тайёрланадиган либосларни кийишган.

Европада, айниқса, роман ва готика даврида (12-15 асрлар) заргарлик санъати юксак поғонага кўтарилган, заргарликнинг янги усул ва услублари вужудга келган. Ўзбекистон Республика-сининг кўпгина музейларида сақланаётган топилмалар респу-блика худудида (юнон-Бақтрия подшолиги, мил. авв. III – II аср; Қадимги Хоразмда асосан, мил.ав. 1-минг йиллик ўрталаридан мил. ав. VIII асргача) заргарлик ҳунари ривож топганлигини кўр-сатади. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда заргарлик ривожланган XIX аср – охири XX аср бошида ўзига хос ишланиши, шакли, безаклари, хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилувчи хилма-хил заргарлик буюмла-ри ва зийнат буюмлари тўпламлари вужудга келган. Асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган заргарлик санъати XX аср бо-шларида инқирозга юз тутди. Халқ усталарининг сони қисқара бошлади. Усталарга қимматбаҳо хомашёлардан фойдаланишга йўл қўйилмади. Заргарлик фабрикаларда ижод қилган уста-зар-гарлар иш жараёнида аста-секинлик билан мавжуд анъаналардан йироқлаша бордилар. Натижада улар томонидан ишлаб чиқарил-ган буюмларнинг шакли – шамоийили ўзгариб, эклектик манзара-лар юзага келди, бу эса баъзи анъаналарнинг буткул йўқолишига олиб келди.

Зардўзи – зар (тилла ёки кумуш суви юритилган) ип, ипак ва бошқалар билан кашта тикиб безак яратиш усули ва шу усулда

безатиб тайёрланган кийим, бадий буюмларнинг номи (масалан, заргарлик дўппи, заргарлик телпак, заргарлик нимча ва бошқалар).

Заркокил-танга чўлпи – зийнат буюми. Шарқ аёлларининг сочларига тақадиган безаги. Аёлларнинг икки чаккалари ёки соч ўримларига тақилган. Дастлаб Қўқон хонлиги даврида олтиндан ясалиб, «заркокил» деб аталган. Кейинчалик танга ва сўлкавойлардан («тангачўлпи» номи шундан) икки қатор қилиб ишланган. Танга ва сўлкавойлар ўзаро кумуш занжир ёки ҳалқачалар билан уланган. Юқори қисмидаги илгаги билан чаккадаги сочга, соч ўримларига тақиб қўйилган.

Зебигардон, зебисина – зийнат буюми. Аёлларнинг бўйинга тақилиб, кўкраккача тушиб турадиган тақинчоғи. Зебигардон Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийсида кенг тарқалган.

Зеҳ тортиш – костюм, пальто, чакмон, камзул ва тўннинг четлари қаттиқ турсин учун икки олд зеҳига эни 2 см лента шаклида авра-астар орасига қўйиб тикилувчи пишиқ жияк, тасма ўрнатиш жараёни.

Зибак – оддий олачанинг энг яхши нави шундай аталади.

Зиракбалдоқ – исирғанинг Фарғона водийсида кенг тарқалган тури. Кўпинча, қашқарбалдоқ деб ҳам аталади.

Зинпўш – от эгаларининг устига ташланадиган буюм “ироқи”, “йўрма” услубида ипакдан кашта қилинган.

И

Илма 1. Ип, ипакни илиб олишга мослашган тикиш асбоби билан қўлда тикишнинг бир усули. 2. Рўмолнинг бир тури. 3. Илиб оладиган, тикишга мослашган.

Игна – тешигидан ип ўтказилиб, буюм тикиладиган металл асбоб. Кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва ҳ.к. тикишда ишлатилади.

Илма дўппи – гуллари илма чок билан тикиладиган дўппи.

Илма чок – попоп машинада тикилган ёки қўлда ҳалқасимон

шаклда илиб-илиб тикилган чок.

Ип – пахта, ипак, жун, зиғир ва шу каби толаларидан махсус йигириш дастгоҳларида ингичка қилиб йиғирилган тикув ашёси: буюмларни чоклаш, тикишда қўлланадиган хом ашё.

Ип рўмол – тўқимачилик фабрикасида ипдан гулдор ёки сидирға рангда ҳар хил ҳажмда тўқилган, тикилган рўмол.

Ипак – тилла ва сунъий толалардан махсус йигириш дастгоҳларда ингичка қилиб йиғирилган тикув ашёси; каштачилик, зардўзлик, дўппидўзликда фойдаланиладиган асосий хом ашё.

Ипак рўмол – фабрикада ипакдан тўқилган ёки ипак матодан тикилган сидирға ёки рангдор ва гулли тўртбурчак, учбурчак шаклдаги рўмол; фаранг рўмол.

Ироқи – ип ёки ипакларни кесиштириб зарб шаклида чок тикиш усули. Шу усулда тикилган дўппи, жияк, кўйлак ёқаси, энг четларига тикилган гуллар. Каштачиликда энг кўп қўлланиладиган қадимий усуллардан бири. Бу усулда Қарши ва Шаҳрисабз чеварлари кашта тикканлар. Бу усул «х» шаклидаги гул тикиш усули.

Ироқи дўппи – ироқи чоки билан тикиладиган тўрт каржли ярим доира формасидаги дўппи. Бу дўппи кўпроқ Қашқадарё воҳасида учрайди.

Ироқи жияк – қора машина ипдан тўқилган тўқима жиякнинг ироқи усулидаги гуллар тикилган хили, тури.

Ислими(й) – ўсимликка ўхшаш нақш.

Ич кийим – уст кийим тагидан кийиладиган кўйлак, ич кўйлак, комбинация, ретуза, лозим.

Ишлов бериш – костюм, пальто, чакмон, тўн, камзул каби авра-астарли кийимларни машина чока тайёрлаш учун олд, орқа, энг, ёқа қисмларига қўлда тепчималар, кўклар торайтмоқлар солиш, без (бортоқвалар) ишлаш ва кийимга ўрнатиш иши.

Иштон – тананинг белдан пастки қисмига кийиладиган ички кийим; лозим. Иштон туркий сўз бўлиб, ёзма манбаларда XI асрдан учрайди. «Девону луғатит-турк»да «эр иштонлади» – «одам иштон кийди» деган жумла учрайди.

Иштонбоғ – иштонинг липасига ўтказиладиган қўл тўқув дастгоҳида хом (пишитилмаган, чийралмаган) ипдан сийрак қилиб тўқилган жияк, боғ.

Й

Йирмоч – фарғонада тўғри чопон тўн этагининг икки ён оралигининг учбурчак шаклда қийилган жойи. Фарғона, Самарқандда шундай бичиқли тўнни *йирмоч тўн*, Тошкентда *печак тўн* дейилади.

Йўрма чок – 1) дўппидўзликда дўппи гуллари атрофи ва тагдўзи дўппининг таглиги йўрма усулида тикиб тўлдириладиган чок; 2) ситиладиган матодан тикилган либос зехидаги иплар тўзиб кетмасин учун қўлда ёки махсус йўрма машинада йўрмаб тикилган чок.

К

Камзул XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Республикамиз бўйлаб «камзур», «камзул» кийиш одат тусига кирган. Камзул ёқалари тик, бўғиқ, баданга ёпишиб турадиган узун, белбурма сюртукни эслатиб турадиган кийим бўлиб, орқа тарафида қийиқ жойи-йўрмочи, қайтарма ёқаси бўлмаган. Камзул қора ранг матодан, аксар ҳолларда сатин ёки костюмбоп қалин ип газламалардан тикилган бўлиб, кўйлак ёки чопон устидан, ёз фаслида эса тўн-чопонсиз ҳам кийиб юрилган. Камзуллар кийим эгасининг ёши, жинси, йил фаслларига мослаштирилгани ва қандай матодан тикилишига кўра – *пахтали камзул*, *авра камзул*, *камзулча*, *учбел камзул*, *бешбел камзул*, *беллик камзул*, *духоба камзул*, *бахмал камзул*, *жунжун камзул* каби номлар билан юритилган¹.

Кийимбош кийиладиган нарсалар, кийим, устбош, кийим-кечак.

Кийим 1. Баданни ва тана аъзоларини беркитиш, ёпиш ва шу

¹ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари... Б. 25.

билан бирга инсон танасини ташқи муҳит таъсиридан сақлаш учун кийиладиган, асосан, мато ва теридан тикиб тайёрланадиган нарсаларнинг умумий номи ҳам кийим деб юритилади. Шунингдек, кийим таърифига назар ташлайдиган бўлсак, кийим – тикилган либос¹, ибтидоий даврда одамлар белига боғлаган тасма ёки оёққўлига тақилган ҳалқалар² ёки кенг ва тор маънода киши эгнига ёпиладиган ва гавданинг юқори қисмига кийиладиган либос³ тушунилади. Демак, кийим инсоннинг ҳаётий зарурати натижасида келиб чиққан. Кийимларнинг юзага келиши ва турларининг кўпайишида кишиларнинг турмуш тарзи, меҳнат ва иқлим шароитидан ташқари, уларнинг маданий ривожланиши ва эстетик дидининг ўсиши ҳам асосий омиллардан бири бўлган. Инсоннинг кийиниш эҳтиёжини ўтовчи буюмлар мажмуининг умумий номи ўзбек адабий тилида кийим, кийимкечак, сўзлашувда энгилбош, энгил, кийимбош, устбош каби атамалар билан ифодаланади ва уст кийим, ич кийим, бош кийим, оёқ кийим, ҳарбий кийим, болалар кийими, эркаклар кийими, аёллар кийими, қария кексалар кийими, ов кийими, иш кийими, кундалик уй кийими, байрам кийими, кўчалик кийим, ёзлик кийим, қишлик кийим, жома, киват ва ҳакоза кийим турларига бўлинади.

Умуман олганда, халқ кийимлари анъанавий миллий маданиятнинг асосини ташкил қилувчи муҳим этномаданий ҳодисалардан бири бўлиб, унда халқнинг ақлий-руҳий тафаккури, турмуш тарзи, тараққиёт даражаси ва этник тарихи ўз аксини топган. Демак, кийим ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият тараққий этгани сайин у ҳам такомиллашиб ривожланиб борган. Қолаверса, кийимлар ўзбек этномаданиятида алоҳида ўринга эга қадриятлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ер шарида табиий жараёнларнинг тез-тез ўзгариб туриши турли либосларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

¹ Липперт Ю. История культуры. Ленинград, 1925. с. 87-90.

² Левин-Дорш А., Кунов Г. Первобытная техника. Москва- Ленинград, 1922. с. 403-404.

³ Қаранг: Горбачева Н.П. К вопросу о происхождении одежды. – “Советская этнография”, 1950. №3, с. 9-15.

Милоддан аввалги V минг йилликларгача бўлган даврда кийим тайёрлаш учун фақат табиий материаллар (хайвонлар териси, дарахт пўстлоғи, ўсимликлар толаси)дан фойдаланилган. У даврларда кийилган кийимларнинг асосий вазифаси киши танасини совуқ (ёки иссиқдан) ҳимоя қилиш бўлган. Хусусан, тери-либосни елкадан ўтказиб маҳкам боғлаш, терининг ўртасидан тешиб, ундан бошни ўтказиб кийиш, тери билан танани ўраш либос тайёрлашдаги дастлабки усулларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариш жараёнларининг ибтидосидир. Анна Левин-Дорш ва Г. Куновлар ибтидоий одам белига боғлаган тасма ёки оёқ-қўлига тақилган халқалар, баданни бўяш (татуировка), хом теридан тайёрланган ёпинчиклар, белдан пастга тутиладиган чипта, ўсимлик япроғи ва куш патларидан тайёрланган тутқичларни ҳам «кийимнинг ибтидоси» деб ҳисоблайдилар¹.

Тарихий-этнографик адабиётларда кийимлар тараққиётининг биринчи босқичи тўқимачилик (тўр ва газлама тўқиш) техникасининг ривожига билан боғлиқ деб талқин қилинади. Тўқима матоларнинг эгилувчанлик, букилувчанлик, ўралувчанлик, шунингдек, тўқима тўр матоларнинг чўзилувчанлик ва турли шаклга тушиш каби хусусиятларидан кишилар кенг фойдалана бошлаганлар. Қадимги либослар учун хом ашё махсус йўрмакланган ёки боғланган матодан иборат бўлган. Ана шу мато ёрдамида кишилар ўз баданини ўраб олишган. Кишилар об-ҳавога қараб ҳамда ўз ижтимоий аҳволдан келиб чиққан ҳолда тўғри тўртбурчак, эллипс шаклидаги мато либослар кийиб юришган. Шу тарзда мато-либосларнинг ҳимоя ва ижтимоий вазифаси кенгайиб, ўзгариб борган². Умуман олганда, кийимлар аста-секин муайян ўлчовда ёш, жинс, бўй-бастни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос дид билан тайёрлана бошлаган ва тобора мукаммаллашиб борган. Хуллас, ҳар бир тарихий давр кийим-бошларида ўша босқичга хос

¹ Левин-Дорш А., Кунов Г. Первобытная техника. – Л., 1925. – С. 87-90.

² Шомуҳиддинова Л., Чурсина В., Комилова Х. Либослар тараққиёт тарихи // San'at. – 2002. – № 3. Б. 39-40.

кийиниш маданиятининг инъикоси акс этиб турган¹.

Ўзбекистон худудида яшаган энг қадимги аждодларимизнинг кийимлари ҳам дунёнинг бошқа минтақаларидаги қадимги кишилар кийимлари каби табиий иқлим, турмуш шароитлари ва уруғ-қабила анъаналари асосида шаклланган. Ўтмиш аждодларимизнинг кийим-кечаги, уларнинг шакллари ва эволюцияси ҳамда маҳаллий хусусиятлари тўғрисида Республика худудидан топилган археологик ёдгорликлар, деворий расмлар, ҳайкалчалар, майда нақшлар, торевтика, ёзма манбалар, қўлёзма китобларга ишланган мўъжаз ранг тасвирлар (миниатюра)лар бирмунча аниқ тасаввурлар беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кийимларнинг дастлабки шакллари тўқимачиликнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлган. Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиё худудида тўқимачиликнинг вужудга келиши илк тош асри-неолитга бориб тақалади. Хусусан, Копеттоғ этакларида аниқланган Жайтун маданиятига оид ёдгорликларда тўқув дастгоҳларининг қолдиқлари топилган². Бу даврда минтақада чорвачилик соҳаси ривожланган бўлиб, тўқимачиликда жундан тайёрланган кийим-кечаклар асосий ўринни эгаллаган. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган қадимги тўқимачилик марказлари топилмаган бўлса-да, туташ тарихий-маданий минтақаларда кузатилган ашёлар энеолит давридан бошлаб тўқимачилик юқори даражада ривожланлигини кўрсатади³.

^{Кифтаки} кўйлак эркакларнинг устки кўйлаги. «Кифт» сўзи форс-тожик тилида «елка» демакдир. «Кифтаки» атамаси «елка ёқали» маъносини англатади. «Кифтаки» нусха кўйлакни Фарғона водийсида даставвал диний қатлам вакиллари, яъни тақводор кишилар кийишгани боис «муллача кўйлак», «муллача ёқа» ёки

¹ Матбобоев Б., Абилов Ш., Майтдинова Г. Аждодларимиз либоси // Фан ва турмуш – 1991. – № 4. Б. 18.

² Қаранг: Массон В.М. Поселение Джайтун. – Л., 1971.

³ Майтдинова Г. Раннесредневековые ткани Средней Азии. – Душанбе, 1996. – С. 4-5.

оддий қилиб «муллача» каби номлар билан аталган¹. “Муллача ёқа” кўйлакнинг ёқаси горизонтал шаклда бўлиб, икки елка устидан очик қилиб четига ингичка жияклар тутилган. Кўпинча сурп ёки олачадан тикилган бундай бичимдаги кўйлаklar кейинчалик кирғиз, қорақалпоқ, қипчоқ каби чорвадор этник ва этнографик гуруҳлар ва тожиклар орасида ҳам тарқалган эди².

Кулута аёллари орасида энг кўп тарқалган бош кийимларидан. Қашқадарёда кулутани *култа*, *култанўшак*, *табсуллоҳ*, *дўпни*, *тўпни* (шевада), *қалпоқ* деб аташган. Қамашни тумани аёлларининг қишда киядиган махсус кулутаси ҳам бўлган бўлиб, уни маҳаллий аҳоли *сарпушак* деб атаган. Сарпушакнинг ўзига хослиги, у пахталик матодан қилинмаганлигидадир. Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, сарпушакка ўхшаш бош кийим ярим кўчманчи аҳоли орасида фақатгина марҳум аёлларгагина кийгизилган³.

Қорлуқларда ҳам кулута мавжуд бўлган.

Ўрта Осиё кийимлари бўйича тадқиқотлар олим борган олимлар кулутани қизлар бош кийими сирасига киритмаганлар. Масалан, этнограф олима Р. Рассудова «Самарқанд вилояти ва Юқори Қашқадарёда чачкап (кўпинча уни «кулута» ҳам дейишган)ни фақат қария аёлларгагина кийганлар», – деб ёзади⁴. Бироқ, бошқа

¹ Наливкин В., Наливкина М. Очерки быта женщины оседлого населения Ферганы. – Казань, 1886. – С. 94; Рассудова Р.Я. К истории одежды оседлого населения Ферганского, Ташкентского и Зарафшанского региона // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана // СМАЭ. – Л., 1978. Вып. XI, XIV. – С. 154-156.

² Бу ҳақда қаранг: Антипина К.И. Особенности материальной культуры... – С. 219-221; Толстова Л.С. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса в XIX – нач. XX вв. – Нукус-Ташкент, 1963. – С. 145-146; Сухарева О.А. Опыт анализа покровов традиционной «туникообразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 81; Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа... – С. 251-253; Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения Ферганско-Ташкентского региона (XIX – XX вв.) // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989. – С. 144 ва б.

³ Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1968. – С. 124.

⁴ Рассудова Р.Я. Материалы по одежде таджиков верховьев Зерафшана // Тради-

муаллифларнинг ишларида кулута қадимда қизларнинг ҳам бош кийими бўлганлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, Матчо тожикларида уни барча аёллар, ҳатто қизлар ҳам кийишган. Тадқиқотчи С.П. Русаякина В.В. Крестовский-нинг¹ далиллариға асосланган ҳолда кулута қизларнинг ҳам бош кийими бўлган, деб ёзади².

Кийгич Бизнинг Қашқадарё воҳаси бўйлаб олиб борган дала тадқиқотларимиз жараёнида кулута аҳоли орасида кийгич номи билан маълум бўлганлиги аниқланди. Кийгич нафақат Қашқадарё воҳасида, балки Самарқанд вилояти аҳолиси орасида ва Зарафшон водийси қипчоқларида ҳам учрайди³. Шунингдек, бундай шаклдаги бош кийимлар «кийгич», «чачкап» номи билан Фарғона водийсида ҳам мавжуд бўлган. Водийда уни асосан кекса аёллар кийганлар⁴. Қозоқларда бундай бош кийим «шашкап» дейилган⁵. Умуман олганда, бундай шаклдаги бош кийимларнинг тарихий асослари жуда қадимий бўлиб, археологик қазишмалар жараёнида кушонлар даврига (милодгача бўлган I аср-милодий III аср) оид кийгич кийган аёлларнинг терракота ҳайкалчаси топилган⁶.

Ўзбекларида кийгичлар авра-астарли қилиб, икки хил кўринишда тикилган. Биринчи кўринишдаги кийгичлар айланасимон шаклда учсиз қилиб тикилган ҳамда орқасида елкага осилиб турувчи дум қисми бўлиб, унинг юқори қисмида, аниқроғи бўйин атрофида ўйиқ жой қолдирилган ва ўрилган соч шу жойдан чиқа-

ционная культура народов Передней и Средней Азии / Сб. МАЭ. – Л., 1970. Т. XXVI. – С. 30.

¹ Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского // Русский вестник. Т. 72. 1884. – С. 56.

² Русаякина С.П. Народная одежда таджиков Гармской области // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. 2. 1959. – С. 198.

³ Этнографические очерки узбекского сельского населения... – С. 124; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Т., 1974. – С. 264.

⁴ Исмаилов Х. Головные уборы узбечек конца XIX – начала XX века... – С. 51.

⁵ Захарова И.В., Ходжаева О.Д. Казахская национальная одежда. XIX – начала XX в. -Алма-Ата: Наука, 1963. С. 106.

⁶ Қаранг: Мешкерис В.А. Женские чалмообразные головные уборы на кушанских статуэтках Согда / Костюм народов Средней Азии... – С. 13-18.

риб қўйилган. Ўйиқ ичида турган сочлар уй юмушларини бажарганда халақит бермаслиги учун кийгичларнинг махсус соч чиқариладиган айланасимон усти қисми мавжуд бўлган. Анъанавий дўппи кўринишидаги кийгичлар эса тўртбурчак шаклида тик ва чўққисимон бўлиб, асосан келинлар ва ёш қизларга мўлжаллаб тайёрланган. Қашқадарё воҳасининг Қамаши туманидаги ўрта ва кекса ёшли ўзбек аёлларининг бош кийимлари калтапўшак деб аталган. Калтапўшак одатда авра-астарли бўлиб, пахта солиб қавилган бош кийими ҳисобланган. Жейнов арабларида эса биринчи аёллар фарзандли бўлганларидан сўнг бошларига калтапўшак кийиш одати расм бўлган.

Кийгичлар сочнинг йиғилиб, ихчам бўлиб туриши ҳамда ёш қизлар ва келинчаклар томонидан безак, кўрк сифатида рўмол остидан бошга кийилган. Рўмол остидаги кийгич (дўппи, тахя, тўппи ва б.) кишига улуғворлик, кўркамлиқ бахш этган. Кекса ёшдаги аёллар эса кечаси ялангбош ётмаслик учун кийгич кийишган. Бошга ташлаб юриладиган рўмоллар сочдан сирғалиб тушиб кетмаслиги учун кийгичларга тўғнағич ҳам қадаб қўйилган.

Ковуш Эркаклар ҳам иссиқ кунларда теридан тикилган ковуш кийишган. *Малла ковуш* – қалин, дағал мол терисидан қўлда тикилган; *ағдарма ковуш* – кенг, тумшуғи узун бўлиб, мол, от терисидан тайёрланган; *ҳаккари ковуш* – ёғочдан тайёрланган бўлиб, куз ва баҳор фаслларида кийилган; *кўк ковуш* – эшак терисидан тайёрланиб, маълум безаклар ҳам берилган¹. Маҳаллий усталар томонидан тикилган бундай ковушларни минтақанинг кўпгина жойларида кийишган. Қора «сипоки» ковуш Россиядан келтирилган бўлиб, ялтироқ қора теридан тикилган бундай ковушларни XX аср бошларида асосан ўзига тўқ одамларгина кийишган. Калиш, маҳси шаҳар атрофидаги қишлоқларда кенг миқёсда кийилиб, ҳозирга қадар кекса ёшдаги эркакларнинг анъанавий оёқ кийимларидан бири ҳисобланади. Табиий иқлим шароитига мос, мавсумий, содда, ихчам ва қулай бўлган ковушлар қўлда ишлов бериб тайёрланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу даврда чо-

¹ Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари... – Б. 24.

риқни гарчи ҳамма тайёрлай олган бўлса-да, лекин калиш, этик, мўккини махсус уста – ковушдўз ёки этикдўзгина тика олган. Умуман олганда, оёқ кийимларининг эволюцияси натижасида XX асрнинг 30-40-йилларидан кейин бундай туркумдаги оёқ кийимлари истёъмол доирасидан чиқиб кетган.

Кавуш – оёқ кийими; чармдан тайёрланган, одатда маҳси билан кийишга мўлжалланган оёқ кийими.

Каламинка (*р. каламянка*) – зиғир толасидан тўқилган пишиқ мато.

Калиш – баъзан яланг оёқ кийиладиган резина пойабзал.

Каллапўш – дўппининг бир тури. Шевада бошни ўровчи дўппи.

Камар (*ф.т.*) – чармдан ёки чидамли қалин матодан, пластмасадан, металдан 4 – 5 см кенгликда тайёрланган буюм, қайиш, тасма, белбоғ. Олтин камар, кумуш камар, қайиш камар.

Камзул – қалинроқ матолардан, астарини сатин, саржа, пахмоқдан қилиб тикилган олди очиқ энгил уст кийим. Қашқадарё вилоятининг айрим қишлоқларида «қисмача» ҳам деб аталади.

Канва – сийрак тўрли оқ мато. Асосан каштадўзликла крахмалланиб ёки елим суртилиб фойдаланилади.

Капрон (*р.*) – сунъий толадан тўқилган газлама тури.

Карбос – дағал ипли мато, оддий бўялмаган ип газлама.

Каржли дўппи – тўрт карждан иборат тўрт бурчакли дўппи.

Кафш – оёқ кийими, кавуш.

Кебанак – чўпонларнинг ёғингарчилик ва совуқда киядиган ёпинчиқсимон кигиз пўстини (чопони).

Кепка (*р.*) – эркакларнинг гардишсиз козирёк (соявон) ли бош кийими.

Кизак – дўппининг тепа ва жияги ўртасидаги қисми, гардиши.

Кийим-кечак – инсон тана аъзоларини бошдан оёқ учигача бўлган қисмларини (айрим ҳолларда эса билак ва қўл учигача) беркитиб турадиган буюмлар мажмуи; яна – кийим, кийим-бош, уст-бош, энгил, энгил-бош, бош-оёқ кийим деб ҳам юритилади.

Кийимлик – кийим тиктириш учун мўлжалланган бир бўлак мато, бир кийимлик газмол.

Кимхоб – майин ипакдан тўқилган мато.

Кимоно – кийим, кўйлак. Аслида япон эркак ва аёлларининг жуда кенг энгли хлат кўринишидаги кийими.

Китель (*р. нем. kitte*) – бир ёқлама тугмаланадиган, тик ёқали расмий кийим.

Кифтаки – «кифт» сўзи форс-тожик тилида елка демакдир. «Кифтаки» атамаси «елка ёқаси» маъносини англатади.

Кирза – сув ўтказмайдиган резинадан тайёрланадиган пойабзал, этик.

Клёш – юбка ёки шим почасининг паст томонига кенгайиб борувчи алоҳида бичими.

Ковуш – маҳси билан кийиладиган пойафзал. «Ироқи» услубида кашта ҳам тикилади.

Комбинезон (*р. фр. combinaison*) – пишиқ ип матодан шим билан кўйлаги бирга қўшиб тикилган иш кийими.

Кокетка (*танноз, шивагар, тантиқ аёл*). Кўйлак ёки блузканинг кўкрак устини ёпиб турувчи юқори улама қисмга кокетка дейилади. Унга пастки улама қисм қўшиб тикилади.

Коленкор – шарқона ип газлама номи. Крахмаллаб ёки елимлаб қотирилган оқ ёки рангли пишиқ сурп.

Коржомо – иш кийими.

Костюм (*фр. – costume*) – авраси шерсть, сукно матодан, аста-ри сатин, селон матодан қайтарма ёқали, олди тугмали белдан юқорига кийиладиган уст кийим, пиджак ёки жакет. Пиджак ва шим ёки жакет ва юбкадан иборат устки кийим.

Костюм шим – пиджак ва шимдан иборат эркаклар уст кийими.

Костюм-юбка – пиджак ва юбкадан иборат хотин-қизлар уст кийими.

Костюм ёқа кўйлак – олд ва орқа ёқаси бирлаштириб тикилган кўйлак, либос.

Кофта – аёлларнинг белгача тушадиган калта кўйлаги ёки

плаш. Уйгурларда аёлларнинг калта кўйлаги ҳам кофта деб юритилади.

Кубанка – тепаси яси формада мўйнадан тикиладиган телпак. Россиядаги Кубань дарёси номидан олинган.

Кудунг – одатда, ўрик ёғочидан ясалган бўлиб, мато тайёрлашда (қўлда) матони кудунглаш, уриш учун ишлатилади. Урганда ёрилиб кетмаслиги учун юзига заранг ёпиштирилган.

Култапўшак – аёлларнинг қадимий бош кийими, «йўрма» ва «ироқи» чокида турли гуллар солиб безатилган. «Зе» қисми «йўрма» услубида тикилган. Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида кўпроқ кийилади.

Култапўшак-култа – аёлларнинг бош кийими бошга кийиладиган думалоқ дўппи шаклидига ва орқа томони соч ўрими ўтказиладиган енгчага ўхшаш узун (дум) қисмлардан иборат. Матодан авра-астарли қилиб, тайёрланган, турли хил чокларда ранг-баранг кашталар тикиб безатилган. Култапўшакнинг кизак қисми энгли, пешона ва енг қисмининг четларига жифклар тугилган. Ёшлар киядиган култапўшак рангдор гулли матодан қариялар киядигани одмироқ (кулранг, кўк, қора) каби матодан тайёрланади. Бухоро, содда йўрма ироқи чокларда кашта тикиб безатилган. Култапўшак музейларда сақланади.

Кундал – зар ип билан қўшиб, бўрттириб тўқилган қимматбаҳо шойи мато.

Кундал (*ф.т.*) **эск.** – 1) зар ва кумуш суви билан тайёрланган, иплар бир гуллар солиб тўқилган маҳаллий тўқима, зарбоф; 2) шундай тўқимадан тикилган тўн, камзул.

Кулоҳ – бош кийими, кулоҳ яъни, тепа томониинг ичкалашиб чиққан қалпоқ. Асосан, бу бош кийимни қаландар ва дарвешлар кийган. Кулоҳ қалин, дағал(кўпинча, жун) матодан конуссимон шаклда ичига пахта солиб тикилади.

Куртка (*р.лат. curtus-қисқа*) – эркаларнинг белдан юқорига киядиган олди тугмали ёки замочкали уст кийими.

Кўзмунчоқ – безак, мунчоқ тури. Сиртида ола-була кўз (хол)лари бўлган қора ёки кўк рангли тақинчоқ. Болаларнинг дўпписи

ёки тўнининг елкасига, бўйнига ёки ипга тизиб қўлига тақилади. Уни тақиш қадимдан урф бўлиб, кўз тегишидан асрайди деган тушунча мавжуд. Ҳозирги кунда ҳамма бирдай тақиб юришади.

Кўйлак – инсон танасининг юқори қисмига мослаб тикиладиган қават юпка кийим. Турли матолардан, асосан юпка газламадан киши жинси, ёшига қараб турлича тикилади. Бола кўйлаги аёл кўйлаги, эркак кўйлаги, турлари бор. Бола кўйлаги чилла кўйлаги ёки чақалоқ кўйлаги (юмшоқ, юпка матодан кенг, узун энгли қилиб, этак ва энг учун қайтарилмай тайёрланади), мактабгача ёшдаги қиз ва ўғил болалар кўйлаги (турли бичиқда узун ва калта, энгда, энгсиз) мактаб ёшдагилар кўйлаги махсус шаклда (форма) тайёрланади. Аёл кўйлаги ҳар хил матодан турли бичиқда энгли ва энгсиз, ёқали ва ёқасиз қилиб бичилади; унинг устки ва ички туриб бўлиб, ички кўйлак юпка майин матодан, устки ва кўйлак турли (шойи, атлас мовут ва бошқа) матолардан тайёрланади.

Эркак кўйлаги ёқасиз ва ёқали (асосан тик ёқали) узун энгли бўлган, ўзбек аёллари ва эркакларининг кўйлаклари европача ва бошқа кўйлак нусхалари билан бойитилмоқда.

Кўкрак бурма кўйлак – ёзлик либос; танасининг юқори кўкрак ва яғрини қўлда ёки машинада оддий терма чокда бир бор тикилиб ҳосил қилинган бурмалар кўйлакнинг юқори олд кўкрак яғринига уланиб, кенг формада тикилган хотин-қизлар кўйлаги, айн. ўзбекча кўйлак.

Кўн – мол, эчки, қўй ва бошқа ҳайвонлар терисидан тайёрланган чарм тури. Кўннинг бедона, амиркон, хром (хром тузлари билан ишлов берилган) шагрен, (қўй, эчки терисидан тайёрланган) упука (бузоқ терисидан тайёрланган) хиллари бор. Қадимда кўнни маҳаллий косиб-кўнчилар ўз хонадонларида тайёрланган. Баъзи маҳалла ва қишлоқлар кўнгиликка ихтисослаштирилган.

XX асрнинг бошларига келиб кўннинг саноат усули пайдо бўлган. Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарларда кўн заводлари қурилган. Дастлаб бу заводлари, тери заводи, тери ишлаш заводи, кейинчалик кўн заводлари деб номланган. «Кўн» атамасининг мазмуни бир мунча кенгайган бўлиб, умуман олганда, пиширилган мол

терисининг барча турлари ўз ичига олади.

Кўринмайдиган қавиқ – кўйлак этак, энг, ёқа, қайирмалари чети, зеҳини орқасига қайириб тикишда чок кийим юзига чиқиб қолмасин учун эҳтиётлик билан газламанинг 1 – 2 танда ипига илиб-илиб тикиладиган чок, бахч.

Л

Лачак хотинларнинг бошга ўрайдиган оқ дока ёки сурп; дакана.

Лачаклик лачакка мўлжалланган мато.

Либос уст бош, кийим сўзига синоним тарзида бўлиб, кўпинча адабий тил ва сўзлашувда ишлатилади. Масалан, куёв либоси, келин либоси.

Нил, **нилий** кўк бўёқ модда, индиго, тўқ кўк, зангори ранглар шу ном билан аталади.

Лачак – бош узра икки чаккадан кўкракка давр осилиб турадиган оқ дока ёки сурп мато (қисм, бўлак), дакана.

Лавсан – шундай синтетик толадан тўқилган мато.

Лама – қимматбаҳо жун олинадиган туя. Олий нав жун.

Лас – тозаланмаган паст навли ипак. Читга нисбатан зич тўқилган, сирти силлиқ ип газлама, сатин.

Латга – мато парчаси.

Либос (*арабча*) – 1) устга кийим; 2) маросим ва байрамларда кийиладиган янги кийим, тоза кийим; байрам либоси, тўй либоси; 3) уст-бош, безак, (*итальянча costume*) – одат театрда, спектакалнинг безагининг муҳим воситаларидан бири.

Липа – ўзбекча бичиқли лозимнинг юқориси, яъни иштонбоғ ёки резинка ўтказиладиган қисми.

Лента – безакка ва сочга ишлатиладиган энсиз узун тасма.

Ловдан – юпқа ипак мато.

Лозим (*арабча лозим*) – зарур, керакли маъносини англатади. Ёзма манбаларда «лозим» атамаси XV асрдан тилга олинган. Аёл-

лар ич кийими ҳам шу ном билан аталади.

Лолагул – лола шаклини эслатувчи нақш, мадохил тури.

Лўла-ғўла – шаклида тикилган ёстиқ икки чети «йўрмадўзи» ва «босма» чокли. Баъзан ҳамма шойи «ироқи» чокли кашта билан безатилган.

М

Мурсак Аёлларнинг анъанавий устки кийимларидан бўлиб, ҳар бир худуд, ҳар бир халқда ўзига хос безак ва нақшлари билан ажралиб турса-да, улар бутун Ўзбекистон бўйича бир хил бичимда, яъни тўғри, кенг ва узун қилиб бичилишга эга бўлган¹. Дастлаб аёлларнинг устки кийимлари аёллар кўйлаги кўринишида бошга ташлаб юрилган ва кейинчалик халат кўринишига келтирилиб, кўйлак устидан кийила бошлаган. Аёлларнинг устки кийимлари пахта солиб қавилган аёллар тўни ва пахтасиз авра-астардан иборат энгил халат кўринишидаги кийимдан иборат бўлиб, улар Республикамиз вилоятларида турлича номланган. Жумладан, мазкур кийим Тошкентда – *пешво*, *мурсак*, Хоразмда – *мисак*, Самарқандда – *мунисак*, *калтача*, Фарғонада – *мунисак*, *мунсак*, Бухорода – *калтача* дейилган².

Бу кийим Шаҳрисабзда калтача, Ғузур тумани қишлоқларида минисак номи билан аталади. «Минисак»ни маҳаллий аёллар қимматбаҳо кийим тарзида тўй ва байрамларда кийишган³.

¹ Сухарева О.А. Опыт анализа покровов традиционной «туникообразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции... – С. 92-93.

² Қаранг: Абдуллаев Т.С., Ҳасанова С.А. Одежда узбеков. – С. 7; «Мурсак» ата-маси арабча – «мурассаъ» сўздан олинган бўлиб, тош ва зарлар билан безатилган қадимий устки кийим маъносини англатган. Шу боис, араблар мазкур кийимга «мурассаъ» (зийнатланган ва безатилган) деб ном қўйганлар. Арабча «мурассаъ» сўзи ўзбек тилининг фонетик хусусиятларига мувофиқ «мурсак» деб талаффуз қилинади. Қаранг: Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари... – Б. 46.

³ Ушбу кийим ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Бижанова М.А. Мурсак – старинная верхняя одежда узбеков г. Ташкента // Памяти М.С. Андреева. Труды ИИАЭ. АН ТаджССР. – Сталинабад, 1960. Т. СХХ. – С. 47-53; Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки... – С. 117-119; Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма Самарканда (2-я половина XIX – начало XX в.). – М., 1982. – С. 34-44; Рассудол

Қашқадарёда минисакни асосан Бухоро шойисидан тикишган¹. Чорвачилик билан шуғулланган тоғ ва тоғ олди кишлоқларида авра-астарли минисак кўринишидаги енгил устки кийим – «желак» кийилган.

«Мурсак» уч қисмдан – бўй, ён ва енлардан иборат бўлиб, тўғри ва узун ён қисми қўлтиқ остига тўпланган. Қўлтиқ остига тўпланган қисмини кўп жойларда «чўчча» деб ҳам аташган².

Майка – болаларнинг ва эркаларнинг енгил ички кийими.

Макинтош (*p.*) – нам ўтмайдиган газламадан тикилган енгил пальто, плащ. Шотландиялик химик Чарльз Макинтош номидан олинган. Макинтош тўғри бичимли, ёқаси қайтарилган, чўнтакли ва енги манжетли бўлади.

Манжет (*a*) – эркалар ва аёлларнинг турли бичимдаги кўйлаклари енгига тикилган ёки қадалган қайтарма қисм.

Маржон – 1) мунчоқ ва ипга қатор тизиб ясаладиган аёллар тақинчоғи. Мунчоқлари турли шаклдаги безак тошлар (сердолик, мрамар, феруза, олтин, кумуш ва бошқа)дан иборат бўлиб, бир ёки бир неча қаторли қилиб бўйинга тақилади. Суяк ва сопон доналаридан ясалган. Маржонлар Ўзбекистон ҳудудида мил. авв. IV – III минг йилликка оид манзилгоҳлардан топилган. Жез даврида маржоннинг турли (оч тусли, мрамар, оқ, оч қизил ёки кулранг тош, сопол, бронза ва суяклардан силлиқ ёки содда нақшли) хиллари тарқалган. Сақланиб қолган деворий расмлар (жумладан, Болаликтепа деворий расмларида)да маржоннинг турли тасвирини кўриш мумкин. Маржоннинг марказига, баъзан четларига туморчалар қўшилган; 2) заргарликда ишлатиладиган безак тош, денгиз, жониворлари қолдиқларидан иборат; узунчоқ (шоҳмаржон), думалоқ (танамаржон) ва бошқа шаклли турларидан зийнат буюмлари (зирақ, тиллақош, тумор)ни безашда фойдаланилади; 3)

ва Р.Я. К истории женской одежды Ферганы и Ташкента (XIX – начало XX в.) // ПИИЭ. 1979. – М., 1983. – С. 164-177.

¹ Дала ёзувлари. Қамаши тумани, Совсан кишлоғи. 2004 йил.

² Бижанова МА. Мурсак – старинная верхняя одежда... – С. 48.

мискарикда кумфоннинг қорнига қаламга солинган думалоқ гул.

Матроска (*p.*) – 1) матросларнинг кенг қайтарма ёқали махсус кўйлаги, формаси; 2) кенг ёқали ва галстукли болалар кўйлаги (кўйлакчаси); XX асрнинг бошларидан урфга кирган.

Маҳси – поёфзал тури. Таги текис ва юмшоқ қўнжи ва устки қисми «ироқи» усулида кашта билан безатилган. Маҳси бирёклама ва иккиёклама бўлади. Маҳсининг амирикон, бедона, хиром, булғори турлари бўлади. Маҳси устидан калиш кийилади.

Маҳсидўзлик – маҳси тикиш касби.

Мағиз (*p. кант*) – 1) либосларнинг ёқа, энг учи, чўнтак оғзи ва этак четларига, олд чок четларига безак учун ярим сантиметр кенгликда бошқа ранг матодан қийиқ қилиб тикилган бўлак, қисм; 2) кўрпа кўрпачалар авра-астари туташтириб тикиладиган ера, қийиқ қилиб тутиладиган 1,5 – 2 см кенгликдаги бўлак.

Метр (*юнон – ўлчов*) – метрик ўлчов системаси. Қадимда олгин деб ҳам юритилган.

Мовут – ўнг томони силлик қилиб, жун толалардан ёки уларга бошқа толалар аралаштириб тўқиладиган жун ёки ярим жун газлама, мато, сукно. Майин ва дағал хиллари бўлади. Майин мовут майин ва ярим дағал толалардан, дағал мовут эса дағал толалардан тайёрланади. Мовут тайёрлаш учун толалар махсус машиналарда бевосита кигизга ўхшатиб босилади ёки олдин тўқув тастгохида хом газлама холида тўқиб олиб уни машина валлари орасида зичланади. Хонгазлама тўқиш учун тўқувчилик усулларини асосийлари – гарнитура, саржо ва сатин ўринлари қўлланилади. Масалан, асосан шинеллар, пальтоллар тикиш учун ишлатилади.

Мода (*p. фр. Mode*) – маълум билар даврда кишиларнинг дидига, хоҳишига кўра урф бўлган ва кенг тарқалган кийим-кечакларнинг матоси, тикилиш формаси, шакли, фасони, кийилиш усули ва шу кабилар.

Мукки – оёқ кийими, эчки, хўкиз терисидан тайёрланади.

Мукки бов – муккининг боғи, 10 метр ҳажмда бўлади. Оқ кўйнинг жунидан, эчки тивитидан тўқилади.

Мулла ёқа кўйлак – 1) ёқаси горизонтал шаклда икки елка

устидан очик қилиб четига ингичка жияклар тутилган сурп, олачадан тикилган кўйлак; 2) «Кифтаки» нусха кўйлак бўлиб, «муллача кўйлак», «муллача ёқа», «муллача» номлари билан ҳам юригилади.

Мундир – ҳарбий ёки формали устки кийим.

Мунчоқ – қимматбаҳо ва ранг-баранг тош, шиша ва бошқа нарсалардан турли (думалоқ узунчоқ ва бошқа) шаклда тайёрланадиган доначалар. Доначаларни ипга чизиб ясаладиган ҳамда бўйича тақиладиган (маржон)лар ҳам «мунчоқ» деб аталади. Ўзбекистонда аёллар ва болаларнинг безак буюми бўлган кўзмунчоқ тури бўйин ва қўлга тақилади. Кийим (кўйлак, шимга, дўппи ва бошқа)га тикилади. Мунчоқ қадимдан кўпгина халқлар орасида кенг тарқалган. Тош (неолит) ва суякдан, жез даврида металлдан ишланган. Қадимий Мисрда шишада ихтиро қилиниши билан шиша мунчоқлар кенг тарқалди. Ўрта асрларда Италия, Россия, Ўрта Осиё ва бошқа жойларда ҳам шиша мунчоқ пайдо бўлган.

Мурсак-мурасса (*араб – зийнатланган, безатилган*). Аёлларнинг енги калта, авра-астарли, енгил, қадимий устки кийим. Бичиғи тўғри бичимли, тўн ёқали, олди чуқурроқ ўйилган. Этак барлари бир-бирига кирган, икки ён томонидан майда бўрмаларга йиғилган. Мурсак четлари чияклар билан ҳошияланган. Мурсак бахмал, парча, кимхоб, адрас, шойи (астари шойи, ип) матолардан тайёрланган. Мурсакнинг ичига юпка пахта солиб қавилган. (қишки) ҳамда яланг қаватли (авра-астардан иборат ёзги) турлари бор. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, ҳатто, қизларнинг сепига киритилган. Кўйлакнинг устидан кийилган, белига белбоғ боғланган XIX асргача аёллар учун устки кийим ва ёпинчиқ вазифасини бажарган. Кейинчалик тўй ва азаларда фойдаланилган. Ҳозирда (Тошкентда) аёлларнинг тобути устига ёпиладиган ёпинчиқ сифатида ишлатилади.

Мурсак ёқа кўйлак – худди тўн ёқаси сингари олди очик, ёқа ўрнига турли тутқи, ингичка шерози жияклар тутилган ёқали кўйлак.

Мўйна – мўйнали ҳайвонлар териси, саболь, сувсар, оқ сичқон, сассик кўзам, тийин, тулки, товушқон, норка, бобр, кундуз, онда-тра, нутрия, суғур, юмронкозиқ, крот ва б. мўйнаси қадрланади.

Мўйнадўзлик – мўйнадан ёки мўйна қоплаб кийим-кечак тиқиш касби. Тўқимачилик пайдо бўлмаган даврларда юзага келган.

Н

Найча – 1) чакка (соч) га тақиладиган аёллар тақинчоғи; босма усулида гуллар билан безатилган юпқа металл япроқча ўрами (най шакли)дан иборат, ўрта қисмига феруза кўзли йирик думалоқ мунчок ўрнатилган. Найчанинг икки чети феруза кўзлар қатори билан хошияланган атрофи ва ўртасидан шокилалар маржон япроқча, баъзан тангалар осилган найчадан чаккадаги соч толаларини қистириб кўшиш учун фойдаланилган; 2) заргарликда сочпопукка тақиладиган кумушдан ясалган найсимон бўлак; найча юзаси босма ислимий нақшлар билан безатилган юқори қисми куббали, кубба атрофи эмаль ёки феруза кўзлар билан ўралган, қўйи қисми кенгайиб бориб, 4 та бўлак (паррак)га ажралади. Найча орасидан урилган (эшилган) қора иплар (соч) тутами ўтказилади; 3) чакка ва бошга тақиладиган тақинчокларнинг пат, уқпар ўрнатиш учун қилинган қисмлари ҳам найча дейилади.

Намозшоматлас – ипак газлама (атлас)нинг бир тури.

Нақш (*араб тасвир, гул*) – қисмлар (таксим)лари муайян тартибда бир маромла такрорланишидан ҳосил бўладиган хандасий шакллар, ўсимлик, қуш, ҳайвон ва бошқаларни услублаштирилган тасвирларидан таркиб топган безак (гул).

Нағал – тагчарм, пошна.

Нимсўзана (*Бухорода такаяпўш ҳам дейилади*) – сидирға ма-тога, читга, сатинга, карбосга, шойига гул тикиб тайёрланган кичик сўзана.

Нимча – хотин-қизларнинг енгсиз ва ёқасиз калта аёллар устки кийими; кўйлак устидан кийилади. Бичими турлича-олди очик (учбурчак шаклда чуқур ўйилган) тугмачали, авра-астарли баъзан

икки ёнида чўнтаклар қилинган. Авраси бахмал, парча, кимхиб, шойи ва бошқа матолардан, астари ип матолардан тайёрланади, духобадан ёқали ёки ёқасиз химо баъзан орасига юпка пахта солиб қавилади. Кашта тикиб безатилган (зардўзи найча, ироқи найча, йўрмадўзи ва бошқа) турлари ҳозирда ҳам кенг тарқалган. Найча қизларнинг сепига кирган.

Нимшоҳи-нимшойи (*форс. ним-ярим*) – ярми ип ва ярми ипак (тенг нисбатдаги) иплардан тўқилган мато тури (адрас, беқасам, олача ва б.).

Нозигардон (*форс. бўйин безаги*) – бўйин безаги-заргарлик буюми. Аёлларнинг бўйинга тақадиган тақинчоғи нозигардон марказий турунж унинг икки ёнидан 2 тадан 4 та мурабба шакли 1 тадан учбурчак шаклли япроқчаларнинг ўзаро 5 – 6 қаторли занжирлар билан бир маромда маълум ораликда бирикишидан ҳосил бўлади. Япроқчаларнинг ён томонларига балиқ ва бошқа шакли шокилалар осилади. Турунж ва япроқчалар бир томонлама сиркори усулида ишланиб, ўсимликсимон нақшлар билан безатилади, баъзан кўзлар қадалади. Марказий турунжга бир-бирига қараб тўрт қаноатларини ёзаётган икки қуш шакли ўрнатилади. Самарқандлик усталар ясаган нозигардон енгил кўринишга эга; турунж ва япроқчалар панжарали (тўрсимон) усулда ясалиб, зиғирак баъзан феруза кўзлар билан зийнатланган.

Нотўқима – йигириш ва тўкувчилик усулларини қўлламаган холда олинадиган мато тури.

Нусха – андоза, ўхшаш, намуна, адад, дона, қолип.

Нуқра (*форс-тожик.*) – кумуш.

Нўғай дўппи – қора ёки кўк сидирға патсиз духобадан тикилувчи яссироқ, цилиндрсимон формадаги дўппи, тахя, қалпоқ.

Нўғай ёқа кўйлак – ёқаси рум ёки кертмак ёқа сингари тикилган кўйлак.

О

Олача Ушбу матони ишлаб чиқариш бутун Ўрта Осиёда кенг

тарқалган бўлиб, у XVII асрда Москва шаҳрига олиб борилган маҳсулотлар орасида «пестрядь» номи билан қайд қилинган¹. Олача – йўл-йўл мато бўлиб, йўллари қизил, қирмизи, зангори ва тўқ яшил ранглар билан туширилган. Олача матолар асосан ўтроқ турмуш тарзида яшаган аҳоли томонидан тўқиб, бўялган. Ўз навбатида, ярим ўтроқ турмуш тарзида ҳаёт кечирувчи чорвадор аҳоли эса улардан бу матоларни сотиб олган. Айниқса, воҳанинг Шаҳрисабз туманида тўқилган олачалар ёзлик, қишлик кийимга мўлжалланганлиги ҳамда юпқалиги ва рангининг очлиги билан ажралиб турган². Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари воҳанинг олача ишлаб чиқаришга ихтисослашган асосий марказлари ҳисобланган³. Қаршида ишлаб чиқарилган олий сифатли олачалар савдогарлар томонидан Бойсун, Ҳисор, Ғузор, Сарийосиё бозорларига олиб бориб сотилган.

Ойбалдоқ – исирға тури; ой шаклида безаксиз қўлда (дастаки) ясалади ёки қуйма бўлади. Заргарлар олтин, кумуш, мисдан турли шаклда кўзсиз қилиб тайёрлайди. Баъзан ой ўроғи усти (ўртаси) га металл шарча ҳам ишланади; ой олтин ёки мисдан бўлганда, шарча кумушдан, ой кумушдан бўлганда шарча тилла билан ҳалланган. Андижонда зулукзира деб аталади.

Олача – ингича йўлли мато; одатда пахта ипидан (арқоқ ва танда ипи), баъзан ип ва ипак (арқоғи ип, тандаси ипак)дан қўлда тўкилади. Йўл-йўл бўлгани учун шундай аталади. Танда ипи бўялгани учун икки томони ҳам бир хил бўлади. Қадимдан Ўрта Осиёда кўплаб ишлаб чиқарилган олачадан асосан тўн ва бошқалар тайёрланади.

Олчин – узунлик ўлчов бирлиги: аршин ва газ қийматлари (65 – 112 см) га тенг.

Осмагузи, Осмадўзи – қанот осма – зийнат буюми. Хоразм

¹ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – С. 46.

² Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани. 2000 йил.

³ Шаҳрисабз минг йиллар мероси... – Б. 56.

аёлларининг бошга тақадиган тақинчоғи. Тиллақошдан Хоразм заргарлигига хос безаклари-панажарали қанотларининг айлана нақш гуллар билан тўлдириб безатилганлиги, узун шокилаларининг кўплиги, айниқса, қанотлар келиб туташадиган марказий шаклнинг ўзига хослиги ҳамда уқпар, пар ўрнатиладиган пайчаси борлиги билан фарқ қилади. Осматузи чакка тақинчоғи-яримтирноқ билан бирга ансамбил ҳосил қилади.

Отрез – русча сўз бўлиб, кийим тиктириш учун мўлжалланган бир бўлак мато, бир кийимлик газлама.

Оғ – ўзбекча бичиқли лозимнинг икки почасининг оралиғига ромбик шаклида солинадиган қисм, бўлак.

II

Паранжи Темурийлар даврида Марказий Осиёда ва сўнгра бобурийлар замонида Ҳиндистонда алломалар, давлат амалдорлари, уламолар паранжи русумидаги либос кийганлар. Бинобарин, «паранжи» сўзи ҳам эркаклар, ҳам аёллар кийими маъноси-ни англатган¹.

Шайбонийлар сулоласи даврига келиб, паранжи-чопон илм аҳли – олимлар киядиган кийим вазифасини бажарган. Кейинчалик мазкур кийим аёлларнинг ташқарига чиққанда киядиган махсус устки либосига айланган

Попук – кийимларга безак учун тикиладиган бир боғлам тола, пат, ип, ғажим, шокила ва бошқалар.

Пўстин Эркакларнинг анъанавий мавсумий устки кийимларидан бири. Пўстинлар кўй, тулки, сувсар ва бошқа хил ҳайвонларнинг терисидан тикилган. Аксарият пўстинларнинг ички тарафи ҳайвонларнинг мўйнасидан, устки қисми эса очилиб ишланган ва бўялган теридан иборат бўлган². Иссиқ кунларда пўстиннинг мўйнали қисмини устига чиқариб, совуқ кунларда эса мўйнали қисмини ичкарига қилиб кийишган. Умуман, пўстинни икки

¹ Лобачева Н.П. Почему мусульманки носили паранджу // Наука и религия. – 1970. – № 12. С.

² Исmoilов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари... – Б. 21.

томонлама кийиб юриш кулай бўлган. Пўстинлар қайси ҳайвон терисидан тайёрланганлигига қараб «*барра пўстин*», «*сувсар пўстин*», «*кигиз пўстин*» деб номланган. Пўстин кийиш, асосан, тоғ кишлоқларида яшовчи чорвадорлар орасида кенг расм бўлган. Чўпонлар уни совукдан сақлайдиган ҳимоя воситаси сифатида чопон ва чакмоннинг устидан кийишган.

Пўстиндўз пўстин тикадиган уста, мўйнадўз.

Пайпоқ – тўпмқ, болдир ёки сонгача беркитадиган асосан, тўқиб тайёрланадиган оёқ кийими. Пайпоқнинг жун пайпоқ, капрон пайпоқ ва ипак пайпоқ каби турлари бор.

Пайтава – оёқни қизитувчи, иситувчи, қўнжли пойабзал кийганда оёққа ўраладиган мато.

Пальто (*р. фр. paletot*) – кўйлак ёки костюм устидан кийиладиган авра-астарли, пахтали ёки пахтасиз тикилган уст кийим; энгисиз халатсимон кийим.

Панбархит (*р.*) – духобага ўхшаш тукли, юпка шойи мато.

Панбархит кўйлак – панбархит матодан тикилган кўйлак.

Панжа – билагузук тури; ранг-баранг (одатда кўзли ва бошқа) мунчоқлар ёки маржонлар орасига кумуш ва зарқалланган япроқ, унга ва бошқа шакллар териб тайёрланади. Ранг жиҳатдан таъсирчан ва маржонга ўхшаган турли шаклдаги безакли тақинчоқ яратилади. Панжанинг аёллар ва болалар билакларига тақади. Қадимги ва ўрта асрларда ёмон кўздан асраши мақсадида тош ва сополдан қўл (панжа) шаклидаги осилчоқлар қилинган 2 – 3 ёшдан қизлар металлдан ясалган билакузуклар тақишган.

Папах (*р. турк. papag*) – мўйнаси сиртга, ўнгга қаратиб астарланиб тикилган чўзинчоқ телпак.

Паранжи (*араб. фаранжи – кенг кўйлак*) – узун энгил кенг кўйлак маъносини англатади. Дастлаб Мисрда пайдо бўлган ва кейинчалик у Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларига тарқанган. XVI асрда Ўрта Осиёда йирик олимлар, Ҳиндистонда эса, Бобур ҳукмронлиги даврида дин арбоблари фаражияни елкага ташлаб юришган. Албатта, бундай фаражия аёллар ёпинчиғидан

фарқланган ва асосан улуғворлик, салобатлилик белгиси бўлган. Паранжи – аёл кишини бошидан оёғигача яширадиган кенг қилиб тикиладиган ёпинчиқ. Аёл юзини чачвон тўсиб туради. Паранжида кенг ва узун енг – бандак бўлган, лекин паранжи бошига ташлаб юрилганидан паранжининг енгларидан фойдаланилмаган, фақат паранжигача чашиб қўйилиб, безак вазифасини ўтаган. Паранжининг иккинчи – мустақил қисми от ёлидан тайёрландиган чачвон эди. Авра-астарли қилиб тикилади. Авраси бахмал кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан тикилиб, четлари кашта тикиб, каштали жияклар тутиб, безатилади, астари читдан сатиндан тайёрланади ҳамда четларига зангори пушти ёки сидирға шойидан адип қилинади. Паранжининг икки ёни (чўнтак ўрни)га тик тушган (25 см узунликда) 2 та жияк туташтириб частилади. Чияклар учидан попуқчалар чиқарилган, баъзан қўнғироқчалар осилган. Олд томони, енги, этаги «йўрмадўзи» усулида безатилган. Паранжи ёпиниш ислом шариятига мос келган.

XX асрдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида, айниқса 30-йиллардан бошланган «Хужум» ҳаракати туфайли паранжи деярли урфдан қолган. Асосан бахмал, банорас, парипаша, духоба, шойи ва кимхоб матолардан тикилади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси томонидан икки марта – 1947 ва 1963 йилларда паранжи кийиш диний асосга эга эмаслиги тўғрисида махсус фатво ҳам чиқарилган.

Парпаша, парипаша (*форс*) – нафис йўлли нимшойи мато; кўкимтир кулранг тусга эга. Айнан олганда «Палишанинг пари», яъни қаноти деган маънони англатади. Танда иплари оқ ипакдан арқоғи тўқ кўк рангли ипдан қўл дастгоҳида тўқилган. Тўқиш жараёнида танда иплари орасида махсус қолдирилган жойларига ҳосил бўладиган тешикчалар орқали арқоқ ипини кўринишини ингичка йўллар ҳосил қилади. Парпаша Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Наманган ва бошқа шойи тўқиш марказларида ишлаб чиқилган. Бухоролик усталар ип ва ипак ипларини тенг миқдорда ишлатганлар. Ипак кўп ишлатилган парпаша қиммат бўлиб, ниҳоятда қадрланган. Парпашадан асосан, паранжи ти-

килган, шунингдек, эркаклар учун тўн ҳам тайёрланган.

Парча – зар ип билан аралаштириб тўкилган қалин ипак мато. Кимхобнинг бир тури.

Пахмоқ – бир томони тукли майин ва қалин ип газлама (Бу-мазея)

Пешавоз (*форс. олд осилчоқ*) – аёллар тақинчоғи. Аёллар қўйлагининг каштали жияклар тутиб безатилган олд ўйиғига тақилади. Шакли: тилла ҳал берилган кумуш куббача ва унга осилган шокилалардан тузилган. Қуббача босма ёки кандакори усулида япроқлар, гул, ғунча каби ўсимликсимон нақшлар билан безатилган, баъзан гуллар орасига феруза кўзлар қадалган куббачанинг пастки четлари феруза кўзлар қатори билан ҳошияланган. Пешавознинг қуйи қисмига кўплаб узун занжирли шокилалар осилган; маржонли шокилалар орасида мўъжаз тозалик асбоблари-тирноқ, қулоқ, тиш тозалагичлар, сурмадон, кўзга сурма сурадиган чўп, атирдон, мўйчинак ва бошқа буюмлар ҳам бор. Ҳар бир осилган буюм босма услида нақшлар, феруза гуллар, маржон мунчоқлар ва зиғираклар билан зийнатланган. Пешавознинг бирмунча содда тури нақшланган тўғноғич ёки узук (ҳалқа)дан иборат бўлиб, зарурий ашёлар унга осилган (пешавоз чарабзал деб аталган). Пешавоз безагида эмал кам ишлатилган. XIX аср охирида урфдан қолган. Республика музейларида пешавоз намуналари сақланади. XX аср охиридан бошлаб заргарлар пешавознинг шакл ва унсурларини қўллаб, замонавий тақинчоқлар яратмоқда.

Пешанабанд, пешанабоғ, пешонабанд – 1) аёллар бошига пешонасига боғлайдиган, танғиб ўраладиган кичик рўмол, дурра, дуррача. Пешонани, пешонадаги сочларни беркитиб туради. Пешанабанд устидан катта (оқ дока, ойим дока ёки шол) рўмол ўралади. Баъзан кекса аёллар катта оқ рўмол ўраб, унинг устидан пешанабанд ўрайдиган; 2) рўмол устидан пешонага боғлайдиган боғич. Зардўзи ва бошқа усулларда кашта тикиб безатилади. XIX аср охирида тайёрланган нафис безакли пешанабанд намуналари республика музейларида сақланади.

Пешкурта – зехи курта – кийим безаги, турли нақшлар тикиб

тайёрланадиган жияк; кўйлак ёқа ва ўйиқларни хошиялаб тикилади. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз кийими учун хос.

Аёлларнинг кўйлагининг олдига ишлатиладиган хошия, «ироқи» чокли кашта билан безатилган нақшни ич гуллари геометрик характерга эга.

Пиджак – қайтарма ёқали олди, очик тугмаланадиган авра-а-старли, калта эркаклар камзули, костюми.

Пийма – буғу терисидан қилинган қишки этик. Жундан босиб тайёрланган узун, қўнжли иссиқ қишлик оёқ кийими.

Пилта (*араб.* – *пилик*) – 1) дўппидўзликда ишлатилади; 2) пилик; 3) хом пишитилган ип.

Пилтадўзи – пилта уриб безак ҳосил қилиш усули. Шу усулда беаб тайёрланган буюм ҳам пилтадўзи деб аталади. Самарқанд, Бойсун кашта тўзигичи (айниқса, дўппидўзликка) хос.

Пиёзи (*ф.т.*) – майин юқори навли жундан юпка қилиб тўқилган мато.

Пижама (*р.инг. ф.-т. пойжоста*) – касалхона ва уйда кийиш учун мўлжалланган шим ва калта халатдан иборат, юмшоқ матодан тикилган кийим.

Плаш(ч) (*р. плащ*) – сув ўтказмайдиган матодан тикилган ёмғирда кийиладиган уст кийим.

Пойабзал – оёқ кийими.

Полотно (*р.*) – арқоғи ўриши билан маташтириб тўқилган юмшоқ, силлиқ газлама, мато.

Попиш – қадимда ҳозирги калиш ўрнида фойдаланишган. Попишнинг мавсумий турлари бўлган (қишки, баҳорги, кузги). Попиш илгарилари қора молнинг терисидан тайёрланган.

Поплин (*р.фр. – ropeline*) – арқоғи йўғонроқ, ўриши ингичкароқ ип ёки ипакдан тўқилган мато, газлама.

Попок – қалпоқ тури.

Поча (*ф.т. ўзбекча*) – 1) лозимнинг тиззадан пастки қисмлари; 2) лозимнинг пастки зеҳига, четига, тутиладиган жияк.

Почапўстин (*ф.т.*) – тулки оёғи мўйнасидан духоба, мовут авраларга сириб тикилган сирма пўстин.

Пошна – оёқ кафти, товон, пошна. Оёқ кийимининг товонига тагчармдан баландроқ қилиб қоқилган қаттиқ чарм.

Пояндоз (*форс. – оёқ ва солмоқ*) – алоҳида хурмат белгиси сифати меҳнат оёғи тўшаладиган газмол гилам ёки кўрпача қадимдан пояндоз обрўли меҳмонлар кутиб олинганда келин туширилганда ишлатилган. Ҳозир идора ва ташкилотларда йўлак-дахлизларга ҳам гилам солинади.

Пояс – русча тасма, камар, белбоғ

Пўстин (*ф.т.*) – пўстин, шўба. Мўйнали ошланган теридан чопон шаклида тикилган узун, иссиқ, қишлик кийим.

Пўта (*а.*) – туя жунидан тўқилган энсиз узун матодан қилинган, белга бир неча марта айлантириб ўраладиган белбоғ.

Пўшак – кийим, либос, кўйлак.

Р

Репс – инглизча сўз бўлиб, пишиқ қалин жун ип ёки ипак газлама (уст кийим ва пойабзал тикиш учун ишлатилади).

Рўмол – Аёллар рўмоллари қандай матодан тайёрланганлигига қараб дудоқ рўмол, ип рўмол, шол рўмол ёки жун рўмол, тўр рўмол, ипак рўмол, доқа рўмол, мисқали доқа рўмол, ғижим рўмол, қалаяки рўмол, қурдорли рўмол (доқадай юпка рўмол), беш гули рўмол, балхи рўмол ва гарди рўмоллардан иборат бўлган. Аёллар бу рўмолларни ёшларига қараб, мавсумий бош кийим сифатида ўрашган.

Рўмоллар дастлаб маҳаллий дастгоҳларда тўқилган матолардан, кейинчалик эса фабрика матоларидан тайёрланган. XX аср бошларидан эътиборан, минтақага Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган “фаранги рўмол” номли ипак рўмол кириб кела бошлаган ва тез орада минтақадаги аёллар орасида оммавий расм бўлган. Қизлар ва келинлар ўрта ҳажмдаги рўмолларни ўрашган¹.

¹ Бу рўмоллар Бухорода «ридо», Дарбоза тожикларида «саба» номлари билан аталган. Қаранг: Абдуллаев Т.С., Ҳасанова С.А. Одежда узбеков... – С. 9; Широкова

Бундай рўмоллар бошнинг пешона қисмига боғланган ва *барс*, *дурра*, *нозбандақ*, *чаккабандақ*, *дуррача* номлари билан аталган. Ёш қизлар, келинчаклар оқ ва ёрқин рангли рўмолларни ўрашган бўлса, кекса ёшдаги аёллар оқ, ним ранг, кичик ҳажмли рўмолларни катта рўмоллар остидан ўраб юришган.

Ўзбеклар орасида рўмоллар бош кийим вазифасини бажаришдан ташқари белбоғ, ҳамён, сумкача, сафарда юрилганда дастурхон, жойнамоз, сочиқ ва соябон сифатида ҳам фойдаланилган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб аёллар орасида дўппи кийиш оммавий расм бўлган бўлса-да, 70-80-йилларга келиб, дўппилар бирмунча русумдан чикиб кетган ва рўмол ўраб юриш анъанавийлашган. Рўмол ҳозирги кунда ҳам хотин-қизлар либосининг асосий таркибий қисмини ташкил этади. Халқ қарашларига кўра, аёлларнинг яланғош юриши одобсизлик белгиси ҳисобланади.

Реглан – инглиз генерали Реглан номидан олинган. Енги елкаси билан бир бутунликда бичилган пальто ёки кўйлак андозаси. Дастлаб XIX аср ўрталарида реглан модага кирган ва шундай андоза(бичим)даги устки кийим.

Ридо (*а.ридоъ*) – **эск.** 1) шаёхлар елкасига ёпиб ёки ташлаб оладиган турли оятлар ёзилган чойшабсимон мато; 2) дарвишларнинг устки кийими.

Рупоҳ – ипак газламанинг бир тури.

Рўдапо – бичими келишмаган, беўхшов, бесўнақай кийим ёки ёпинчиқ.

Рўйижо – никоҳ маросимида келин-куёв тўшагининг устига ёпиладиган буюм. Косибий читга, оқ сатинга «йўрмадўзи» услубида тикилади.

Рўмол – аёллар бош кийим; бошга ўраладиган тўртбурчак шаклдаги мато. Косибий дока ва шойига ипакдан кашта тикилган «Дуруя» ва «босма» чокли, жун, ип, ипак, сунъий толалардан тўқиб, матолар тикиб тайёрланади. Дока рўмол, шол рўмол, ғи-

3.А. Традиционные женские головные уборы таджиков (юг и север Таджикистана). – М., 1989. – С. 183.

жим рўмол, тивит рўмол, амалий безак санъатида мурабба шаклдаги матога ип, ипакда кашта тикиб ҳам тайёрланади. Ўрта Осиё халқлари орасида, шунингдек, катта рўмол ичидан ўраладиган пешонабанд тури ҳам мавжуд.

С

Салла Эркакларнинг миллий кийимлари сирасига кирувчи анъанавий бош кийимларидан биридир. Салла фақатгина Ўрта Осиё халқларига хос маҳаллий бош кийим ҳисобланмайди. У бутун Шарқда Мисрдан Ҳиндистонга қадар бўлган мамлакатларда ва айниқса, мусулмон мамлакатларида қадимдан маълум бўлган¹. Страбоннинг ёзишича, мидияликлар салла ўраганлар ва қадимги эронликлар улардан саллани ўзлаштирганлар. Византия манбаларидаги айрим маълумотларга кўра, салла ўраш удуми Эрон сосонийлари орасида ҳам тарқалган. Саллани қадимги Фаластинда ҳам кийишган. Археологик топилмаларда арман подшоси Гагик (XI аср боши) салла ўраган ҳолатда тасвирланган². Демак, биз бундан салла фақат мусулмонларнинггина бош кийими бўлмаган деган хулосага кела оламиз. Ўрта Осиё халқлари қачондан бошлаб салла ўраганликлари маълум эмас. Лекин шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, илмий адабиётларда ёзилишича, саллага ўхшаш бош кийимлар минтақамизда илк бор кушонлар даври ёдгорликларида учрайди³. 1221 йили Ўрта Осиёга келган хитой монахи Чань-Чунь Самарқандда оддий халқ бошига оқ мато ўраб юриши ва салла ўзига хос ҳурмат ва иззат-эҳтиром рамзи бўлганлигини таъкидлайди⁴.

¹ Қаранг: Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма Самарқанда... – С. 76; Лобачева Н.П. О некоторых чертах региональной общности в традиционном костюме народов Средней Азии и Казахстана // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989. – С. 30.

² Марр Н.Я. О работах и раскопках в Ани. – СПб., 1907. – С. 21-22, 27-28.

³ Лобачева Н.П. О некоторых чертах региональной общности в традиционном костюме народов Средней Азии и Казахстана... – С. 30.

⁴ Горелик М.В. Среднеазиатский мужской костюм на миниатюрах XV – XIX вв. // Костюм народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 67.

XIX аср охири XX асрда воҳадаги ўзбеклар, тожиклар, араблар, туркманлар, лўлилар салла ўраганлар. Салла, айниқса, шаҳар аҳолиси орасида кенг тарқалган. XX аср бошларида салла ўрашнинг ўзига хос меъёрлари ва саллаларнинг турли хил шакллари мавжуд бўлган. Ўзбекистоннинг айрим қишлоқларида матонинг узун тикилмаган бир бўлаги кўринишидаги салла дўппи ёки қулоҳ устидан айлантириб ўралган ва унинг бир учи, яъни пеши чап томондан кўкракка тушириб қўйилган¹. Салланинг рангги эса бевосита кишининг ёшига қараб танланган. Кекса ёшдаги кишилар, ислом дини уламолари асосан оқ рангли салла ўрашган, ёш йигитлар ва куёвлар салласи қизил, тўқ қизил рангли матолардан қилинган. Халқимизда салла ўраш мусулмонликнинг шартларидан бири ҳисобланган, суннат қилинган ёш болаларга хатна тўйида салла боғлашган. Бу унинг мусулмон бўлганлиги ёки намоз ўқий олиши мумкинлигини, умуман олганда, унинг «қўли ҳалол бўлганини» аңлатган. Саллани бир учи чап елкадан тушириб қўйилишида ҳам рамзий маъно мавжуд бўлиб, намоз вақтида ўн-гга бурилиши учун салланинг учи чап томонга туширилган. Салла доимо озода сақланган, унга амалдорлар, мударрис, талабалар фармон ёки мактубларни қистириб қўйишган. Қолаверса, мусулмон киши узоқ сафарда, йўлда вафот этса, салла сўнгги охират кийими, яъни кафан вазифасини бажарганлиги боис саллаларнинг узунлиги 8 метрдан кам бўлмаган². Саллаларнинг матоси ва шакли кишиларнинг иқтисодий аҳволи ҳамда хўжалик ишлари билан машғуллик даражасига ҳам боғлиқ бўлган. Агар вафот этган кишининг ўлимлик сарпосида салла мавжуд бўлса, бу унинг намозхон ва тақводорлигидан дарак беради³.

XX асрнинг биринчи чорагида воҳадаги қатор этник гуруҳларда бўлгани сингари Қашқадарё арабларида ҳам бош кийим сифатида салла ўраш расм бўлган. Салла ипак, пахта ва жун ма-

¹ Илмий адабиётларда қайд этилишича, салла ўрашнинг юздан ортик усуллари мавжуд. Қаранг: Горелик М.В. Среднеазиатский мужской костюм на миниатюрах XV – XIX вв. – С. 64-66.

² Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма Самарқанда... – С. 82.

³ Дала ёзувлари. Яккабоғ тумани, Хўжайлғор қишлоғи. 2004 йил.

толаридан турли рангларда тайёрланган. Дикқатга молик томони шундаки, Жейнов арабларида ёш эраклар одатда қизил салла, ўрта ёшлилар кўкиш рангда ва кексалар эса оқ рангдаги саллаларни ўраганлар¹.

Салла бош Аёллар бош кийимлари тизимида «бош» ёки «салла», «саллабош» алоҳида ажралиб турган. Ўрганилаётган даврда у, айниқса, ярим ўтроқ аҳоли орасида кенг тарқалган. Саллабошни одатда болали, ўрта ва кекса ёшли аёллар ўрашган. Бошга ярим дўппи шаклидаги кичик қалпоқ кийилиб, унинг устидан 3-4 метрли салла ўралган. Қашқадарёнинг Сурхондарёда ҳам шу ном билан аталган. Деҳқонобод туманида яшовчи қўнғиротларда саллабошни «такашоҳ» ҳам дейилган. Такашоҳ 10 та рўмолдан иборат бўлиб, унинг 5 таси кичик, 5 таси катта рўмол бўлган². Ўралган рўмоллар сони кўплигидан унинг баландлиги 50 см гача бориши ва тузилиши худди таканинг шоҳига ўхшаш бўлганлиги учун бу кийим “такашоҳ” деб номланган. Умуман олганда, бош кийимнинг ушбу қисми “бош” деб аталиб, унинг устидан бешта, ўнта, ўн бешта, ўн тўққизта, баъзи ўзига тўқ оилалар тўй маросимларида йигирма-ўттизтагача турли ранглардаги рўмолларни рангларига алоҳида кўриниш берган ҳолда ўрашган ва ўровнинг ушбу қисми *салла* деб аталган³. Воҳадаги турли этник гуруҳларда бу бош ўрови турлича номлар билан аталган. Косон тумани қорлуқларида шоҳ-бош ёки бош дейилган⁴. Этнограф Ҳ. Исмоилов “қашқадарёлик аёллар тўй ва ҳайит байрамларида турли хил рангдаги ва ҳажмдаги ўнлаб матолардан ўраган бош кийимини «чамбар шоҳ бош» деб номлаганлар”, – деб ёзади⁵. Шунингдек,

¹ Дала ёзувлари. Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. 2001 йил.

² Дала ёзувлари. Деҳқонобод тумани, Хўжамқулов маҳалласи. 2005 йил.

³ Ушбу бош кийими ҳақида қаранг: Борозна Н.Л. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана... – С. 114-115; Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари... – Б. 34; Доғистонда қўнғирот аёлларининг саллабошисига ўхшаш рўмоллардан иборат бош кийими мавжуд. Қаранг: Одежда народов СССР. – М., 1990. – С. 182.

⁴ Шаниязов К. Узбеки-қарлуки... – С. 119.

⁵ Исмаилов Х. Головные уборы узбечек конца XIX – начала XX века... – С. 53.

саллабош кўнғирот ва дўрмонларда ҳам мавжуд бўлган. Дўрмонларда саллабошнинг пешона қисмини кўрсатмасдан киприкка қадар туширилган ҳолатда¹, кўнғиротларда эса пешонадан юқори-роққа ўралган². Саллабошнинг устидан маҳаллий аҳоли шеvasида “*дакана*” деб аталувчи рўмол ўралган. Одатда, аёллар юрган вақтда рўмоллари сирғалиб тушмаслиги учун саллага рўмол тўғнағич қадашган ва саллабошдаги рўмоллар қатига игна, гугурт, калит, рўмолча, пул, ип ва бошқа зарур нарсалар солинган.

Косон қорлуқлари шохбошни умрининг охиригача ёки эри ўлгунгача ўраганлар. Одатда, эри ўлган аёл «вой шохим – вой шохим», – деб айтиб йиғлаган. Биз бунда шохбошни боғлаш рамзий маъно касб этганлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, аёлларнинг салласига ўхшаш бош кийимларнинг генезиси тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўрта Осиё халқларининг бош кийимлари бўйича махсус тадқиқотлар олиб борган этнограф тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай турдаги бош кийимлар дастлаб туркий халқлар орасида пайдо бўлган³. Дарҳақиқат, салласифат бош кийимлар туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, XX асрда улар турли-туман ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра кундалик ҳаётдан чиқиб кетган ёки айрим жойларда трансформацияга учраган ҳолда кекса момолар орасидагина сақланиб қолган.

Синсила Мазкур тақинчоқнинг номи аслида «силсила» бўлиб, «занжирча» деган маънони англатади⁴. Ушбу атаманинг ўзи мазкур тақинчоқнинг тузилиши ва унинг асосий қисмлари тўғрисида муайян маълумотларни беради. “Силсила” атамасининг этимологияси билан боғлиқ иккинчи қараш бўйича бу сўз шажара, авлод маъноларини билдирган бўлиб, бунда ушбу тақинчоқ эгаси бўлган аёлнинг уруғ, шажара давомчиси эканлигига рамзий ишора

¹ Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана... – С. 114.

² Симонова В.И. Головной убор узбечки-кунгратки – «салля и бош» // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М.-Л., 1959. С. 249-250.

³ Симонова В.И. Головной убор узбечки-кунгратки «салля» и «баш»... – С. 249; Исмаилов Х. Головные уборы узбечек конца XIX – начала XX века... – С. 54.

⁴ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... – С. 108.

қилинган¹.

Синсила тақинчоқларнинг қайси гуруҳига кириши бора-сида ҳам ҳозиргача яхлит умумий қараш мавжуд эмас. Айрим тадқиқотчилар уни пешона тақинчоқларидан бири деб ҳисобласалар², бошқа муаллифлар фикрига кўра, синсила бош ва бўйин тақинчоғидир³. Қашқадарёда синсила кўпинча пешонага айлан-тириб тақилган. У яна аёлларнинг «саллабош», «шоҳбош» ва «пешонабанд» каби бош ўровларининг пешона қисмига каштали жияклар устидан ҳам тақилган. Косон қорлуқлари эса силсилани шохбош ёки қасавага тақишган⁴. Қашқадарё арабларида никоҳ тўйи маросимида келин тушириб келинганидан сўнг махсус бухнак кийдирилган ва бухнак⁵ устидан синсила тақилган⁶. Бош ва пешона тақинчоғи бўлган синсила байрам либослари билан бирга тақиладиган кийим тақинчоқлари сирасига мансуб бўлиб, Жейнов ва Қамаша арабларида ҳозиргача сақланган. Синсиланинг тўлиқ йиғмаси тўрт қисмдан, **яъни** хатабак, синсила, гуйша ва чекка-дуадан иборат бўлган. Хатабак пешонага ўралган ва духобадан тайёрланиб, қуйи қисми яшил, юкориси эса тўқ қизил рангда бўлган. Унга саккизта танга нусха шакллар ва кўплаб қумуш доирачалар тақилган. Синсила эса уч-тўртта метал шакллар-

¹ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... – С. 108.

² Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кофирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1968. – С. 114; Ўша муаллиф. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана... – С. 35.

³ Чவர்ь Л.А. Таджикиские ювелирные украшения... – С. 19, 26.

⁴ Шаниязов К. Узбеки-карлуки... – С. 124.

⁵ Арабларда «бухнак» келиннинг маросимий бош кийими ҳисобланган ва ўзбекларнинг кулотасига ўхшаш бош кийим бўлган. Қаранг: Исмаилов Х. Традиционная одежда арабов Кашкадарьинской области // Костюм народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 235.

⁶ Синсила Жанубий Тожикистон арабларида ҳам тақилган бўлиб, никоҳ тўйи учун олиниши керак бўлган буюмлар сирасига кирган. Мазкур минтақага у Афғонистондан олиб келинган бўлиб, унинг бешойнак, саройна ҳам каби қўшимча қисмлари бўлган. Бу тўғрисида қаранг: Мадаминжанова З. Арабы Южного Таджикистана... – С. 60.

ни бир-бирига занжир қилиб улаш орқали ясалган¹.

Сирға Аёлларнинг анъанавий тақинчоқларидан яна бир тури кулоққа тақиладиган сирғалардир. Сирғалар турли ёшдаги аёлларнинг нафақат байрамона, балки, кундалик тақинчоқларидан бири ҳам ҳисобланган ва уни минтақадаги шаҳарлар аҳолиси билан бирга қишлоқларда ҳам доимий тақилган. Маҳаллий аҳоли кулоққа тақиладиган тақинчоқларни «сирға», «исирға», «халқа», «балдоқ», «зирак» каби номлар билан атаган². Сирғалар ўзининг ҳудудий белгиларига кўра Бухорода «шибирма», Тошкентда «зирак» деб юритилган бўлса, Самарқандда ўртасига катта ёқут кўзли тош ўрнатилиб, атрофи гулбанд дурлар билан безатилган сирға «баргак» деб аталган³. Фарғона водийсида сирғанинг тилла ва кумушдан ясалган ярим ой шаклидаги «балдоқ» ҳамда «қашқарбалдоқ»⁴ деб аталувчи турлари кенг тарқалган. Ўз навбатида, сирғалар локал хусусиятларига кўра тошкентча, самарқандча, бухороча, шахрисабзча, фарғонача каби турларга бўлинган. Бундан ташқари, сирғалар осилчоқларининг сонига қараб уч оёқли, беш оёқли, ўн оёқли, ўн бир оёқли сирға деб номланган. Ўн, ўн бир оёқли сирғаларни ўзига тўқ аёллар таққан бўлиб, улар кулоқларига зарар етказмасликлари учун сирғани кулоқ устидан махсус иплар билан бошга кистириб юришган. Аёллар сирғалари ичида бир-бирига туташиб кетувчи нақшлар билан безатилган сирғалар кенг тарқалган бўлиб, аҳоли орасида якка сирға – «халқдан яккадур», ойнали сирға – «халқдан ойнадур» деб юритилган. Санъатшунос олима А.Д. Фахретдинованинг таъкидлашича, воҳада кенг тарқалган уй исирға ярим кўчманчи ҳаёт кечирган ва асосан, ўтовларда яшаган аҳолининг анъанавий уйлари – ўтов, қора уй ва унинг керагалари кўринишига монанд ҳолда рамзий шаклда

¹ Дала ёзувлари. Баҳористон тумани, Жейнов қишлоғи. 2004 йил.

² Тожикларда балдоқ, калқа, ўзбекларда сирға, зирак деб аталган. Қаранг: Чவர்ь Л.А. Таджикиские ювелирные украшения... – С. 23.

³ Абдуллаев Т.А., Қасанова С.А. Одежда узбеков... – С. 11.

⁴ «Қашқарбалдоқ»ни XVIII асрда Фарғона водийсига кўчиб келган қашқарлик уйи гурлар олиб келганлар. Қаранг: Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... – С. 119-120.

ясалган¹. Умуман олганда, зиракларнинг вариантлари хилма-хил ва ранг-баранг бўлса-да, уларни айрим ўзига хос ўхшаш томонларига кўра икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: ҳалқасимон ва гажаксимон зираклар.

Тақинчоқлар худди кийимлар сингари узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, уларнинг ўзига хослиги миллий хусусиятлар, бир халқнинг бошқа этнос ёки этник гуруҳлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари, сиёсий тузумнинг миллий маданиятга таъсири ва бошқаларда намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг этник тарихидаги миллий анъаналари, ижтимоий муносабат ва мафқуранинг айрим хусусиятлари тақинчоқларнинг нафислигида ҳам ўз аксини топади².

Тақинчоқларнинг нақш ва безагида у ёки бу этноснинг асрлар давомида ардоқланиб келинган миллий анъаналар, ижодий маҳорати ва бадий диди ҳам ёрқин намоён бўлади. Аънанавий тақинчоқлар мажмуи ҳам худди кийимлар сингари маълум бир этнос ҳамда этнографик ва локал гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам тақинчоқларни тадқиқ қилиш нафақат халқ кийимлари эволюциясини ёритишда, балки халқнинг тарихи, этногенези, яъни шаклланиш тарихини ўрганиш ва тарихий нуқтаи назардан тўғри хулоса чиқаришда муҳим ва бебаҳо манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, тақинчоқларга бағишланган тадқиқотлар этник ва маданий алоқаларни таҳлил этишда ҳам кўмак беради³.

Археолог олимларнинг таъкидлашларича, хунармандчилик

¹ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... – С. 122.

² Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма Средней Азии // Костюм народов Средней Азии... – С. 5-13.

³ Борозна Н.Г. Особенности комплексов ювелирных украшений населения некоторых районов Узбекистана / Итоги полевых работ Института этнографии 1971 года. – М., 1972. – С. 74; Ўша муаллиф. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана // СЭ. – 1974. – № 1. – С. 32; Широных Е.С. Ювелирные украшения Узбекистана и Таджикистана конца XIX – начала XX вв. – М., 1992; Йўлдошева Г. Нурота аёлларининг аънанавий тақинчоқлари (XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1995. – № 3. – Б. 82.

тарихида даставвал аёллар тақинчоқлари пайдо бўлган эса-да, кейинчалик бу безакларни эркаклар ҳам тақиши урф бўлган¹. Аста-секин ҳайвонларга, уйларга ёки бирор буюмга ҳам тақинчоқ тақиш одатга айланган. Безаклардан фойдаланишга талаб кучая бошлагач, уларнинг турлари алоҳида мазмун-моҳият касб этган. Яъни тақинчоқлар ҳар хил турларга бўлиниб, инсу жинслардан асровчи, касалликлардан халос этувчи, турли ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи, жамиятда кишининг кимлигини, унинг мавқеини белгиловчи восита вазифасини бажара бошлаган. Бундай тақинчоқлар пешона, бўйин, қулоқ, бурун, қўл ва оёқ панжаларига тақилиб, улар кўзли ё кўзсиз бўлган ҳамда хат ва нақшлар билан безатилган.

Шунингдек, тақинчоқларда турли ёш доирасидаги дифференциацияни, яъни, болалик, қизлик, келинлик ва ундан кейинги давр билан боғлиқ фарқни ҳам англаган. Оналар ва кекса момолар тақинчоқлари ҳам ўзаро фарқланган. Қолаверса, тақинчоқлар мулкдор табақа вакиллари ҳамда шаҳар ва қишлоқнинг оддий фуқароларига тегишли тақинчоқларга ҳам бўлинган². Умуман олганда, тақинчоқларда халқимизнинг минг йиллар мобайнида тўпланган бой ижодий анъаналари, маънавий мероси ҳамда бадиий-эстетик тафаккури ўз ифодасини топган.

Тақинчоқларнинг юқорида санаб ўтилган белгилари ва ўзаро фарқли жиҳатлари ичида турли тарихий-этнографик минтақаларга хос локал-ҳудудий хусусиятлари ва рамзий функцияларининг ажралиб туриши муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, маълум бир тарихий-этнографик минтақалар ва ҳатто, биргина Қашқадарё воҳаси доирасида ҳам тақинчоқларнинг иккита тарихий-маданий типга бўлинишини кўриш мумкин. Қолаверса, аёлларнинг анъанавий тақинчоқлари хилма-хил бўлиб, улар этник ва локал жиҳатдан шакли, кўриниши ва қайси маъдандан тайёрланганлиги билан ҳам фарқланиб туради. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш за-

¹ Аҳроров И. Тақинчоқлар таърифи // Саодат. – 1997. – № 3. – Б. 27.

² XX асрнинг биринчи ярмигача қассоблар, сартарошлар, ғассоллар мазкур касб эгаси эканлигини англаувчи махсус узукларни ҳам таққанлар. Қаранг: Борозна Н.Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии... – С. 33.

рурки, аёллар тақинчоқлари ҳам турли тарихий даврларда ижтимоий-сиёсий муҳит, табиий шароитлар таъсирида ўзгариб, янги бўлақлар ва шакллар билан бойиб борган. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик лозимки, кўп ҳолларда тақинчоқлар авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб келиши натижасида ўзининг энг қадимий, анъанавий шаклини сақлаб қолган.

Анъанавий тақинчоқлар тақилишига қараб 4 та асосий гуруҳга бўлинади:

1. Бошга ва бурунга тақиладиган тақинчоқлар;
2. Кўкрак, бўйин, кифтга тақиладиган безак буюмлари ва тақинчоқлар;
3. Тананинг бел қисмига ўраладиган ва тақиладиган тақинчоқлар;
4. Қўл тақинчоқлари¹.

Ушбу тақинчоқлар ва безак буюмлари аёлларнинг ёши, кийимининг ранги, мато тури ва тикилиш усулига қараб тақилган. Уларнинг кўплари ҳозирда ҳам тақилса, айримлари янги турдаги тақинчоқларнинг кириб келиши натижасида истеъмолдан чиқиб кетган. Ҳар бир аёл ўз дидига мос тақинчоқлар комплексига эга бўлган ва ўз ўрнида тақиб, доимий сақлаб юрган.

Саллачопон намозга ва умуман кишилар киядиган устки кийим туркуми. Ҳозир ҳам баъзи шаҳар ва қишлоқларда кийилади.

Сағри сағри теридан қилинган пойабзал.

Сочбоғ ёши улғайган аёллар сочига осиб юрадиган безакдор тангаси бўлган, одатда қора шойидан қилинган боғич.

Савоткори, саводкори – амалий санъатда (қандакорлик, заргарликда) безак яратиш усули. Безатилаётган буюм сиртига ўйма нақшлар ишланади.

Салла (*араб.*) – мусулмон эркаклар бошига дўппи устидан айлантириб ўраб оладиган, 8 – 15 газлик дока (мисколи дока). Салла

¹ Тақинчоқларнинг бундай таснифи қатор илмий адабиётларда ҳам баён қилинган. Қаранг: Борозна Н.Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана // СЭ. – 1974. – № 1. – С. 33; Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Т.: Изд. лит-ры и искусства, 1988. – С. 79.

фақатгина Марказий Осиё халқларига хос маҳаллий бош кийими ҳисобланмайди. У бутун Шарқда – Мисрдан Ҳиндистонга қадар бўлган мамлакатларда, айниқса мусулмон мамлакатларида қадимдан маълум бўлган.

Санама белбоғ – фаранг шойидан атрофига ироқ усулида шахмат тартибида оралатиб гул тикилган чорбурчак белбоғ, қийиқ, қийиқча.

Сарандоз тўр – тўй ёпипчиғи; тўйда, саломда келиннинг бошига ёпиладиган тўр; нафис оқ матодан тикилади. Зарафшон водийси шаҳар ва қишлоқларда кенг тарқалган. Дастлаб безаксиз бўлган, кейинчалик сарандоз гир айлантириб хошия нақшли кашталар тикиб, четига уқалар тутиб безатила бошлаган: нақш мужассамоти ёрқин рангли гуллар уйғунлашган сершоҳ новдалардан иборат, гулларида каштадўзликдаги анъанавий (чойшаб, сўзана) буюмлар безагининг таъсири сезилади.

XX аср ўрталаридан Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва бошқа минтақаларда атрофлича пишиқ матодан тикиб каштаси қўлда ҳамда машинада тикиб ингичка ва кенг жияклар билан безатилган сарандоз кенг тарқалган.

Сарандоз – аёлларнинг бошига ёпиладиган рўмоли. Атрофи кашталанган.

Сарафан (*р. форс.*) – хотин-қизларнинг енгсиз уст кўйлаги. Бу кийим қадимдан рус аёллари ва эркаклари уст кийими бўлиб, XVIII асрдан бошлаб фақат аёлларники ҳисобланади. Сарафан узун, енгсиз бўлиб, кўйлак ёки кофта устидан кийилади. Ҳозирда Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган.

Саржа – шойи, ипак мато.

Саржиға – бош кийимига тақиладиган жиға.

Сари – маълум мато қисмларидан иборат миллий ҳинд кийими. Бу кийим узунлиги 5-9 ва кенглиги 1 мга тенг бўлган матодан иборат бўлиб, бир қисми бел ва оёққа ўралиб, қолгани елка ва бошга ташланади.

Сарпинка – катак гулли, катак-катак (клетчатая) ип газлама мато.

Сарпо, сарупо (*ф.т. сар-бош, пой-оёқ*) – бирор воқеа ва маросим туфайли бошдан оёққача кийиладиган, ҳадя этилган янги кийим-кечаклар, мажмуи.

Сарсўзан (*форс бош ва игна*) – заргарлик буюми; аёлларнинг бош кийимига тақиладиган тўғноғич. Бошга ёпиладиган рўмол ёпинчикни аёлнинг бош кийими (икки чаккага) сарсўзан ёрдамида мустаҳкамланган. Сарсўзан турли шокилдаги асоси ва шокила қисмдан тузилган. Қадимда суякдан ясалган, кейинчалик бронза тўғноғичлар билан алмашинган. XIX асрга келиб, сарсўзан шабаса усулида шарча (феруза кўзлар қадалгани «анор» сарсўзан) ҳамда қушча шаклида ишланган ёки шокилалари қушча билан ақунланган. Баъзи жойларда санчок деб ҳам аталган.

Сатин – пахта ипи ёки кимёвий толадан тўқиладиган газлама худди атласга ўхшаб тўқилади. Лекин атласнинг ўнгига танда иплари кўпроқ чиқиб туради, яъни сатиннинг ўнгида арқоқ иплари кўпроқ бўлади. Ҳар метр сатиннинг оғирлиги 90 – 150 г сатин аёл ва эркаклар кўйлаги астарлик ва бошқа учун ишлатилади.

Свитер (*р. инг. sweater-терламоқ, тер йиғувчи*) – жун ипдан тўқилган, томоқни қоплаб турадиган тугмасиз иссиқ кийим.

Селон – сидирға рангли астарбоп шойи.

Сербурма – бурмаси кўп, кўп бурмали

Сийнабанд – форсча кўкракпеч, ошхўрак, бюсгальтер, лифчик. Аёлларнинг ички кийими, лифчик.

Силсила (*араб. занжир*) – аёллар такинчоғи. Юзни ўраб турадиган пешона, чакка ва ияк қисмлардан иборат заргарлик буюми. Пешона қисми қуйи қисмига япроқча (шарча)ли калта занжирлар осилган 2 – 3 қаторли майда ҳалланган кумуш турунжларнинг тўр ҳосил қилиб ўзаро бириккан занжирларидан тузилган. Чакка қисми узун занжирларга бириктирилган япроқча (ёки учбурчак тумор)лардан ияк қисми ҳам бир неча шундай қаторлардан тузилган. Силсиланинг чакка қисми ияк ости шокилалари билан бирга бош кийимга тақилган.

Симдўзи – зардўзликда тикиш усули. Бадиий буюмларнинг кашта гуллари оёқ ёки зарсалланган кумуш ипда қоплаб тикила-

ди.

Симоби салла – симоб рангидаги, кумушсимон оқ ялтирок матодан тайёрланган салла.

Сирма пўстин – усти бирор мато билан қопланган ёки бирор мато сирилган пўстин.

Сирма тўн – пахтаси астар ва миён астар орасига олиб қавилган тўн, устидан авра сирилган тўн.

Ситора (*форс. юлдуз*) – заргарлик буюми диаметри 2,5 – 5 см бўлган айлана шаклдаги кумуш шиша тўғноғич ҳамда аёллар кўкрак беаги-тумор. Босма услуда куёш юлдуз, 4 япрокли гул ва бошқалар билан безатилган. Аёллар кўйлаги олд ўйиғига (эни кенг қора жиякка 2 – 4 – 6 ва ундан ортиб қаторли қилиб) бўйиндан этаккача узунликда тақилган ёки кўйлакнинг белигача тикиб мустаҳкамланган, қолган қисми эркин осилиб турган. Эркаклар чопонининг олди, энг учун, этак ва қўлтиқ остига (кам ҳолларда орқа елка қисмига) ситора қатори тикилган ситора кийимга тикилганда ҳамда атрофи нақшли кашта билан ҳошия ўраб безатилганда, у янада ҳажмдор кўринади. Ситора ҳимояловчи тумор сифатида қадимдан маълум бўлган. Террокота ҳайкаллари, маъбуда ва жангчилар кийимларида, Варахша деворий расмларда учрайди. Бухоро амири Саид Музаффар Баҳодирхон кийимлари қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Скафандр – французча сўздан олинган бўлиб, сув остига тушишда, шунингдек, стратосфера ва космосга учишда кийиладиган, нафас олиш учун кислород билан таъмин этиб турувчи аппарати бўлган махсус герметик кийим.

Совут – танани найза, ўқ зарбидан сақлаш учун кийиладиган пўлат кийим, лашкарлар кийими.

Сочпопук-чочпопук – аёлларнинг соч тақинчоғи. Учлари попукчалар билан тугалланадиган 2 – 4 (баъзан 15 – 20 ва ундан ортиқ) қалин қора ип, ипак ва жундан эшилган тутамлардан иборат. Тутамларга турли шаклдаги (куббали қилинар, конус) найчалар қадалади; қадамалар сочпопукда ёй каби жойлашади, қадамалар остидан попукчалар чиқарилади. Баъзан қадамалар орасида ту-

мор, безакли тангалар ҳам осилган. Сочпопукнинг соч ўримиغا қўшиб ўриладиган, майда ўрилган соч ўримларига тикиб қўйиладиган хиллари кенг тарқалган. Шунингдек, XX асрнинг охирида қизчалар учун дўппига тикиб қўйиладиган тури ҳам юзага келди.

Субин моро – араб аёлларининг биринчи фарзандлари туғилганда киядиган махсус қўйлаги. (Қашқадарё воҳаси арабларида шундай аталади).

Сувсар пўстин – сувсар терисидан тайёрланган пўстин. Бу пўстинни асосан тоғ ва тоғ олди қишлоқларида яшовчи чорвадорлар кийишган.

Сурп – сидирға ип газлама, полотно.

Сурп белбоғ – сурп матодан атрофига оддий усулда сув ва қошлар солиб тикилган чорбурчак шаклдаги белбоғ, қийиқ, қийиқча.

Сурра – ола-була йўллари кенг, маҳаллий нимшойи пишиқ мато.

Сюртук – 1) XVII асрда эркакларнинг тўғри бичимли, икки ёни қирқилган, узунлиги тиззагача бўлган ов кийими ҳисобланган. 2) XIX асрдан эркаклар уст кийими ҳисобланади. Сюртук икки ёқали ёки бир ёқали бўлиб, узун тор енгил ва икки ёни бўксагача қирқилган бўлади. Ҳозирда эркаклар ва аёлларнинг ҳам уст кийими ҳисобланиб, асосан жинси матосидан кўпроқ тайёрланади.

Сўлакча – гўдаклар (1 – 3 ёш) кийими сўлакдан ифлосланмасин учун доимий олдига тутиладиган фартукча.

Сўси – йўл-йўл гулли юпқа олачага ўхшаш мато; арқоқ билан танда иплар ораси очикроқ қилиб олачадан юпқа ва сийрак тўкилади. Охорланган сўсининг очик жойлари ёйилиб кетгунига қадар кудунгланиб (тўқмоқ билан ўриб) ишлов берилган. Сўсидан асосан аёллар ва болалар учун қўйлак, яктак, чопон ва бошқа кийимлар тайёрланган. Сўси XX асрнинг 40-йилларигача (асосан Ургутда) ишлаб чиқарилган.

Т

Тахя – Хоразм воҳасининг жанубий туманларидаги қизлар турмушга чиққунларига қадар дўппи-тахя кийиб юришган ёки бошқача талаффуз қилганда “тахё” деб номланган бош кийим кийишган. Тахя ўзига хос шаклга эга бўлиб, кенг ва катта, ясси текис телпак, юқорига мустаҳкам тикилган, кейин эса қоғоз қўйилган. Оқиш, қизил-қора иплардан тўқиладиган тасма билан ўралган. Тасма ипларининг охирида попук ҳосил қилинади.

Архив маълумотларига кўра, “Тахя” сўзи қирғизларда учи учлик қалпоқ ёки сартлар бош кийими ҳисобланган. Тахянинг қадимги намуналарида попук орқага жойлашган. Тахяни оқ ёки кўк яшил рўмол билан кийишган. Хоразмда қиз бола то унаштирилгунга қадар тахя кийган. У “қазма тахя” деб аталган. Бу тахя ҳам юқоридагиларга ўхшаган бўлиб, бархит матодан қилинган ва тахяни келинга куёв томон совға тариқасида юборишган. Тўй кунлари бу тахя “чумакли тахя”га алмаштирилган. Чумаки тахя баланд бўлган. Бу тахя қиясига бичилиб, ичи оппоқ ва юмшоқ пахта билан тўлдирилган. Астари пахтадан бўлган мато без(бўз) дан тикилган. Бу бош кийим келинлик бош кийими ҳисобланиб, уни кўпроқ кумуш тақинчоқлар билан тақишган. Тахя тагрўмол ёки тейрўмол(хоразмча) билан бостирилган. Рўмолнинг бир учи орқага 30 см. пастга туширилган, бошқа бир учи эса тахяни ўраб турган ва у игна билан тахяга илиб қўйилган. Хоразмда тахянинг уч тури бўлиб, улар: папакли, қазма ва чумакли тахяларга бўлинган¹. Папакли тахянинг ўзи ҳам уч хил: бир папакли (асосан қиз болалар кийган), икки ва уч папакли(кўпинча, бу турдаги тахяларни аёллар кийишган)тахяларга бўлинган. Бу тахялар асосан япон бахмал, помбарх, олтин қазма, кумуш тос каби матолардан тайёрланган ва четларига жияк қўйилиб, попук чиқарилган.

Тиллақош анъанавий пешона тақинчоқлари ичида «тил-лақош» ўзига хослиги билан ажралиб турган. Ярим доирани эсла-тадиган бу тақинчоқнинг асоси кумуш парчасидан кесиб олинган

¹ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти. 2012 йил.

ва ўсган қош шаклида ёки қанотини ёйган кушга ўхшатиб ясалган. Юқори қисми эса мураккаб панжарали шакл билан тугайди. Ўзбекистон ҳудудида тиллақошнинг уч хил – бухороча, хивача ва тошкентча турлари маълум. Самарқандда тиллақош «қошитилло», «тиллақош», Бухорода «болоабру» (тожикча «қош устида» демақдир)¹, Фарғона водийсида «тиллақош»², Нуротада «тиллабаргак» ёки «тахтачабаргак»³ номлари билан аталган. Қашқадарё воҳасида мазкур тақинчоқ «тиллақош» деб юритилган. Мазкур тақинчоқни асосан турмушга чиққан келинлар тақишган. Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларидаги ўзига тўқ оилалар ўз қизларининг сеплари учун савдогарлардан тиллақош сотиб олишган ва тўй куни ёки тўйдан сўнг ўтказиладиган «келин салом», «юз очар» маросимларида келинликнинг ўзига хос кўрки сифатида уни совға қилишган. Самарқанд ва Бухорода ҳам тиллақош асосан келинларнинг тўй тантаналарида тақадиган пешона тақинчоғи ҳисобланган⁴. Бу эса ушбу тақинчоқ асосан шаҳар аҳолиси ҳамда асосий машғулоти ўтrock деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик бўлган аҳоли орасида кенг тарқалганлигини кўрсатади. Олиб борган дала тадқиқотларимиз ва айрим илмий адабиётларда биз тиллақошнинг даштиқипчоқ ўзбекларида ҳам мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни учратдик⁵. Бизнингча, бу кейинги даврлардаги ўзаро этномаданий алоқалар натижасида маҳаллий аҳолидан ўзлаштирилган анъана бўлса керак.

Энди эса бевосита ушбу тақинчоқнинг «тиллақош» деб номланиши масаласига тўхталиб ўтсак. Ҳалигача мазкур тақинчоқ номини билдирувчи сўзнинг этимологияси борасида яқдил қараш

¹ Қаранг: Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма... – С. 98; Алмеева Д.Е. Бухоро заргарлик санъати // Бухоро маданий мероси тарихидан. – Бухоро, 1995. – Б. 75-76.

² Абдуллаев Т.А., Ҳасанова С.А. Одежда узбеков (XIX – начало XX вв.). – Т.: Фан, 1978. – С. 11.

³ Йўлдошева Г. Нурота аёлларининг анъанавий тақинчоқлари... – Б. 82.

⁴ Қаранг: Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма... – С. 100.

⁵ Дала ёзувлари. Деҳқонобод тумани; Борозна Н.Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана... – С. 35.

мавжуд эмас. Айрим муаллифларнинг ёзишича, ушбу тақинчоқнинг “тиллақош” деб аталишига сабаб, мазкур тақинчоқнинг қош шаклидаги пастки қисми илгари тилладан ясалган бўлиб, устки қисмига учбурчак шаклидаги турли хил тошлар ўрнатилганлигидир¹. Бошқа тадқиқотчилар, жумладан, санъатшунос олима Д.А. Фахретдинованинг фикрича, тиллақошнинг бундай шаклда яса-лишига инсон қоши эмас, балки қушнинг ёйилган қаноти асос бўлган. Чунки қош бундай бурилиш шаклига эга эмас экан. Бундан ташқари, “қош” сўзи талаффузига кўра “қуш” сўзи билан ўзаро уйқаш ҳам ҳисобланади. Қолаверса, анъанавий кашталардаги тиллақошга ўхшаш шакл ҳам “қуш қаноти” дейилади². Биз бу бо-рада иккинчи муаллифнинг фикрларини маъқуллаган ҳолда шуни таъкидлаймизки, энг қадимги даврларда Ўрта Осиёнинг азалий автохтон аҳолиси орасида товус, тустовуқ ва хўроз каби паррандалар муқаддас қушлар сифатида эъзозланган³. Улар серпуштлик ғояси билан алоқадор бўлиб, қуёш туркумига хос паррандалар ҳисобланган. Шу боис, олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқларда ушбу қушлар тасвири ёки пати қўлланилган. Жумладан, Ўрта Осиёда яшаган ўтроқ аҳолининг қадимий пешона тақинчоқларидан бири сифатида XX асрнинг бошларига қадар кенг оммалашиб келган “моҳитилло” ёки Бухоро амирлиги ҳудудида кенг тарқалган “бибишик” ва “саргузон” каби пешона тақинчоқларига ҳам қуш боши шаклида безак берилган⁴. Бундан ташқари, Бухорода «қуш дуо», «қуш кокили», Хоразмда «бутун тирноқ», «ярим тирноқ» ва «хўкиз шохи» номлари билан аталувчи тақинчоқлар ҳам бўлган⁵. Айнан қуш шаклидаги тақинчоқларни тайёрлашга Қўқон

¹ Ёўлдошева Г. Нурота аёлларининг анъанавий тақинчоқлари... – Б. 82.

² Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... – С. 97.

³ Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. – Т.: Фан, 1966. – Б. 20, 33; Григорьев Г. Тус тупи // Искусство. – 1937. – № 1. – С. 21-22; Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах-украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. – С. 283.

⁴ Азизова Н.К. Ювелирные изделия Узбекистана. – Т., 1968. – С. 7-8.

⁵ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... – С. 116-117.

заргарлари жуда моҳир бўлишган¹. Г. Григорьевнинг фикрича, чаккага тақиладиган гажакнинг ясашига ҳам куш тасвири асос бўлган². Умуман олганда, куш тасвири ва уларнинг рамзлари акс этган тақинчоқлар кўпинча ўтроқ дехқончилик билан шуғулланган аҳоли орасида келинларнинг пешона ва чаккага тақиладиган тақинчоқларига хос анъанавий безак вазифасини бажарган. Демак, тиллақош жуда қадимий маҳаллий тақинчоқлардан бири бўлиб, қадимги одамларнинг атрофдаги оламдан илҳомланиши натижасида яратилган. Унинг илк шаклига кушнинг ёйилган қаноти асос бўлган ва мазкур тақинчоқнинг эволюцияси жараёнида унинг келиб чиқиши билан боғлиқ дастлабки тасаввурлар унутилиб, тиллақошни инсон қоши билан қиёслаш асносида юзага келган қарашларгина халқ орасида сақланиб қолган.

Тиллақошга назар ташлар эканмиз, унинг энг пастки қисми осилчоқ (шилдиरोқ) билан безатилганини кўришимиз мумкин. Этнограф олима О.А. Сухареванинг ёзишича, дастлабки пайтларда тиллақошда шилдироқ мавжуд бўлмаган ва у шундоққина қошнинг устига тақилган. Кейинчалик эса унинг таркибига турли хил тошларнинг уланиши натижасида у пешонага тақиладиган тақинчоққа айланган³. Таъкидлаш жоизки, ўзбекларда азалдан заргарлик буюмларини яшашда қимматбаҳо ва яримқимматбаҳо тошлардан самарали фойдаланилган. Шунингдек, бундай тошлар табобатда ҳам қўлланилган бўлиб, халқимизда тошларнинг шифобахшлик хусусиятига эгаллиги тўғрисида ўзига хос эътиқодий ишончлар мавжуд бўлган⁴. Умуман олганда, бундай эътиқодий қараш нафақат Ўрта Осиё халқларида, балки, қадимги Шарқ мам-

¹ Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах-украшениях населения... – С. 283.

² Григорьев Г. Тус тупи... – С. 21-24.

³ Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма Средней Азии... – С. 100; Йўлдошева Г. Нурота аёлларининг анъанавий тақинчоқлари... – Б. 82.

⁴ Қимматбаҳо тошларнинг табобатда қўлланилиши борасида ўрта асрларда яшган Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби энциклопедист олимлар қатор эътиборга молик фикр-мулоҳазалар билдирганлар. Қаранг: Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. – Т., 1954. – С. 37, 152-153; Абу Райҳон Беруний. Минерология. – М.: Изд-во Академии Наук СССР, 1963. – 518 с.

лакатларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу кўпинча қимматбоҳо тошларнинг магик қуч-қудратига инонч даражасигача кўтарилган.

Тиллақош XX асрнинг биринчи чорагигача аёллар тақинчоқлари мажмуида муҳим ўринни эгаллаган бўлса, XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб янги турдаги тақинчоқларнинг кириб келиши ва турли-туман ўзгаришлар натижасида кундалик ҳаётдан чиқиб кетган ва унинг ўрнини ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва маданий талабларига мос келувчи янги тақинчоқлар эгаллаган. Тиллақош ва унинг ривожланиш боскичлари тўғрисидаги фикрларимизни яқунлаш асносида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, баъзи муаллифлар мавжуд фактларни тўғри талқин этмасликлари натижасида ушбу тақинчоқ тарихини бирмунча кейинги давр билан боғлаб таҳлил этадилар. Жумладан, этнограф олима Н.Г. Борознанинг «тиллақош XIX аср охири – XX аср бошларида турмуш тарзига кириб келган»¹, деган фикри, бизнингча, ҳақиқатдан йироқдир. Чунки, тиллақошнинг узоқ эволюцион йўлни босиб ўтганлигини ва қадимий тарихга эга эканлигини юқоридаги фикрлар ҳам тасдиқлайди. Шу ўринда, қадимги рус маданияти тарихи бўйича мутахассис Б.А. Рыбаковнинг «тож ва маржонлардаги тасвирларни оддий эстетик безак сифатида эмас, балки қадимги тасаввурлар билан боғланадиган яширин ёзув деб баҳолаш керак»², – деган фикрини келтириб ўтиш жоиздир.

Туникасимон кийимлар “туникасимон” бичимдаги кийимлар бўлиб, Ўрта Осиё халқларининг олди очиқ ва ёпиқ бўлган чоксиз тўғри бичимда тикилган анъанавий уски кийимларини рус тилидаги илмий адабиётларда, гарчи юнонлардаги «туника»³ русумли кийим билан ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаса-да «туникасимон

¹ Борозна Н.Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана... – С. 35.

² Рыбаков Б.А. Прикладное искусство Киевской Руси IX – XI веков и южнорусских княжеств XII – XIII веков // История русского искусства. – М., 1953. Т. 1. – С. 269.

³ Қадимги юнонларда тикилмаган мато бўлақларини тана бўйлаб айлантриб елга ташлаб олинадиган кийим «туника» дейилган.

кийимлар» («туникообразная одежда») деб юритилган¹.

Аёлларнинг анъанавий кийимлари тайёрланадиган матоларнинг турлари хилма-хил бўлиб, турли этнослар кийимларининг ўзига хослиги минтақанинг табиий-иқлимий шароити, анъанавий турмуш тарзи, хўжалик-маданий типлари ва қабила-уруғчилик анъаналари билан бевосита боғлиқ бўлган. Бундан ташқари, қўшни халқлар билан олиб борилган маданий-иқтисодий алоқалар ҳам кийимларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

Тавқ (араб-қушлар бўйнидаги халқа) – заргарлик буюми; аёлларнинг бўйнига тақиладиган тақинчоқ. Тиллабаргак билан ансамбл ҳосил қилади. Тавқ босма усули 4 япроқли гул ва хандасий нақшлар билан безатилган ҳамда лаъл, шиши ва бошқа кўзлар қадаш учун уячалар ҳосил қилинган тўртбурчак шаклдаги япроқчалар ва уларнинг ўртаси (маркази)да жойлашган шокилалар билан безатилган юлдузсимон ёки гул шаклидаги турунждан иборат. Орқа томонидан юзасига нафис ўсимликсимон нақшлар туширилган. Тавқнинг ўзаро бириктирилган япроқчаларнинг атрофи дурлар қатори билан ҳошияланган. Қадимдан XX аср бошигача Самарқанд усталари яратган қуйма тавқда қушнинг бўртма шакли аниқ яратилгани кузатилади. Уларга турли шаклдаги шокилалар (юлдуз, ҳилол билан юлдуз шакли, баъзан танга) осилган. Даврлар ўтиши билан шакли бутунлай ўзгариб кетган. Баъзан уни ҳафабанд деб ҳам атайдилар.

Тагдўзи (ф.т.) – (таги, ости тикилган), оқ сидирға сурпга дўппи гуллари рангли ипак билан таги оқ ипакда тўрлаб тикиладиган чоллар дўпписи.

Тангажевак – заргарлик буюми; аёллар бўйниларига тақадиган тақинчоқ. Тангалардан тузилган ёки тангалар билан турли мунчоқ ва туморлардан таркиб топган жевак тури XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган.

Танда – газламадаги бўйлама иплар тўқиш учун тайёрланган

¹ Сухарева О.А. Опыт анализа покроев традиционной «туникообразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции... – С. 79.

танда ипи махсус катта ғалтак (навой)га ўралган бўлади. Навой тўқув станогининг оркасига ўрнатилади. Танда пахта ипак, зиғир, жун толалари сунъий толалар, баъзан бир неча хил толалар аралашмаси, масалан, жун ва пахта толаларидан тайёрланади.

Тасма – чармдан 2 – 3 см энликда қирқиб тайёрланган учи темир тўқа ва илмоқли белга боғланадиган ингичка камар.

Тақятузи, тақядўзи (*араб. тақя – дўппи*) – заргарлик буюми. Хоразмлик аёлларнинг бош кийимига мустаҳкамланадиган тақинчоқ. Тақятузи, асосан айлана, шунингдек, мурабба, 6, 8 қиррали шаклда пластинадан тузилган, пластина атрофи гир айланасига металл, маржон ва қимматбаҳо тош мунчоқ ва япроқчалар билан яқунланадиган узун металл занжирли шокилалар билан ўралган. Тақядўзи юзаси босма, кандакори ва шабака усулида нақшлар билан айримлари атрофи феруза кўзлар билан ҳошияланган йирик ва майда қимматбаҳо тошлар қадаб безатилади, марказида пар, ўрнатиладиган найчаси ҳам бўлади. Тақядўзи пластинаси атрофи 2 қатор феруза кўзлар ёки зиғираклар билан ҳошияланади. Тақядўзи бош кийимини бутунлай қоплаб беркитиб туради. Қизларнинг сепига кирган тақядўзи Хоразм усталарининг юксак маҳоратини намойиш этади.

Текстиль (*лот. textili – газлама, текс*) – толалар ва иплардан тайёрланадиган маҳсулот, газламалар, трикотаж нотўқима материаллар, гилам, кигиз-намат маҳсулотлари, момик пахта тўқимачилик-атторлик буюмлари, ғалтак иплар, арконлар ва бошқалар. Баъзилари тўқувчилик ва трикотаж машиналарида тўқиш, баъзилари босма, баъзилари йиғириш ва пешитиш йўли билан тайёрланади.

Телпак – эркаларнинг иссиқ (мўйнали) бош кийими; юмалок тепа ва мўйнали жияқдан тузилган. Тери чарм улчи ёрдамида бичилади. Тепа қисми калта тукли мўйна (асосан қоракўл)дан, жияги қулдуз мўйнасидан тикилади; астарига, узун тукли қўй ёки тулки мўйна ишлатилади. Тошкент – Фарғона минтақасида тепа қисми 4 бўлак қилиб бичилади, улар ўзаро улаб тикилганда қобирғалар ҳосил қилади. Баъзи телпакларда тепа қисмига бахмал,

шимига узун тукли (тулки, сувсар) мўйна ишлатилади. Баъзилари мато (мовутдан) тикилиб, қайтармасига қўй мўйнасидан фойдаланади; баъзан фақат ичига-мўйна қопланиб, мўйнали жияксиз телпак тайёрланади. Хоразмда чўгирма, баъзи жойларда қадими бош кийими сифатида бўрх деб ҳам аталади.

Телогрейка – русча, тана, бадан иситмоқ, қизитмоқ. Олди тугмаланадган калта қавима пахталик; уст кийим.

Телпак – тепаси юмалоқ, доира шаклли, текис мўйна жиякли иссиқ бош кийими. Унинг турларига қулоқчин, папах, тумоқ ва бошқалар киради.

Тепгиш – шимни сиртига чиқармай майда бахяли чок тикиш.

Тивит – қўй, эчки, туя, қуён ва мўйнали ҳайвонларнинг ингичка ва майин жуни. Аксарият жун қатламининг терига яқин қисмида ҳосил бўлади. Тивит толаси ингичкалиги 15 – 30 микрок. Тивит ҳайвонлар жунини қирқиш (йилига 1 – 2 марта) тарам ёки жуллаш пайтида сидириш йўли билан олинади. қўй тивитидан энг яхши жун мато тўкилади. Эчки тивитидан асосан рўмол, туя ва қуён тивитидан эса гилам, трикотаж буюмлар тайёрланади.

Тикувчилик – касб тури; кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва б. буюмларни тикиш.

Тиллақош – заргарлик буюми; аёлларнинг бош кийими устидан пешонага тақиладиган тақинчоғи. Тилла ёки тилла суви югуртирилган кумуш ва бошқа металллардан ясалади. Тиллақош асосини қайрилма ҳам шаклидаги бир-бири билан туташадиган 2 бўлак ҳосил қилади, бўлақлар туташган жойга бир дона лаъл қадалади, бўлақлар юзаси нақшлар билан безатилиб, юқори чети феруза кўзлар билан ҳошияланади; қайрилма қош шаклининг юқорисига панжарали нақшлар ишланади ва тиллақош учбурчак шаклидаги тош кўринишига эга бўлади панжарали гуллар ўртаси феруза кўзлар билан ҳошияланадиган маржон ва бошқа қадамалар ҳам ўрнатилади. Тиллақошнинг қуйи қисмига ўзаро алмашилиб келадиган майда мунчоқ ва япроқчалар терилган бири калта бири узун занжирлар осилади. Тиллақошнинг юқори қисмининг маркази (учи) ва икки чеккасидан занжирлар чиқарилиб, улар марказда бирла-

шади ва илгак билан яқунланади. Бир хил бадий усулда безатилган тиллақош ғажак, исирға, зебигардон билан бирга ансамбл ҳосил қилади тиллақош шаклига ўхшаш пешонага тақиладиган зийнат буюми Фарғона водийсига баргак, тепа қисмидаги панжарали нақшлари бўлмаган тури эса Бухорода «боло абру» ҳам деб аталади. Хоразмнинг осматузи тақинчоғи ўзига хос безатилиши билан тиллақошдан фарқ қилади. Қадимдан, келин ҳамда ёш аёлларни ҳимояловчи тумор вазифасини бажарган тиллақош ҳозир асосан, тўй маросимларида ва раққосаларнинг либосларининг таркибий қисми сифатида ҳам қўлланилади.

Тирикка – уст кийим учун ишлатиладиган ип ёки ярим жун газлама.

Тоқи (*ф. т. дона, бўлак*) – ўзбекча фасонда тикилган ёзлик кўйлақлар яқтакларнинг ич томонидан курак ва кўкрак қисмига тикиладиган бир қават бўлак мато.

Трико (*р. фр. tricot – тўқимоқ*) – трикотаж матодан қоматга ёпишиб турадиган ички кийим, спорт кийими. Пахта, жун ва синтетик матолар аралашмасидан зич тўқилган, матолар. Йўл-йўл, катак вам айда гул ҳосил қилиб тўқилади.

Трикотаж саноати – тўқимачилик саноати тармоғи; трикотаж саноати корхоналарида трикотаж полотнолар, жумладан, техник полотиолар, пайпоқ буюмлари, ички ва устки трикотаж кийимлар, қўлқоплар, бош кийим-шарфлар ҳамда саноат ва тиббиётда қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда пахта, жун ва кимёвий толалардан тайёрланадиган иплардан кенг қўламда фойдаланилади. Трикотаж саноати XVIII аср охири – XIX аср бошларида Буюк Британия ва Францияда XIX аср охирларида Россияда вужудга келди. Трикотаждан тайёрланадиган кийимлар салмоғи мунтазам ортиб бормоқда. Бу трикотаж буюмларининг хизмат вазифасининг юқорилиши ва иқтисодий тежамлиги билан боғлиқ. Кимёвий толалар, айниқса, синтетик иплар ишлаб чиқаришнинг мунтазам ўсиб бориши трикотаж ишлаб чиқариш техникасининг тез ривожланиши, трикотаж саноатининг тараққиёти ёрдам беради.

Трикотаж саноати Ўзбекистонда 1930 – 1940 йилларда шаклланди. 1939 йилда Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Қўқон пайпоқ фабрикаси (1943 йилдан) ишга туширилди. 1945 йил Тошкент тикувчилик фабрикаси негизида трикотаж фабрикаси ташкил этилди. Унда 1960 йилда 4572 минг дона ички ва 1597 минг дона устки трикотаж кийимлар ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари республикада Тошкент устки трикотаж кийимлар фабрикаси (1960) Самарқанд (1950) Бухоро (1961) Андижон (1968) трикотаж фабрикалари қурилиб, маҳсулотлар, ишлаб чиқариш бошлади.

Тармоқдаги энг йирик корхона – Тошкентда 1941 йилда ишга туширилган. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида эркаклар, аёллар ва болаларнинг 200 хилдан ортиқ устки ва ички трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилди.

1980 – 1990-йиллар бошида трикотаж корхоналари янги ускуналар билан жиҳозланди, янги корхоналар қурилди. «Малика», Бухоро, Самарқанд, Қўқон пайпоқ-тўқув комбинати тубдан реконструкция қилинди. Олтинқўл трикотаж матолар фабрикаси, Қорасув ва Жиззах пайпоқ фабрикалари ишга туширилди. Хўжаобод (1985), Шаҳрихон (1986), Чортоқ (1986), Шаҳрисабзда (1993) да трикотаж тикувчилик фабрикалари қурилди. Республика трикотаж саноатида 1500 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади (2004).

Асосий йирик трикотаж корхоналари Андижон («Нафис» «Олтинқўл», «Қорасув пайпоқ» фабрикаси акциядорлик жамиятлари), Фарғона (Қўқон «Улуғбек», «Учкўприк» тикувчилик трикотаж бирлашмаси акциядорлик жамияти), Самарқанд («Бофанда» акциядорлик жамияти), Жиззах («Зилолатекс» акциядорлик жамияти), Қашқадарё («Шаҳрисабз», «Садо», акциядорлик жамияти «Каштекс» қўшма корхонаси), Хоразм («Гурлан») вилоятлари ва Тошкент шаҳрида («Малика» акциядорлик жамияти) жойлашган. Ўзбекистон Республикасининг трикотаж саноатида 2003 йилда 28649 (2000 йилда 38887, 2002 йилда 32858) минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Тугма – темир, кумуш, садаф, суяк, пластмасса, шиша, ёғоч-

дан турли формада, катта-кичикликда ясалган ва кийимга тикилиб тугма тешиқдан (измадан) ўтказиб қўйиладиган нарса, буюм.

Тужурка (*р.фр. toujours – доим, ҳар доим*) – қайчи ёқа, олди очиқ тугмали, калта эркақлар уст кийими, камзули.

Тумоқ – кулоқли иссиқ қалпоқ; кулоқчин.

Тумор – 1) қадимги тасаввурларга кўра кўз тегишидан, турли офат, бало, инс-жинс сақлайдиган буюм. Тумор ичига кўрғон оятлари битилган қоғоз ҳамда илоҳий қудратга эга деб билинган нарсалар солинган. Дуо ёзилган қоғоз уч ёки тўртбурчак қилиб буклаб, чарм ёки матога ўраб тикилган. Тумор одатда бўйинга, қўлтиққа, сочга тақилади ёки кийимнинг ички қисмига тикиб қўйилади; 2) аёлларнинг бўйин ва қўлтиқларига тақадиган, тақинчоғи, безағи тумор шакли, бир-бирининг устини қоплайдиган 2 бўлак (кутига ва қопқоқ)дан иборат кутича бўлиб, асосан қопқоқ қисми безатилади. Тилла, кумуш ва бошқа металлдан учбурчак, тўртбурчак, найча (цилиндр) шаклида ясалиб сирти нақшлар билан безатилиб, қимматбаҳо тошлар қадалиб шокилалар осилади. Тақилиши ва шаклига кўра фарқланади; бозубанд, дуотузи, бўйин тумор, кўкрак тумор, қўлтиқ тумор ва бошқалар.

Туника (*юнонча сўз бўлиб*) – тикилмаган мато бўлақларини тана бўйлаб айлантириб елкага ташлаб олинадиган кийим «туника» дейилган. Гарчи юнонлардаги «туника» русумли кийим билан ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаса-да, Марказий Осиё халқларининг олди очиқ ва ёпиқ бўлган чоксиз тўғри бичимдаги анъанавий уст кийимлари рус тилидаги илмий адабиётларда «туникасимон кийимлар» («туникообразная одежда») деб юритилган.

Турунж (*араб лимон*) – нақш тури, ҳошия ва асосий майдондан тузиладиган нақш мужассамоти марказига ишланади. Шакли лимонга ўхшаганлиги учун шундай аталган. Наққошлик тараққиёти давомида турунж шакл жиҳатидан бойиб ва мукаммаллашиб борган тухумсимон, доира, ромб, 5 – 10 ва ундан ортиқ қиррали юлдуз шакллари кўп учрайди. Марказига турунж, четига рута ва бошқа ҳошия нақшлар ишланадиган тўртбурчакли мужассамот кенг тарқалган. Турунж ахтаси қоғозни 4, 8, 16 га буклаб бир бўлагига

нақш чизиб тайёрланади; сўнг нақш безатиладиган сиртга туширилади. Амалий безак санъатининг барча соҳалари (накқошлик гиламчилик, айниқса, зардўзлик ва бошқа)да кенг қўлланилади.

Тутук – тутиб қўйилган чиммат, чачвон.

Тюбетейка (*татарча «тюбей», «тюбе»дан – юқори тепа, баландда*) – маъноларини билдиради. Миниатюраларда XV – XVI асрларда учрайди. Панжикент ёзувларида (VI – VIII асрлар) ҳам бир неча бош кийимлари тасвирлари учрайди. 2003 йилда XIX–XX асрга оид тюбетейка (дўппи)лар маркалари чиққан.

Тўн – беқасам, духоба, кимхоб, парпаша, сатин, чит матолардан олди очик, бўй, энги узун, авра-астарли; авра-астар орасига пахта солиб қавилган ёки пахта солиб қавилмай миёна астар устидан авраси сирилган уст кийим, чопон.

Тўн-чопон, устки миллий кийим, авра-астарли, узун, энгли, тик ёқали, олди очик. Бичиғи тўғри бичимли бўлади. Ичига пахта солиб қавиладиган пахтали тўн ва пахтасиз, авра-астардан иборат яланг қаватлар тўн хили бор. Тўн тўғри, тик ва қия қавилади, баъзан қавилмасдан сирма қилиб тикилади (бунда тўннинг қавилган астари ҳар жой, ҳар жойидан аврасига чашиб қўйилади). Тўн авраси бахмал, беқасам, кимхоб ва бошқа мтаолардан тайёрланади, астарига чит, сатин матолар ишлатилади. Тўннинг тик ёқаси жуда майда қавик чоклар билан ишлангани учун қаттиқ бўлади, ёқа, энг учлари, этак атрофларига жияк тикиб ҳошияланади ҳамда улардан попуқчалар чиқарилади, этагининг, 2 ён танасида ўтириб турганда қулайлик яратиш учун «йиртиогуллари» бўлади. Тўннинг ички томони (астари)га шир айлангириб шойи ёки қора сатиндан тўрт энглик адип тутилади. Яланг қават (авра-астарли) тўнлар аврасига зар иплар билан кашта тикиб зардўзи тўн тайёрланади. Тўн ўғил болага хатна тўйида, кейинчалик никоҳ тўйида кийдирилган; ҳозирда ҳам тўн тикиш кенг йўлга қўйилган. Тўн кундалик (ёшлар орасида уйлик) кийим сифатида кийилади, бундан ташқари, туй болага, куёвга, қудаларга, улуғ кишиларга, азиз меҳмонларга тўн кийдириш, азада мотам кийимлари сифати ҳам тўн кийиш удуми сақланган. Ўзбекистон ҳудудида тўннинг

бичими бир хил бўлиб, айрим хусусиятлари (узунлиги, матонинг ранги, безатилган усуллари) бир-биридан фарқланади, холос:

– Тошкент-Фарғона тўн сипо (кўк, яшил, сарик, бинафша) рангли матолардан тикилади. XX-аср бошларининг қора сатин ва сейлондан тайёрланган. Тўн кийим урф бўлган; ёшлар очик рангли (сарик, бинафша, яшил, оқ, кўк, пушти, қизил) йўлли бекасам тўн кийган бундай тўннинг келин томон куёв тўнни сифатида куёвга совға қилиб юборган. Яна кимхобдан тикилган тўн ҳам нафис майда қавиб тайёрланиши билан бошқалардан фарқланиб туради. XX аср охири чорагидан бекасам тўнлар билан бир қаторда чийдухоба бахмалдан тайёрланган, тўн кенг тарқалди.

– Бухоро тўнлари кенг ва узун, ёркин рангли, ялтироқ, кенг йўлли ва йирик гулли матолардан тикилади; зардўзи тўн (амир ва унинг амалдоригагина хос бўлиб, бахмал, кимхоб ва бошқа матолардан фақат амир саройида тайёрланган; ҳозир барча вилоят)да зардўзи тўн тайёрлаш йўлга қўйилган.

– Самарқанд тўнни узун ва ўртача кенгликда тикилади, уларда Бухоро, Тошкент-Фарғона тўнларининг таъсири сезилади.

– Хоразмнинг енгил тўни (астардаги) ўрта кенглик ва узунликда, пахтани тўнни дўн) эса қоматга ёпишиброқ бичимда тўк рангли, ингичка йўлли матолардан тикилади. Матога махсус ишлов берилади (яъни ялтироқ ҳолга келгунига қадар кудунгланади), тикув машинаси пайдо бўлганидан, сўнг тўнлар майда машинаси пайдо бўлганидан сўнг тўнлар майда машина чокида ҳам қавила бошланди.

– Тўн қадимий кийим тури; буни Ўзбекистон ҳудудида сақланган деворий расмлардан, миниатюралардаги тасвирлардан билиш мумкин. Қадимдан хон ва амирлар томонидан бой ва амалдорларга яхши хизматлари эвазига меҳмонлар элчилар, хорижий меҳмонларга тўн кийдирилган, бу одат ҳозирги кунда ҳам сақланган.

XVIII асрдан тўн Россия, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатларга чиқарилган.

XIX асрдан Россия билан алоқаларда муҳим экспорт маҳсулотига айланган, айниқса, Бухоронинг зарбофт, Самарқанднинг

кимхоб тўнлари машҳур бўлган. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тўнлари халқаро кўرғазмалар (Париж, Москва, Нижний Новгород, Петербург)да намоиш этилган ҳамда мукофотларга сазовор бўлган. Тожикларда тўн – жома деб аталган.

Тўқа – камар, тасма учини ўтказиб тақиладиган кисми.

У

Удум – расм, одат, анъана, тартиб, қоида

Узук – қўл бармоғига тақиладиган заргарлик буюми; олтин, кумуш, мис ва бошқа металлдан турли катталиқ ва оғирликда ҳалқа шаклида ясалди. Кўзли узук (кўзи гавҳар ёқут, дур ва бошқа қимматбаҳо тошлар ва шишадан) кўзсиз узук (нақшли ва нақшсиз) никоҳ узук (кўз ўрнида муҳр ўрнатилган) ва бошқа хиллари бор. Қуйма ва суҳна усулида ишланадиган узук юзасига жило берилди. Ҳозир махсус заргарлик корхоналарида ҳам тайёрланади.

Улаш – кийим бўлақларини бир-бирига машинада ёки қўлда улаш иши.

Улгу – нусха, намуна, ахта.

Урчуқ, дук – толалардан қўлда ёки машинада ип йиғириш ва пишитиш учун мўлжалланган мослама ёки қурилма; йиғириш-пишириш машиналарининг асосий иш органи. Шарқ мамлакатларида қўл урчуғи қадимдан қўлланилган. Машина урчуқлари XVIII асрнинг 2 ярмида пайдо бўлган. Қўл урчуғи ёғочдан узунчоқ, овал шаклида ясалган мослама бўлиб ип йиғирувчи уни қўлда айлантриб турган. Шунда толалар бир-бирига илашиб, чўзима ва буралиб ингичка ипга айланган.

Уст-бош – шахсга хос, оёқ кийимидан бошқа барча кийимлар шундай аталади.

Ф

Фартук (*р.нем.* – *voutuch*) – 1) уй-рўзғор ишларида кийимни

ифлослантирмаслик учун олдга тутиладиган махсус тикилган либос буюм, айн.: пешбанд, олдёпқич; 2) ўқувчи қизларнинг мактаб формаси устидан кийиладиган олд томонни коплаб турадиган ок ёки қора матоли енгил кийим; 3) пахта териш этаги; 4) болалар фартукчаси, кўкракпечи.

Фасон – кийим бичими, кийимнинг ташки кўриниши, модели

Фуфайка – итальянча, иссиқ кўйлак. Пахта солиб қавилган, олди тугмаланиб кўйиладиган трикотаж ёки жундан тўқилган калта кийим, куртка.

Фарғонача тўн – бекасам, адрас, банорасдан тикиладиган, ёқасидан этак учигача чалиғ (ингичка, чилта жияк) тутилган, икки ён этак қисмига йирмоч қилиб, четларига чалиғ тутилган тўн.

Фуражка (*р. польск. furazerka*) – эркакларнинг гардишли ва қисқа соябонли бош кийими.

Фўта – белга ўраб юриладиган жун матодан (узун шарф шаклида) тайёрланган ўрама белбоғ.

Х

Халат (*а.хильат – инъом қилинган кийим, мукофот*) – кийим устидан кийиладиган яланг қават қилиб тикилган енгил, ўзи ҳам, енгги ҳам узун уй кийими. Ҳозирда турлари кўпайиб кетган. Бичимлари ҳам ўзгарган. Хотин-қизлар, баъзан эркаклар ҳам кияди.

Хильат – арабча сўздан олинган бўлиб, тухфа, инъом қилинган уст кийим. Умуман тоза кийим, либос.

Хирка – арабча, куроқ, лахтак, латта-путта. Дағал матолардан қураб тикилган либос; дарвешлар кийими; жанда; эски жулдур кийим.

Хафабанд (*форс. хафа ва банд-тўсин*), гулбанд-заргарлик буюми; аёлларнинг бўйин тақинчоғи. Бўйинини ўраб турадиган тасма ҳамда маржон ва турли шаклдаги нозиклардан териб яратиладиган тўрсимон шокилалари тузилишга эга турлари бор. Кўкраккача тушиб турадиган шокилалар трапеция ва бошқа шаклларда

бўлиб, гуллари рамзий маънодаги шох, учбурчак, ромб ва бошқа хандасий нақшлардан иборат. «Гулбанд» атамаси асли «гулбанд» (ёвуз рух ва банд) бўлиб, ёмонлик, ёвузликдан сакловчи тумор вазифасини бажарган, вақт ўтиши билан атама ўзгариб кетган. Хафабанднинг бошқа шакллари (масалан, Тошкент, Самарқанд ва бошқалар) кумуш гардишига ўрнатилган ҳақиқлар қатори ёки ўзаро ҳаракатланувчи илмоқ ёки ҳалқачалар билан бирлаштириладиган мурабба тўртбурчак ёки овал япроқчалардан тузиладиган шокилалаи ва шокилсиз турлари кенг тарқалган.

Хиштак (*ф. – т. р.ластовица*) – ўзбекча бичикли кўйлақларнинг қўлтиқ қисмига; лозимларнинг тепа қисмини кенгайтириш мақсадида оғ тепасига солинадиган бир парча мато, сўз.айн. гиштак, мардак.

Хонатлас – маҳаллий саккиз тепкилик атласнинг энг аъло нави.

Холпаранг– хол-хол паранг рўмол.

Хотам – узук, арабча сўздан олинган бўлиб, кўзига мухр ўйиб туширилган узук. Имзо ўрнини босиш учун мактуб охирига чекиладиган мактуб эгасининг номи ўйиб туширилган тамға, мухр.

Ч

Чалма салла; дўппи, тўн ва бошқаларнинг четига тутиладиган энсиз жияк.

Чашмбанд кўзни тўсувчи, юз ёпинчиги, чачвон.

Чевар кийимбош ёки кашта тикишга уста аёл, мохир тикувчи.

Чийбахмал, **чийдухоба** духобанинг йўлйўл бўртма, чизиқли хили, чийбахмал.

Чит гулли ип газлама. 1. Пахта толасидан тўқилган мато, газлама. 2. Читдан тайёрланган, тикилган.

Чок тешик, тирқиш, кесик, йиртик, қийиқ жой. Чеварчиликда газлама, теридан тикилган буюмларнинг тикиб бириктириладиган жойи.

Чокламоқ чокини тикмоқ, чокини тикиб уламоқ.

Чокчи фақат бичилган нарсаларни тикувчи хунарманд.

Чокчилик бозорда бирор кийим тури билан савдо қилувчи одамга бичилган кийимни тикиб тайёр қилиб бериш билан шуғулланиш.

Чолвар кенг иштон, иштон, шим. Асосан, уйда кийиладиган шимга ўхшаш кийим.

Чувак ёзлик енгил оёқ кийими; шиппак.

Чулки русча чулки, чулок, “чулғов”, “чулғамоқ”. Хотин-қизларнинг тиззадан юқоригача кийиладиган узун пайпоғи.

Чурук тўн эски, жулдурвақи чириб кетган тўн.

Чакмон ўзбек эркакларининг устки кийимларидан бири. Чакмоннинг *боқоти*, *босма*, *қоқма*, *тивитли*, *сиякма* каби хиллари мавжуд бўлган. Чакмон асосан қишда ятак, гуппи ва тўн устидан кийилган бўлиб, тўнга нисбатан соддароқ бичимда бўлган. Қашқадарёнинг Муборак туманида яшовчи қорлуқлар чакмонни кўпроқ туя юнгидан ва жуда камдан-кам ҳолларда қўй жунидан тайёрлашган¹. Чакмонлар рангига қараб ҳам турлича номлар билан аталган: *кўк чакмон*, *малла чакмон*, *оқ чакмон* ва бошқалар. Одатда туя юнгидан тайёрланган чакмон «*малла чакмон*», қўй жунидан қилингани «*қоқма чакмон*», аралаш ва паст сифатли жундан қилингани «*кўк чакмон*» дейилган. Бундай чакмон асосан астарсиз, фақат аврадан иборат бўлиб, тўнга ўхшатиб тикилган. Чакмоннинг ёқаси, кенг учлари ва этакларига қора, кўкиш, пушти ва жигарранг иплардан чироз тикилган, адип қўйилган². Чакмон узун ва кенг бичимда тикилиб, чопон устидан кийишга мўлжалланган.

Чўға – чакмон, тўн, узун енгил ва устки кийим.

Чайдамия – кебенакка ўхшаш кигиз астарли тўн.

Чакмон – устки кийим тури; эркакларнинг олди очиқ қишки, узун халатсимон кийим. Тўн устидан кийиладиган. Жун матодан

¹ Шаниязов К. Ўзбеки-карлуки... – С. 112.

² Дала ёзувлари. Ғузур тумани, Қорасув қишлоғи. 2001 йил.

тикилади. Барлари олд этак қисмига қўшимча трапециясимон кийик қўшилиши ҳисобига бир-бирига устма-уст кириб туради. Учбурчак бўйин ўйиғига ёқа ўрнатилади, энг учи томон тарайиб боради. Чакмоннинг қўлтиқ ости (хиштак) қисми очиқ қолдирилган. Чакмондан тўн каби ёқа бор, этак четларига жияклар қўшиб безатилган. Баҳор, кузда яқтак устидан совуқ ойларда пахтали тўн устидан (пўстин) кийилади.

– Хоразмда чап барлар ўнг бар устини ёпиб турган. Яйловларда ҳозир ҳам кундалик кийим сифатида кийилади. Бу ҳудудда мовут тўнлар-чакмон, шолчакмон, яқтак сингари астарсиз тикилган. Жун мато энсиз бўлгани сабабли битта чакмонга 25 метргача мато сарф қилинган. Улар асосан, оч жигарранг туя жунидан бўлиб, 2 андозали ёки 3 андозали бичимда тикилган, яъни ён бўлак тарзли ёки тарзлар қўшинмай тикилган.

– Самарқанд-Бухоро музофоти мовут чакмонлари, асосан, қўй жуни матосидан тайёрланганлиги туфайли, сидирға оч сариқ ёки қора тусли бўлган. Шол чакмон (туя жунидан) мовут чакмон (фабрика мовутидан тайёрланган) қиммат соитлган, асосан ўзига тўқ, бой аҳоли сотиб олган. Чакмон оддий тўнлар сингари бичилган, яъни 3 андозали тўғри бичиқга бўлиб барлар олдига қийиқлар солинган. Жияклар билан безатилган.

– Фарғона-Тошкент музофотида қўй жунидан тўқилган мовут чакмонлар «қокма чакмон» дейилади. Энг арзон мовут чакмонлар паст навли аралаш матолардан тикилган (кўк чакмон), қор-ёмғирларда бўкиб қолмаслик учун кўпинча қайноқ сувга бўктирилган. Чакмон матоси тўқилишига қараб фарқланган. Асосан, кўкиш рангли бўлган бичиғи эса пахтали чопон, тўнлар каби 3 андазали тўғри бичиқда бўлган. Ҳозирги кунда чакмонлар кундалик кийимлар қаторидан жой олган.

Сақарлот чакмон (олий навли майин жун матодан); мала чакмон (мала рангли жун ва ипли матодан); мовут чакмон, пиёзи чакмон (туя жунидан майин қилиб тўқилган матодан).

Чаккалик, чаккатузи – заргарлик буюми; чаккага тақилади-ган аёллар тақинчоғи куйи қисмига атрофи феруза кўзлар билан

ҳошияланган безак тош ёки рангли шиша ўрнатилган йирик безакли япроқча ва босма безакли япроқча ва маржонли шокилалардан тузилган. Чаккатузи кейинчалик исирға келиб чиққан.

Чарм – ҳайвон терисидан ёки сунъий хом ашё тайёрланадиган материал. Табиий ва сунъий турлари бўлади. Табиий, чакмонлар ҳайвонлар; қорамол от, кўй, эчки, чўчқа, туя, буғу, кийик, сув ҳайвонлари, ит, айрим балиқ ва ҳайвонларнинг терисини ошлаб тайёрланади. Шилабилишига қараб пойафзал, эгар-жадбук, техника, кийим-бош, атторлик учун ;мўлжалланган хилларга ажратилади. Хомашё, тури, ошлаш, пардозлаш, ташқи кўриниши, қалинлигига қараб ҳам хилларга бўлинади. Сунъий чарм толалардан пошнер хомашё материаллар тайёрланади. Сунъий чарм толалардан тўқилган ёки нотўқима матолар сиртига юмшоқ плёнка ҳосил қилувчи моддалар (каучук, латекс, поливишиях лорид ва бошқалар) қоплаш натижасида ҳосил бўлади. Сунъий чарм пойабзал, кийим-кечак, атторлик ҳамда техника буюмлари тайёрлаш ва бошқа эҳтиёжлар учун табиий чарм ўрнида кенг миқёсда ишлатилади.

Чарх – 1) кўлда ип йигиришда, фойдаланиладиган қадимий асбоб. Унда асосан пахта, жун ва бошқа толалар йигирилади. Кўриниши даста билан айлантриладиган ғилдирак (барабан) шаклида бўлади. Ўрта Осиёда пахта экиб, ип йигириш милоннинг бошидаёқ маълум бўлган. Пахта ва жун толасидан ип йигириш учун олдин урчуқ, кийим уни такомиллаштириб чарх ясалган.

XVIII асрда машинада ип йигиришга ўтилгач, чархга эҳтиёж камайган, лекин айрим чекка жойларда ундан ҳали ҳам фойдаланилади.

Чачвон – от ёлидан тўрлаб тўқилган, паранжи остидан бетга тугиладиган парда, чиммат, айн.чиммат.

Чопон – эркақлар устки кийими, пахтали авра-астарли қилиб тикилган тўндир. Бу термин ўзбек тилида XV асрдан бериб қўлланиб келинади.

Чорик – сода пойабзал тури. Хом, хўл теридан тайёрланган. Чоракор чўпон ҳамда камбағал деҳқонлар кийган. Чорикнинг бир неча тешиқлари бўлиб, улардан иплар ўтказиб оёққа боғлаб қўй-

илган. Этик, кали шва бошқа европача пойабзаллар расм бўлган. Ҳозир чорикга эҳтиёж қолмади. Халқда «кун кўрсанг чориғингни унитма, пешонангга илиб қўй» деган мақол бор.

Чорси – шойи, атлас, духоба, сурп каби матолардан тикилган тўрт томони тенг тўрт бурчакли белбоғ (қийик).

Чочпопук, сочпопук – аёлларнинг соч ўримлари учига тақадиган беагаи.

Чуст дўппи – дўппи кизак ва тепа авраси бора ёки кўк шойи сатиндан, шакли тўрт каржли, оқ ип, ипақда ҳар бир тепа каржиги қалампир нусха тикилган, авра-астари қора ингичка машина ипда тепчилган, тепчик ораларига хитой қоғоз пилталаб уриладиган дўппи тури, айн.: тус дўппи.

Чўғирма – ўсиқ мўйнали теридан тикилган Хоразм ва Қорақалпоғистонда расм бўлган қалпоқ (бўрк).

Чўнтак – кийимларнинг пул, дастрўмол ва бошқа хил зарур энгил нарсалар солиб юриш учун тикилган сиртки ёки ички халтачаси, ҳамён. Баъзан халқ тилида «кисса», «киста», «кармон» деб ҳам юритилади.

Ш

Шайтон тери қалин пишиқ ип газлама.

Шаша юпқа, юмшоқ газлама. Сийрак тўқилган шаша дока.

Шерсть жундан тўқилган мато; ғоз пати; ҳайвон жуни.

Шинель эркакларнинг тонгги кийими; костюми. Махсус матодан тикиладиган, махсус бичимдаги пальто.

Шиппак ёзда кийиладиган, уйда оёққа илиб юриладиган энгил оёқ кийими, сандал.

Шолпар юнгдан тўқилган жунли шолпар рўмол.

Шотландка русча “шотландская ткань” шотланд газламаси. Пахта ипидан ёки жун, ипақ аралаштирилиб тўқилган рангдор катаккатак газмол.

Шпилька 1. сочга тўғнаб қўйиладиган айрисимон буюм. 2. Хотинқизлар туфлисинингтпошнаси ва шундай пошнаси туфли.

Штапель пахта толаси деган маънони билдирадаи. Қисқа то-
лали сунъий ёки синтетик ипдан тўқилган газлама.

Шабака – метал буюмларда панжарасимон безак яратиш усу-
ли, заргарлик кандакорликда кенг тарқалган. Метал буюмлар ва
уларнинг қисмлари (қопқоқ, даста ва бошқалар)ни безашда зар-
гарлик буюмлари яратишда қўлланади. Шу усулда яратилган бу-
юмлар (масалан, Самарқанд, Бухоро билакузуклари) ҳам «шаба-
ка» деб аталади.

Шалвар (ф.т. шолвар) – 1) сидирға сатин, шойи, матодан ти-
киладиган почаси бўғиқ кенг лозим; 2) чолвор, чалбар.

Шапка (р.фр.) – пешона томонидан соявончаси (козирёги)
бор бош кийим, фуражка.

Шаппўш (ф.т.) – қиш кунлари учун туя жунидан тўқилган, ёз
кунлари учун оқ ёки қулранг сурп матодан тикилган, қариялар
бошга кийиб ётадиган махсус дўппи.

Шарф – костюм, пальто ёқаларини ифлосликдан асраш, қиш
кунлари совуқдан сақланиш учун бўйинга ўраладиган камбар
узун рўмол.

Шерози телпак – кўк тусли кўзи мўйнасидан тикилган тел-
пак, қ.телпак.

Шибирма – исирға тури; XX аср ўрталарида яратилган. Зар-
гарлар шибирмада шабака усулини қўллаб чиройли шакл ечимига
эришган. Барг (юрак) шаклидаги халқа ичи (маркази)га думалок
ёки аввал шаклидаги кўз ўрнатилиб, атрофи 2 қатор марваридлар
(дурнинг майдаси) билан ҳошияланган. Халқанинг ўртасидаги
қуйи қисмига бир қатор симли панжара ишланиб, дурлар терил-
ган спирал симли шокилалар осилган.

Шим – гавданинг белдан пастки қисмига кийиладиган уст
кийим.

Шифон-(р.фр.chiffon) – юпка, харир ипак газлама.

Шлём (р.) – жангда кийиладиган ўқ, снаряд парчаларидан
сақлайдиган пўлат қалпоқ.

Шляпа (р.нем. – stappe) – атрофи гардишли, тепаси цилиндр-

симон формадаги бош кийим.

Шойи (форс-тожик – шоҳга тегишли, яъни газламалар шоҳи) – талда ва арқоғи ингичка табиий ёки сунъий ипакдан иборат газлама.

Шойи белбоғ – шойи матодан атрофига қўлда ёки попопда илма усулда безаб, гуллар солиб тикилган чорбурчакли белбоғ, қийиқ, қийиқча – қ.белбоғ.

Шойи-шоҳи, ипак, мато; XIX-XX аср ўрталарида Ўрта Осиёнинг ипакчилик ривожланган йирик марказ (Фарғона, Бухоро ва бошқалар)ларида ишлаб чиқарилган. Шойининг арқоқ ва танда иплари бир хил ингичка ипак иплардан иборат бўлиб, содда тўкилган; ҳар бир арқоқ ип орасига танда иплар тушилган, юзаси силлиқ, ўнг тугиси бир хилда бўлган; эни 33 – 35 см, XX асрнинг 30-йилларида 50 – 54 смга кенгайган. Шойининг гулсиз сидирға ва гулли (абр гулли), йўл-йўл, катак гулли хиллари маълум, турли ипакчилик марказларининг жойилари қалин-юпқалиги, гуллари, ранги (колорити) билан фарқланган. Фарғона шойиси юпқа ва пишиқлиги, юмшоқ ва майинлиги билан бошқа шойилардан ажралиб турган; абр гулли тўлқинсимон ёки услублаштирилган навда, гул шаклида ранги бинафша, сариқ, феруза кулранг. Бухоро шойиси қалин тўкилган, танда иплари зичлиги туфайли қаттиқ ғижимланмайдиган ҳамда сув ўтказмайдиган бўлган; гуллари катта доира, тухумсимон шаклларда икки четлари қатор йўллар ёки тўлқинсимон чизиклар билан хошияланган; ранги кўпроқ қизил ва сариқ, оқ, нафармон, оч настарин, феруза ранглар.

XX аср бошларида Самарқанд, Тошкентда Фарғонадан келтирилган йўл-йўл шойи кенг тарқалган; бинафша, қора, оқ ва тилла ранг сариқ йўлли шойидан кийим кийиш урф бўлган. Шойидан кишилиқ кўйлақлар, белбоғ ва бошқалар тайёрланган, эркак ҳамда хотинларнинг зар чопон ва бахмал тўнлари астарларига бадий буюмлар (сўзана, чойшаб ва бошқалар)га ишлатилган. Шойи Бухорода 20-аср бошларигача Фарғона водийсида 60-йилларгача ишлаб чиқарилган.

Шол (араб. – рўмол) – 1) рўмолнинг бир тури, ингичка майин

жун (эчки, кўй, туя жунидан), ип, ипак, сунъий тола ва ҳ.к. қўлда ёки станокда махсус тўқилган қишлоқ рўмол. Шол рўмолни ўраш XIX асрда кенг тарқалган. Кашмир шол рўмоли, гулдор безакли рус шол рўмоли ва бошқа; 2) Жундан тўқилган мато.

Шоливар – эркаклар кийими. Ҳарбий либослар сирасига ҳам киради.

Э

Энгилбош бир сидра кийим ва пойабзал; устбош.

Эн – нарсанинг кенглиги бўйича нисбатан кўндаланг томони.

Этак – устки ва ички кийимларнинг пастки томони, қисми.

Ю

Юбка – 1) хотин-қизларнинг белдан пастга киядиган ип, ипак, жун матолардан тикилган европача фасондаги кийими; 2) европача фасондаги бели кесик либосларнинг белдан пастки қисми. Юбка асли полякча сўздан олинган бўлиб, ҳозирда унинг кўплаб турлари мавжуд. Мас. Калта, узун, ўртача ва ҳк.

Я

Яктак – эркаклар устки кийими, алоча адрас, банорас, ҳисори, беқасаб ва қалами матолардан тикилган. Енги, ёқаси, этаги гир айлана зей-жияк билан ҳошияланган.

Яктак – олди очик, узун ёқали (тўн ёқали) бўз ёки сурпдан тикилган эркакларнинг ич кийими. Яктак форс-тожик тилидан олинган.

Яримтирноқ – заргарлик буюми; Хоразм аёлларининг чакка кулоққа тақадиган тақинчоғи. Яримтирноқ мужассамотларидан

бирининг тузилиши юқори қисми 3 тишли (иқий от ўртасида турган она-маъбуда), қуйи қисми ярим ой ёки уясида ўтирган кушчалар шаклидаги 2 зарқалланган кумуш тахтачалардан иборат бўлиб, юзасига безак жошлар ёки шиша кўзлар қадалган, улар атрофи босма усулида майда ўсимликсимон нақшлар ёки чиқиқлар билан безатилган. Яримтирноқнинг юқори қисмига укпар кадаш учун найча ва илгаклар ишланган. Қуйи қисми эса япроқча, маржонлар терилган шокилалар қатори билан хошияланган. Яримтирноқ осматузи билан бирга ансамбл ҳосил қилади. Давр ўтиши билан яримтирноқ содалашган.

Ў

«Ўқ-ёй» – заргарлик буюми; Хоразм аёлларининг бош киймининг энса (гардон) қисмига мустаҳкамланадиган тақинчоғи. Тақятузи, осматузи ва яримтирноқ кабилар билан биргаликда ансамбл ҳосил қилади. Тақинчоқ шакли «ўқ-ёй»ни эслатади. Тепа қисми атрофи феруза кўзлар билан хошияланиб, юзасига симкори усулида елпиғичсимон безаклар ишланади, баъзан безаксиз ҳам бўлади; унинг юқори қисми ўртасига ухпар учун найча ишланиб, найчанинг осмига ўқнинг учини эслатувчи учбурчак-тумор шакли осилади (у ҳам зийнатланган). Ёйсимон қуйи қисми юзаси 3 қатор феруза кўзлар қадаб безатилган, унинг қуйи қисмига маржон ҳамда япроқчалардан тузилган ҳашамдор шокилалар осилган. XIX аср охиридан урфдан қола бошлагач, кўкракка ҳам тақилган.

Қ

Қасаб – заррин мато, кимхоб, парча.

Қур¹ – камар, белбоғ; саф, қатор; амал, мартаба, навбат, тартиб, сира каби сўз маъноларини ҳам билдиради.

Қадама 1. қадаб, тўғнаб, ёки тикиб, чатиб қўйиладиган. 2. Без-

¹ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг(Саодатга элтувчи билим). Тошкент. 2007. 196-бет.

ак яратиш, безатиш, ясатиш учун қадалган нарса.

Қарғашойи шойининг қора, сарик, кўк гулли тури.

Қабо – жун матодан тикилган ва жуббанинг остидан кийиладиган узун эркаклар уст кийими.

Қавиқ – чоқ тури; қавиладиган буюмлар (тўн, дўппи, кўрпа, кўрпача ва бошқалар)нинг икки томонига ўтказиб тикилади. Асосан, авра-астарли (баъзан ичига пахта солинган) буюмларда қўлланади. Сидирға, гулли матолардан тайёрланган буюмларда қавиқнинг гул, турли шакллар ҳосил қилиб бажарилиши гулли қавиқ деб аталади.

Қайиш – пардозланмаган хом чарм, паст навли чармдан тайёрланган учи тўқа ва илмоқли камар.

Қайчи – кийим бичиш ишида ишлатиладиган иш қуроли, асбоб.

Қалами – 1) қўлда тўқилган йўл-йўл гулли ип мато, қўлда йиғирилган ипдан олачадан бир оз сийрақроқ қилиб тайёрланган (ўта оҳорланган иплар тўқилиши жараёнида вақти-вақти билан қалай билан ҳўлланиб турилгани учун қалами деб аталган) мато тури. Мато тўқиш жараёнида оқ ёки оч танда иплар орасига тутам-тутам қизил кўк, тўқ, яшил ипларни бир зайлда жойлаштирилиши натижасида оқиш мато заминида ингичка ранг-баранг йўллар ҳосил қилинган. Қаламидан эркакларнинг енгил устки кийими ва бошқалар тайёрланган. XX аср бошларида фабрикада тўқилган матоларнинг кўплаб келтирилиши туфайли қалами тайёрлаш камайиб кетган, фақатгина иккинчи жаҳон уруши даврида вақтинча қалами мато тайёрлаш ҳам қайта тикланган; 2) сопол буюмларга қалам ёрдамида чизиб безак яратиш усули, ҳамда шу усулда ишланган безак, нақш.

Қалами беқасам тўн – қўлда тўқилган майда чивиқ йўлли рангдор беқасамдан тикилган тўн.

Қалами яктак – қўлда тўқилган таги оқ, чивиқ йўллари зангори, сарик ёки қизил рангли бўз матодан тикилган либос, яктак.

Қалпоқ – 1) қалпоқ жуда қадимий бош кийим бўлиб, ҳали

бадий тўқима буюмлар пайдо бўлмаган даврларда кишилар бошларини тери ва барглар билан қоплаб юришган. Бу буюм «қоплок» деб юритилган. Кейинчалик, одамлар ўтроқ ҳаётга кўчгач, тўқимадан бичиб тикилган, гулдор, ҳашаматли бош кийимлар пайдо бўлиб, олдинги «қоплок» номи метатеза йўли билан «қоплок – қалпоқ» шаклига келган. Қоплоқнинг ўзаги «калла қопи», «каллани қоплаб турувчи буюм» маъносини англатувчи «қоп» сўзидир. (Қаранг: Асомиддинова И. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. Б. 31). Асосан республикамизнинг кўп жойларида (Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида ҳам) дўппи бош кийими ҳам қалпоқ деб аталади. 2) оқ ва қора босма кигиздан икки ёнини тепага қайириб тикилган чўзинчоқ формадаги бош кийим ҳам шу ном билан аталади.

Қасав – картон ёки қалин матодан цилиндр шаклида тайёрланиб, атрофини узун оқ доқа ёки оқ шойи бўлаги билан ўраб-ўраб ҳосил қилинган; пешона томонига турли безаклар тақилган устидан яна бир бор оқ доқа ёки шойи рўмол ташланиб ўраладиган никоҳ тўйи маросимида никоҳланаётган қизнинг бошига кийдириладиган бош кийим. Ҳозир урфда эмас. Фақатгина раққосаларнинг рақс кийимларини тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

Қатим – тикувчиликда иш тикишда қулоч қилиб ёзилган қўл учи орасидаги масофага тенг ипни игнага ўтқазиб бир марта тикишга етадиган ўлчамдаги ип.

Қашқарбалдоқ – ҳалқа шаклидаги исирға тури. XVIII асрда Фарғона водийсига Қашқардан кўчиб ўтганлар олиб келтирган. Қашқарбалдоқнинг маҳаллий анъаналарга яқинлиги уни тез тарқилишини таъминлаган. Олтин ва кумушдан тайёрланадиган халқанинг қуйи қисмидан ўртасигача нозик сим (гулли) панжаралар ишланиб, маркази майда зиғирак (ёки майда марварид)лар билан гул шакллар ҳосил қилиб тўлдирилади, баъзан феруза кўзлар олтин япроқчалар, билан бойитилади. Халқанинг қуйи қисмидаги панжарасимон гулли ҳилол янги ойни эслатади. Қашқарбалдоқнинг чиройли шакли нафис шабака гуллари, тилла ва марваридлар жилоси, заргарона ишланиши буюмга жозибадорлик бахш

этади. Безакларни турли шакл ва ҳажмда ишлаб, буюмнинг янги кўринишлари яратилади. Ҳозирда бу балдоқнинг турли кўринишлари республиканинг турли вилоятларида урфга кирган.

Қийик – 1) белбоғ, чорси; 2) европача бичиқли либосларнинг белдан пастга кийим матосидан бел томони торроқ, пастки этак қисми кенгроқ қилиб қийик қилиб қирқилган бўлак, клин.

Қирқиш – белгиланган чизиклар устидан қайчи билан қирқиш.

Қозоқи ёқа кўйлак – 1) ёқа горизонтал шаклда очилиб четига тик ёқа тутилган, ёқа очиги ўнг ёки чап кўкрак устидан вертикал (тик) шаклда очилиб жияклар тутилган кўйлак; 2) қозоқи кўйлак ҳам шу ном билан аталади.

Қолип – дўппидўзликда ва қалпоқлар тикишда размер, ўлча-мини белгилайдиган, ёғочдан ясалган андаза, намуна, шаблонлар. Қадимда кўнчиликда оёқ кийимларни кўлда тайёрлаш учун ҳам анашундай қолиплардан фойдаланилган.

Қопқоқ – 1) кўйлак ёқасининг олдига, изма очиладиган қисмига, ситилиб кетмасин учун 2-3 см кенгликдаги икки қават қилиб тикилган қисм (бундай қопқоқ асосан кекса аёллар киядиган, яхлит бичиқли либосларга тикилади); 2) уст кийимларнинг чўнтак оғзини беркитиб турсин учун 3 – 4 см кенгликда авра матодан тикиладиган бўлак; 3) кўйлак орқа (икки курак ўртасига) қисмига солинадиган қарама-қарши букма; 4) шимларда ҳам тугма учун изма очиладиган олд ички томони кўринмайдиган қисми. Русчада гульфик номи билан юритилади.

Қоракўли қалпоқ – қоракўл мўйнасидан тикилган қулоқчин, қалпоқ.

Қуббали пилтадўзи дўппи – металл пластинкалар билан безатилган дўппи. Кўпинча Самарқандда учрайди.

Қулоҳ – эркаклар бош кийими. Конуссиман шаклда косибий (кўлда тўкилган) шойи ва матога ироқи услубида кашта тикилади. Салла остидан кийилган.

Қулоқчин – ичига мўйна ёки пахта солиб астарланиб қавилган, юзига, уст аврасига чарм ёки сукно, мўйна қопланган қулоқни беркитиб турадиган қисмлардан иборат қишлоқ эркаклар,

ўғил болалар бош кийими.

Кўлқоп – кўлни совуқдан, оғир иш қилинганда турли ташқи таъсирлардан сақлаш учун қалин мато, чармдан, жундан тўқилган, тикилган кўлга киядиган бир бармоқди, беш бармоқли буюм.

Ғ

Ғижим рўмол – толаси йўғонроқ табиий ёки сунъий ипакдан ғижимлангансимон шаклда ғўзапўчоқ ёки пистапўчоқ гуллари солиниб, тўқилган рўмол.

Ғулфак – қопқоқ.

Ҳ

Ҳижоб ёпинчиқ; парда; никоб; тўсиқ; юзга тутиладиган парда, тўсиқ.

Ҳайкал – қорақалпоқ аёлларининг кўкрак тақинчоғи.

Ҳалажи – пахтани чигитидан ажратадиган ускуна. Ҳалажи ёғочдан қилиниб, кўпроқ уй ҳунармандчилигида ишлатилган.

Ҳарир – нозик тўқилган юпқа ипак газлама.

Ҳошия – либосларнинг ёқа, этак ва енг учларига йўллик, матонинг 1,2 йўлини кесиб олиб тutilган қисм, гуллик матонинг чет қисми либос этак ва енг қисмларига келтириб, тушириб бичиб тикилган безак, ҳошия.

